

R 496  
1981/12

ГУЛІСТОН

12

1981


БІЛ  
23





## Леонид Ильич БРЕЖНЕВ

[Ұртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ 75 ёшга кирди]



# ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ:

Бизнинг тинчликни мустақкамлаш йўлидаги, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш йўлидаги курашимиз — аввало, совет халқи олдида турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал қилиш учун унга зарур ташқи шароитларни таъминлаб бериш йўлидаги курашдир. Шу тариқа биз чинакам жаҳоншумул характердаги проблемани ҳам ҳал этамиз. Чунки ҳозир биронта халқ учун тинчликни сақлаб қолишдан ҳам, ҳар бир кишининг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам зарурроқ, муҳимроқ вазифа йўқ.

\* \* \*

Миллион-миллион меҳнаткашлар партияниң социал-иқтисодий режаларига хўжайинларча манфатдорлик билан муносабатда бўлаётганликлари, уларниң давлат ишлари тўғрисидаги ғамхўрлиги совет тузуми чинакам демократизмининг ифодасидир. Бу — планларимиз муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим гаровидир.

\* \* \*

Биз энг катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирмиз. Аммо оддий ва шунчаки кундалик бир юмуш бўлиб қўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимиздаги ҳамма нарсалардан тўла-тўқис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ташаббуси, партиявий-оммавий иш мана шунга қаратилиши керак.

\* \* \*

Партия ўн биринчи беш йилларда ва умуман саксонинчи йилларда халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини илгари сурмоқда. Бу программа совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини — истеъмол ва уй-жой, маданият ва дам олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни ўз ичига олади.

\* \* \*

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш партияниң фаровонликни юксалтириш соҳасидаги куч-ғайратида биринчи даражали аҳамият касб этади.

\* \* \*

Конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир. Мен буни яна эслатиб ўтаётганимнинг боиси шундаки, оддий, лекин жуда муҳим бир фикрни таъкидламоқчиман: аҳоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш — биринчи даражали партиявий ишdir. Бу масалага худди ана шундай ёндашмоқ керак.

\* \* \*

Ҳар бир республикамизниң жадал иқтисодий ва социал тараққиёти уларниң ҳар томонлама яқинлашув жараёнини тезлаштираётганинги ҳаёт кўрса-

тиб турибди. Миллий маданиятлар равнақ топиб ва бир-бирини бойитиб бормоқда. Янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқининг маданияти шакллана бормоқда. Бу жараён бизда социализм даврига хос тарзда тенглик, қардошларча ҳамкорлик ва ихтиёрийлик асосида бормоқда. Партия миллий сиёсатнинг ана шу ленинча принципларига қатъий риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиб турибди. Биз бу принциплардан ҳеч қачон қайтмаймиз!

\* \* \*

Социалистик мусобақа — омманиң ижодидир. Узининг моҳият-эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради.

\* \* \*

Совет санъатида янги тўлқин мавж урмоқда. Кейинги йилларда — айтарли ҳамма республикаларда кўплаб талантли асарлар юзага келди. Бу ҳол адабиёт ва театрга, кино ва музикага, рассомлик ва ҳайкалтарошликка тааллуқлидир... Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклиди.

\* \* \*

Маданият соҳасидаги ленинча сиёсатга содиқ бўлган партиямиз бадий зиёлиларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлади, уларни юксак ижодий вазифаларни ҳал этишга йўналтиради. Бу нарса ижодий кучларни яна ҳам жипслаштиришга, жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга имкон беради. Ҳеч шубҳа йўқки, совет маданият усталари бизни янги бадий ижодий кашфиётлар билан қувонтирадилар.

\* \* \*

Биз социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, янги инсонни шакллантиришга халақит берадиган ҳамма нарсаларни таг-томири билан йўқотиш борасида катта ишлар қилишимиз керак. Бу — партия социал сиёсатининг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, ундан кўзланган мақсад — совет кишиларининг фаровонлиги ва баҳт-саодатидир.

\* \* \*

Бизнинг халқимиз ўзи эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнати билан яратилганлигини, ўз қони билан ҳимоя қилинганлигини билади. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз меҳнатнинг куч-қудратига ишонамиз. Бунинг боиси шуки, биз ўз мамлакатимизга, ўз халқимизга ишонамиз. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз ўз партиямизга ишонамиз, партия кўрсатиб берган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканлигини биламиз!

(КПСС XXVI съездига қилинган Ҳисобот докладидан)

ШЛАРГА ишонганимиз, уларни муносиб ўринбосарларимиз, келажагимиз деб билганимиз ҳолда, кексаларнинг табаррук маслаҳатларию қимматли ҳикматларига кулоқ сошли завқига нима етсин. Тошкент зилзила кунлари эди. Кексалар гурнугида зилзила хусусида гап кетарди. Бир нуроний отахон шундай деди:

— Ҳа, нима бўлса бўлди. Шунча нарсани мұхайе қилиб қўйган ҳукуматимиз уй-жойсиз қўймас...

Ноқоратупроқ ўлка областларида бўлганимда, негадир, ўша отахоннинг галини эсладим. Дарҳақиқат, зилзила рўй берган куннинг эртасига ёз Узбекистонга — Тошкентга мамлакатимизнинг турли республикаларидан бинокорлик поездлари йўлга чиқди. Қисса вақт ичда республикамиз пойтахти қайтадан тикланди. Фақат тикландинга эмас, аввалгисидан ўн чандон тўкис ва чиройли шаҳар барпо этилди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан кепган курувчиilar Тошкент жамолини очишига муносиб ҳисса қўши. Ҳалиги отахон айтганидек, ҳеч ким уй-жойсиз қомлади. Совет кишиларининг дўстлиги, биродарлиги пойтахтимизнинг қайта тикланшида ҳам ўз самара сини берди.

Ноқоратупроқ ўлкада — рус ҳалқининг тарихидан гувоҳлик берувчи Новгород облости қишлоқ районларида, тўқимачилик соҳасидан ўзбек ишчиларига устоз бўлган Иваново облостида бўлганимда Ватанимиз ҳалқлари дўст-қардошлигининг куч-қудратини қайта-қайта ҳис этдим. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездидан жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш ишлари барча республикаларнинг биргаликдаги куч-қудрати билан муваффақияти адо этиляпти.

Маълумки, Ўрта Осиё шароитида ўзлаштирилган ерларга сув ҷиқариш асосий масаладир. Ноқоратупроқ ўлкада эса, асосий иш ботқоқликларнинг сувини қочиришдан бошланади. Биринчи қарашда шундай туюлади. Аслида эса суви қочирилган ерлар ҳам, бари бир сугорилади. Шу мақсадда ҳамюртларимиз мазкур ўлкада зовурлар, сугориш тармоқлари, ҳатто сунъий денгизлар, селхоналар барпо этмоқдалар. Айни пайдада уй-жой бинолари, барча қулагилларга эга замонавий агрошаҳарчалар, посёлкалар, рўзгор маҳсулотлари билан таъминловчи совхозлар тикланмоқда. Экин экиш, дехқончиликни ривожлантириш мақсадида янги ерлар ўзлаштирилаётir.

Ноқоратупроқ ўлкада ҳамюртларимиз бошқа-

# БАХТУ ОМАДИМИЗ

## ЕЛКАДОШЛИКДА

раётган ишлар миқёси фақат шулар билангида ўлчаммайди. Бу ерларда ишлаш бизнинг қурувчиликимиз учун қийин, мураккаб жиҳатлари бор. Аввало Россиянинг иқлим шароити бўлакча. Қурилиш ишлари олиб борилаётган ерларда янгида йўл қуришга, сўнгра материалларни ташиб боришига, кейин биноларни барпо этишга тўғри келади. Бинокорлик базасининг объектлари ботқоқликдан қарийб тўрт минг километр узоқликда жойлашган. Буларнинг ҳаммаси бизнинг шароитимиздагига қараганда мураккабdir. Шунга қараб ҳамюртларимизнинг Ноқоратупроқ ўлкада қанчалик катта вазифани адо этаётганликларини тасаввур қилиш мумкин.

Новгород ва Иваново облости партия комитетларининг ходимлари, ўзбекистонликларни бирлаштирган трестларнинг раҳбарлари республикализ қурувчиilar, ирригаторлари ва мелиораторларининг бу ўлкани яшнатиш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида мароқ билан сўзладилар. Маълум бўлди, Иваново ва Новгород областларида иккитадан тўртта совхоз қурилиши тезкор усусларни олиб бориляпти. Владимир облостида дастлабки совхоз қурилишини бошлаб юбориши учун қизғин тайёргарлик ишлари кўрилжатди. Владимир облостида яна бир совхоз барпо этиш масаласи ҳам ҳал қилинмоқда. Бу ҳўжаликлар эртаги сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари ётишишига ихтинослаштирилади. Совхозларда камидан 300—400 киши истиқомат қиласидан посёлкалар, йирик чорвачилик фермалари, теплицалар, ремонт устахоналари барпо этилади. Демак, шундан билинади, 6—7 минг гектар суви қочирилган ҳосилдор ерлар ишга тушади. Шунингдек, совхозларда эрта-индин янги мактаблар, саломатлик саройлари, болалар бояча-яслилари, маданият даргоҳлари, ошхоналар ишга тушади.

Ўзбекистонда қатор сув ҳўжалиги иншоотлари қурилишида самарали меҳнат қиласи, ҳозирги пайтада «Ўзновгородстрой» трестининг бошқарувчи Георгий Владимирович Магарадзе сўхбатлардан бирида шундай деди:

— Трестимиз ўзбекистонда кўплаб қўрик ерлар ўзлаштирган, сув иншоотлари барпо этган. У Новгород облостида ўз тажрибаларига амал қилиб, Мирзачўлни, Қарши даشتини ўзлаштиришдаги илғор усусларни кенг қўлламоқда. Бу ерда ҳам совхозлар қуряпмиз. Бу совхознинг қандай бўлишини тасаввур ётишигиз ҳавола этамиш. «Тошкент» совхозини тикишга жами 40 миллион сўм сарф қилинади. Бу даргоҳдаги посёлкалarda тахминан 2 минг киши яшайди. Юксак ишлаб ҷиқариш маданиятига эга бўлган замонавий агрошаҳар вужудга келтирилади. Совхоз тўла қувват билан фойдаланишга топширилгач, 1975 йили бутун Новгород облости ётиширганига баравар миқдорда сабзавот бера оладиган даражага етади.

Ҳамюртларимиз — қурувчиilar, мелиораторлар билан жойлардаги учрашувларда уларнинг ҳақиқатан ҳам Бутуниттифоқ аҳамиятига молик улкан яратувчилик ишида енг шимарип меҳнат қиласидагиларни қаноат ҳосил қилдик. Улар жонажон партиямизнинг XXVI съездидан кўрсатмаларига мувофиқ ўн биринчи беш йиллика Ноқоратупроқ ўлкада 50 минг гектар ботқоқликни унумдор ерларга айлантирадилар, сугорилмай ётган, дехқончилик қилинмай келган 13 минг гектар майдонни об-ҳаёт билан таъминлайдиган сув тармоқларини бунёд қиласидар. Дехқончиликка яроқсиз ҳисобланган 20 минг гектар ерлар тош ва харсанглардан, тўнка ва илдизлардан тозаландиди, 120 минг квадрат метр майдонда кўркам уй-жой бинолари барпо этилади. Йирик бинокорлик индустрисини вужудга келтирмасдан туриб катта ҳажмидаги қурилиш объектларини тик-

лаб бўлмаслиги аён. Бу ишга ҳам ўзбекистонликлар салмоқли ҳисса қўшаётирлар. Асосий объектларга яқин жойларда қудратли темир-бетон заvodlari ва керамзит-бетон панеллар тайёрлаб берадиган корхоналар бунёд қилингати. Уларнинг қудрати ҳақида гап борадиган бўлса, биргина темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаридиган заводнинг йилига 100 минг куб метр шундай материал билан қурилишларни таъминлаб туришин таъкидлашнинг ўзи кифоя.

Ноқоратупроқ ўлкада партиямиз даъватига жавобан ўз ихтиёри билан меҳнат қилишга ҳамюртларимизни ундаган омиллар нималардан иборат? Шимск райони территориясида қурилиш ва мелиорация ишларини олиб бораётган 9-ихтиослашсан колонна бульдозерчиси Зокир Шайдуллининг жавоби мени ниҳоятда ҳаяжонлантириди:

— Бухородан оила аъзоларим билан Новгороднинг дарагини ёшишиб келганман. Бу жойлар мен учун мўътабар. Гап шундаки, Новгород учун бўлган жангларда падари бузрукворим ҳалок бўлган. Онаминг ҳикоясига қараганда, отам жанг бораётган жойлардан «бу ерларда кўллар ва игна баргли ўрмонлар кўп», деб ёзган. Ўша мактуб мен учун унтилмас хотира бўлиб қолган. Новгороднинг дарагини ёшишиб келган ҳудди шу участкасини танладим. Эҳтимол, отамнинг азиз қони тўкилган ерларни ўзлаштириб, яшнатаётгандирман...

Ильмень кўлининг нариги тарафида, Старое Руссо шаҳрининг ёнбошидаги Парфино районида тузилган «Ўзларфиноводстрой» қурилиш ишлари бошқармаси бошқарили Ҳаким Мансурович Абилов билан объектларни бирга айландик. У нон ёпилаётган цехни, палов пиширилаётган дошқозонни, шарқона услубда қурилган уй-жой биноларни кўрсатаркан, баҳри-дилси очилиб кетди. Ноқоратупроқ ўлкага ҳужумни ўзбекистонликларни биринчилар қатори 1974 йилда бошлаганниклари, дастлабки қийинчиликларни енгib ўтганлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.

Ҳаким Мансурович бошқарма-нинг дастлаб чодирларда истиқомат қиласидан кўрчилади, мелиораторлари ҳозир атрофи ўрмонзорлар билан туташиб кетган янги посёлкаларга кўчиб ўтганлар. Бу посёлкалардан бирор революцион шоиримиз Ҳамза номи билан аталади. Посёлка ўз чойхонаси, нонвойхонаси, миллий таомлар тайёрлайдиган ошхонасига эга. Айтишларича, маҳаллий аҳоли бизнинг миллий таомларимизга, тандирда пиширилган нонларимизга қизиқиши билан қарамоқда.

Қўёшли республикамизнинг Новгород облости билан маданий алоқалари ҳам ривожланниб боряпти. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатадиган артист Юнус Тўраев бошлық санъаткорлар бригадаси яқинда Иваново облостида концертлар берди. Новгородда ўюштирилган ўзбек рассомлари кўргазмаси томошабинларда яхши таассурот қолдириди. Новгороддаги «Садко» ҳалқ ансамбли Тошкентдаги санъат муҳлисларини мамнун этиди.

Ноқоратупроқ ўлкадан бой таассуротлар билан қайтдик. Ўзаро ҳамкорлик, қийин вақтларда оқибат кўрсатиш, дўстларнинг бир-бирига мадад берниш, елкама-елка туриб меҳнат қилиши турмуш тарзимиз учун мезон бўлиб қолгани, бундай олижаноб фазилатлар Ноқоратупроқ ўлкада «ок олтини» ўлкасининг бинокору мелиораторлари кўрсатиётган бунёдкорликда ҳам намоён бўялти. Бу хайрли ишлар дўстлигимиз, елқадошлигимиз қудратининг амалий ифодасидир.

Жўра ХОЛКОСИМОВ  
Иваново — Новгород — Тошкент

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали

№ 12 (382)

Декабрь  
1981



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

**Б**ОЙСУН довонларидан ўтиб бораётганимизда машинанинг олд ойнасига осмондан бир-икки томчи тушди. Бу совуқ томчилар водий ҳосилининг нақадар катталигидан хушнуд ҳисоя қилиб бораётган секретарнинг ҳарорат тўла қалбини ларзага солди. У бирдан жъумиб қолди. Бу пайтда сурхондарёлик дехқонларнинг бутун меҳнат фасллари эвазига етиштирган уч юз минг тонналик пахталари ва ниҳоятда кимматли ипак пахтанинг ярмидан кўши ҳали ерда эди. Ширин сұхбат ташвиши маззу билан алмашинди. Машинани усталик билан ҳайдаб бораётган тажрибали шофер ойнага тушаётган томчиларни тез-тез артар, йўлдошларининг кўнгил ҳирагини камайтироқка интилар эди.

— Бир кун шивалаб ўтган ёмғир бир ҳафта овора қиласы, — деди тағин секретарь нохушлик билан.

«Дарбант» совхозининг бўлимига кўтарилиши мизда офтоб кўринди.

— Айтмадимми, бу булутлар биз-  
гача етиб боролмайды, деб...

Шофер йигит ҳамроҳларини ас-  
тадиган саломини бўлади.

Себе көркем жүргізуңынан

## Область партия комитети биринчи

секретарининг шофери Андрей об-  
ласти таҳтасимигина эмас ирагини

ласть пахтасинигина эмас, ипагини, көрвасини мева-чевасини хам хам-

чарасини, мева-чевасини ҳам, ҳамма-ҳаммасини яхши биларди ва уларнинг парваришидан тортиб йигибтериб олингунгача бўлган ҳамма даврни бутун республика миқёсида бошқа водийларга қиёсан диққат билан кузатарди. Гоҳо унинг муҳокамаларига тажрибакор дехқонлар ҳам ҳайрон қолардилар.

Бу йил ҳам водий дәхқонлари ҳар йилгиден фидокорона мекнат қилдилар. 15 мартдаәк чигит ёппаси-га экиб олинди, ғұза қыйғос баш күтәрди, текис үсіб берди. Ҳаво ҳам очиқ келди. Лекин об-ҳавонинг бу мұътадиллігі тажрибакор дәхқонларни хавфлантиради. Ғұзалар гуркираб тұрганда — 2 апрай күні табиий оғат юз берди. Ғұзаларни ҳам, сув йұлларини ҳам, дов-дараҳларни ҳам сув ювіб кетди. Экинни бошдан-оёқ қайта экишга тұғри келди: тұқсон минг гектар ерга қайтадан чигит экилди. Май яхши бүлди, ғұза гуркираб үсди, июнға келиб яна оғат ёпирилди, тоғу тошни ювіб сел келди. Бор каналлару сув йұлларини теп-текис қилиб кетди... Мана шундай машаққатларни енгіб, мұл ҳосил тайерләгап дәхқон энді об-ҳавонинг бу қилингіни ҳам күтариши керак. Лекин тадбиркор дәхқон бундай машаққатларнинг күпини күрган ва дөң қақон довдирاب қолмаган. Аммо ёғында қолған оппоқ пахта билан қор остида қолған күсакларни күрмөқдан ҳам қаттық хүрлик бўлмайди дәхқон учун! Унга чап бермоқ, олдини олмоқ керак. Ҳамма гап мана шунда, тадбиркорлик ҳам мана шунда.

Мехнат дунёни дилбар қиласи, дейди билимдан халқ. Унинг меҳнати билан бунёд бўлган боғлар, далалар, водийлар; пахтазорлар, яйловлар Ватаннинг нақадар тенгизи ва тубсиз ҳазина соҳиби эканига қувонасан. Бугунги деҳқоннинг идроқи, тадбиркорлигини кўриб фахрлансан, пахтакорнинг ҳақиқий ижодкорлиги, кашифи ҳавасинги келтиради. Деҳқон йил-үн икки ой меҳнат қилиб, пахтасин 60 центнерга етказади.

## Ёзувчилар пахта далаларидан

### Турб ЧУЛ А,

Узбекистон ССР жаңы ғазуучиси

# ДОЛЗАРБ ЛАХЗАЛАР ШИДДАТИ

ди, декабрда сабзавот экиб, февралда ҳосил олади, лимон, дашнобод анори, хурмо, унабидан ҳам истаганча ҳосил олади. Мактабни тутгатб далада қолаётган, трактор минаётган ёш йигит-қизнинг хаёлида нима бор, деб ўйлайсиз? Нега ўзга ёқларни ўйламайди, ўзга ёқларга кетмайди? У ота-онасининг меҳнати қадрини яхши англайди, ана шу қадр ва фарх билан тарбияланади, унинг ерга муҳаббати мактабдан бошлиланади. Ана шу муҳаббат унинг иқтидорига камол беради. Бу муҳаббат ва иқтидор билан катта бўлган фарзанд—ер фарзанди. У отаси сингари эртасини ўйлаб ишга чиқади, келажагини ўйлаб иш юритади, мана шундай идрок билан катта бўлалиди, мана шундай муҳаббат билан танилади, обрў топади, отасининг ўнини босади.

Афсонавий халқ қаҳрамонлари от сурган Боботоғ ва Ҳисор тоғлари бағрида Сурхон түлқинлари билан сайқалланыб, гуркираб ётгаң бу водий саҳоватига бутун тараф йўқ. Иқлими мўътадил, тупроғи унумдор, кўёши мўл ўлка тағин қайда бор? Бу тупроққа қанча ихлос қўйсанг, эвази шунча мўл бўлади. Бағрида «оқ олтин» баҳра олаётган бу тупроқнинг тағин аллақанча ҳазинаси кўзингни қамаштиради. Сурхон водийсининг масалалари жадвалида шу қадар кўп таркиблар борки, улар водийни наинки «оқ олтин» базасига, ипак паҳта, қоракўл ва ипак бойликлари, саноат ҳом ашёлари ҳазинасига ҳам айлантириб ўбормоқда. Партиямизнинг XXVI съезди белгилаб берган ўн биринчи беш йиллик режалари бўйича Сурхон водийсида тағин юз минг гектар ер ўзлаштирилади, Шерободнинг Хўжайонида беш миллион тоннадан туз берадиган туз кони очилади. Бойсун тоғларининг этакларида керамзит тупроғи «керағингга тайёрман, хонадонингни безайман», деб юз очмокса, сувдан бир неча маро-

таба енгил ва тошдан қаттық бу нөб қурилиш материали бекісіс бойлықдир. Бойсун ва Боботогнинг хазинаи ҳавзасида кумуш, гранит, қызил гранит, қора гранит, никојатда қаттық мармар тошлар, қызил тупроқ, катта одақ конлари мәжүл.

Сурхондарё водийсининг бекам-  
кўст тупроғига уч миллиард куб  
сув қерак. Бу сув ҳам водийнинг  
ўзида бор. Факат Сурхондарё суви-  
ни йил-ўн икки ой ҳосил олишга  
сафарлаш кифоя. Унинг Тўпалаң шо-  
ҳобчасида биринчи ҳавза қурилади,  
сув 40 метр баландликка кўтарила-  
ди. Жарқўргонда яна бир ҳавза  
бидати. Шунда наинки юз минг гект-  
тар янги пахта ери сугорилади, мав-  
жуд об-ҳаёт юз минг тонна шолига  
ҳам, уч юз минг тонна ипак пахтага  
ҳам, беш йилликнинг охирига бориб  
икки баробар ошириладиган ҳозирги  
240 минг тонна фаллага ҳам, мўлжал  
килинаётган 30 миллион дона ли-  
монга ҳам, ташкил этиладиган яна  
15 мевачилик совхозига ҳам, кенгай-  
тирилаётган шакарли жовуз узумли  
боғларга ҳам, ҳамма-ҳаммасига этиб  
ортади.

Яқын-яқынларгача пахта бутунлай күлдә териларди, терим ниҳоятда чүзилиб кетарди. Мана, энді машиналар дәңқоннинг оғирини енгил қиялпти. Машина терими юз процента күрганда балкы октябрь ойи бошларидаётк терим тугайды. Илм ва техника пахта ишини мана шундай меъёрга ундаомда. Бугун машина ҳосилининг түртдан уч қисмими теграман деб түрибди, эртага ҳаммаси ни деб қолади. 1962-63 йиллари машина ярим миллион тоннагина тегарди. Бугун ана шу рақам түрт баробар ошиб кетди. Бугун отаболаримиздан қолған мерос — пахтачилик хунаримиз ўзининг олий мақомига чиқди, илфор агротехника маданияти мисли күрilmаган чүккүйе гүтариди. 1960 йилга келиб күтарылган 3 миллион 200 минг тонна

Хосил - бугун 6 миллион тоннадан ошиб кетди.

Сурхондарё билан Қашқадарё дэхқонларини жасоратли, қаҳрамон кишилар, деб атайдилар. 1962 йили қашқадарёликлар айниқса шиддат билан ишга киришдилар, ота-боболари қоломаган ишни қылдилар. 240 минг гектарлык улкан заминда ҳар йили уч юз минг тоннадан «оқ олтин» олишга аҳд қылдилар. Қашқа воҳасида миллиондан ортиқ кўйқўзи, икки юз мингдан ортиқ қора мол боқилади, икки ярим миллион қоракўл олинади. Қарши чўлида бугуннинг ўзидаёт 48 та совхоз бунёд этилди, катта пахта хирмони кўкка бўй чўзмоқда. Область ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб, бир миллион тоннадан ортиқ пахта ҳосили беради.

Ҳақиқатан ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида қаҳрамонона ишлар қилинмоқда.

— Тортинчоқка ўшар эдик,—  
дейди пахтасининг узун ва нозик  
толаларини чўзиб кўрсатар экан  
мўйсафид дехқон. — Мирзачўлни  
агдар-тўнтар қылган, Марказий Фар-  
ғоннинг қоқ ўртасидан канал сол-  
ган дехқонларга ҳавасимиз келарди.  
«Тортинчоқлик ҳеч қаҷон йўлдош  
бўлолмайди, унинг билан ҳамиша  
панд ейсан», деб хўб айтган экан-  
лар. Бир вақтлар чилим чекиб куни-  
ни кеч қылганларни, нос тупуриб  
ўтган кашанда дехқонларни ҳам кўр-  
ганимиз, «роса ишлапти-да, отасига  
раҳмат», деб мийғифда кулиб қўйи-  
шарди. Қанақа ишлаш кераклигини  
ўшалар мана энди кўришин! Энди  
бизгэ ҳавеслари келсин!..

Қарши чўли энди ҳамманинг фахри, ғурурига айланиб қолди. Деконободлик Қодир баҳшининг қўшиғига кулоқ солсанг ҳам, нишонлик Социалистик Мехнат Қаҳрамони Маҳкамой Ҳазраткулова далаларига боқсанг ҳам, насос станциялари ва каналларни эксплуатация қиласетган коллективининг ёш директори Рустам Очилов иншотларини кузатсанг ҳам, беш ака-уқа Қиёмвларнинг саф тортиб паҳтазор айланиб ўрган терим машиналарига кўз ташласанг ҳам мана шу фахрни, ғурурни хис қиласан, меҳнатларининг мисливиз самараларини кўриб қувонасан, киши. Область партия ташкилотининг тарбиясида вояга етган бу авлод «Алпомиш»да битилган «тоғни урса, талқон қиласди»ган кишилардир. Қашқадарёликлар «керимизнинг тагида дўзах бор», деб кулишади. Ҳақиқатан ҳам усти оппоқ олтин билан қопланган Қарши воҳасининг остида уч триллион куб метрдан ортиқ газ бор, дейишади олимлар. Демак, дўзахмас, жаннат бор бу ерлар тагида.

Биз юрган йүлларнинг бугунги таровати ва лаҳзалари шиддати ма-на шундай. Пахта далаларида садо-қат ва шижоат ҳукмронлик қилди. Табиятнинг ҳар қанака юлқунишлариға қарамасдан етиштирилган кatta хирмон буғун кўз ўнгимизда намоён. Партиямиз Марказий Комитети ва саховатли давлатимиз қаноти остида ҳалқимиз буюк самарали ишларни амалга оширмоқда.

Долзарлаб дахшалар шиддати халқ  
мөхнати самарааларини ҳимоя қилди,  
дехқон пешона тери билан йўғрил-  
ган бебаҳо ҳосилни йиғиф давлатга  
топширишнинг асосин омили бўлди!  
Бунга Қашқадарё ва Сурхондарё  
мөхнаткашларининг жасорати ва ма-  
тонати туфайли бунёд этилган «оқ  
олтин» хирмонданги гувоҳ.

# ТУЯМҮЙИН САФАРИ

Нонуштадан кейин Умржон хола хомуш тортиб хаёлга чўмди. Узоқдаги қизини кўмсади, жажжигина, ширингина невараси кўз олдидан ўтди. «Нима бўлса ҳам омон бўлишин-да!», деб ўзиға ўзи тасалли берди.

— Хотин, ўзингча нималар ҳақида хаёл суряпсан? — деб сўради ишга отланашётган Омонбой ака.

— Неварамни согиндим, дадаси! Ахир, ўн бир кун бўлди-я!

— Ҳавотир олма, бугун-эрта келиб қолишар...

Умржон хола эртасига қишлоқ почтасига борди.

— Келинг, опажон! — деб хушнудлик билан кутиб олди почтачи аёл.

— Қизим Ҳафизадан хат келдими, болам?

— Ҳали почта келганича йўқ, ҳайтандек, тунов куни телевизорда кўрмадингизни қизингизни?

— Кўролмай қолибмана, қўшиларим кўришибди, — деб кўзига ёш олди Умржон хола.

— Ҳурсанд бўлиш ўрнига йигланинг нимаси, хола? — деб почтчи аёл.

Шу пайт ташқарида алоқа бўлимининг машинаси устма-уст сигнал берди...

— Суюнчи, холажон, мана хат, — деди почтчи аёл ва конвертни узатди. Онахон конвертни ўша заҳоти очиб ўқиди: «Ассалому алайкум, дадажон, ойижон! Биз соғ-омонмиз.

Шундоқ ёнимиздан шариллаб Амударё оқади. Қўевингиз билан палаткада яшапмиз. Биз турган жойининг бир томони Туркманистонга қарайди, бир томони Бухоро областига, бир томони Хоразмга. Кече ўзимиз учун ётоқхонага пойдевор кўйдик. Қўевингиздан салом. Бизга мәҳмон бўлиб келинглар. Қизингиз Ҳафиза».

«Тавба, ўзлари палаткада яшаса-ю, тагин бизни мәҳмонга таклиф қиласа-я. Роза қийналишаштандир», дег ўзича маъюс тортиб ўй сурди она.

... Эр-хотин гапни бир ерга кўйиб, поездга билет олишиди. Кейин етиб борадиган кунини, вагон номерини маълум килиш учун куёви номига телеграмма юборишиди.

Поезд кенг чўлларни оралаб, кун ботишига яқин Питнакка кириб борди. Станцияда ўнга яқин ёшлар Умржон хола билан Омонбой акани гулдасталар билан кутиб олишиди.

— Ойи, манави машинани бизга мукофотга беришиди, — деди куёви Туробжон кўча четида турган «Москвични» кўрсатиб.

— Да, муборак бўлсин. Айтган-дек, неварам қани?

— Неварангизни машинамиз ичиде қизингизнинг устози Анастасия Зикина олиб ўтириби, болани шамоллатиб қўймаслик учун, — деб куёви ойисининг қўлтиғидан ушлаб машинага бошлади.

— Э-э, узоқда туғилғен узоқбийм-ей, — деди йўргакдаги чақалоқни Анастасия опанинг қўлидан оларкан Умржон хола.

Кечқурун Ҳафизаларнида мәхмону мезбонлар давра куриши. Омонбой ака билан Умржон хола зиёфатга қатнашганларнинг мөхрибонлиги ва илтифотидан ҳурсанд бўлишиди. Суҳбат алламаҳалгача давом этиди. Туямўйин гидроузелининг қурилиши, унда турли миллат вакилларнинг матонатли меҳнати, сижжаклик Ҳафиза ва Туробжонларнинг ҳам бу улкан иншоатдаги хизмати — ҳаммаси бирма-бир тилга олинди.

Эртасига Туробжон мәхмонарни машинага ўтқизиб шаҳарни айлантириди. Ўттиз беш миллат вакилларни матонатли меҳнати билан бунёд этилаётган улкан иншоат Умржон холада катта таассурот қолдирди. Улар қад ростлаган ҳушбичим биноларни, кинотеатрларни, клубларни завқланниб томоша қилдилар. Туробжон кечга яқин қайнотаси билан қайнонасини шаҳар ижроия комитетига олиб кирди. Комитетнинг раиси Ёдгор Рўзиматов билан танишириди.

— Қизингиз билан қўевингиз, — деди ижроком раиси холага қараб, — шаҳримизнинг тўнгич комомол оиласи. Шунинг учун ҳам уй тақсимотини шу оиласдан бошла-

дик... Қалай, шаҳримиз сизларга ёқдими?

— Мириқиб томоша қилдик, — деди Омонбой ака мамнун ҳолда. — Ешлигимиз ўтиб кетганига кампир иккимиз ачиняпмиз, бўлмаса биз ҳам...

— Ҳой, отаси, — деди Умржон хола ҳазил аралаш, — сиз ҳам Туямўйинда қолиб, Сижжакка бир ўзим кетолмай юрмайин тагин.

Хонада кулги кўтарилиди. Омонбой ака кўёвига тикилиб:

— Зўр келса Туробжон бизга ҳам уй топиб беради-да, — деди раисга қараб бир кўзини қисиб қўйди. — Кампир, бу ерда уй куриш ҳеч гап эмас, мана, қизимиз билан куёвимиз шундай катта Амударёни тўсиб, биздаги «Оққовоқ» ГЭСига юзта келадиган ГЭС қуриштити-ю...

— Ҳафизахон нима иш қилади, Туробжон? — деб сўради Умржон хола қўққисдан.

— Ҳафизами? Сувни тўсадиган бетон деворлар қуяди, — деб жавоб берди куёви.

— Қизингизга ўхшаган сергайрат қиз-жуонлар қурилишда кўп, — деди ижроком раиси яна суҳбатга аралашиб. — Ҳаммасининг ўрни, салмоғи бор. Қўевингиз Туробжон ҳам шаҳримизнинг энг ҳурматли кишиларидан. У шаҳримиз ишчилари орасида биринчи бўлиб Ленин комомоли мукофоти лауреати деган юқсак унвонга сазовор бўлди.

— Онаси, — деб кулиб луқма ташлади Омонбой ака. — Сижжакка ис босиб ётавермай, биз ҳам шу ерга келиб қўяқолайлик-да.

— Келсак келаверамиз, дадаси...

Улар яна машинага тушиб сайр қилдиар. Машина канал кўпригидан ўтиб, тепаси ойнаванд баланд минора тагига келиб тўхтади. Мехмонлар бетон зиналардан дарё ёқасидаги баландликка жойлашган диспетчерлик пунктни — кузатув минорасига аста-секин кўтарилиши. Туробжон ўғилчаси билан машинасида қолди. Ҳафиза эса ота-онасига қилган ишларини гурур билан кўрсатиши учун уларни пиллапоялардан юқсанлика бошлаб борарди.

Навбатчи диспетчер мәхмонарни илиқ кутиб олди. Унинг ойнаванд хонасидан Туямўйиннинг бутун манзараси кўзга ташланиб турарди. Ўжар дарёни тўсиб турган баланд тўғон мәхмонар эътиборини жалб қилди.

— Бу нима экан, қизим? — деб сўради қизидан Омонбой ака.

— Дадажон, бу биз қураётган тўғон, — деб тушунтири Ҳафиза. — Унинг устида ГЭС, орқа томонида эса катта кўприк қурилади. Биз асрлар бўйи инсон измига бўйсунмаган дарёни тўсдик. Бу ердан тўрт томонга сув оқади. Асрлар бўйи ташна чўлларга сув оқади.

— Турган жойимизнинг асл номи нима экан? — деб сўради диспетчердан Омонбой ака.

— Мана шу тўғон қурилган жойини туркманилар «Шарлов» дейишади. Ўзбекласига шаршара дегани. Қадимий номи Туямўйин. Агар яхшилаб назар ташласангиз, дарё шу ерда түбйинидек буралиб оқади. Ҳозирги номи ҳам шундан олинган бўлса керак.

Кузатув пунктининг шундоққина бицинида бетон заводи бир маромда ишларди. Тонналаб бетонларни обьектларга етказиб бериш учун улкан самосваллар завод дарвозасидан кетма-кет чиқиб турарди.

— Ҳуб, ана кўрязисларми? — деди диспетчер олисларга ишора қилиб. — Машиналар бетон ағдараётган ерда жуда катта сув омбори қурилалти. Унга 2,6 миллиард куб сув тўпланиди. Бу сув Туркманистон, Бухоро, Хоразм чўлларига оқади. Сувнинг шарофати билан янги янги совхозлар, шаҳарлар бунёд этилади.

— Офарин! — деди Омонбой ака ҳайратланниб.

Бўстонлиқлик оддий ошпаз Омонбой аканинг жикаккина қизи Ҳафиза ва куёви Туробжон Шароповларнинг суратлари бугун қурувчилар маскани — Дўстлик шаҳрининг Ҳурмат таҳтасини безаб турибди. Уларнинг жасоратини Туямўйин сафарида ота ҳам, она ҳам ўз кўзи билан кўриб келди.

Олим Қўчқорбеков,  
Фозил Зоҳидов



Туямўйин гидроузели бунёдиорларида Рафиқ Валиев,  
Нургози Сирозиев.

У. ПОЛВОНОВ фотоси

# ШАРҚИЙ ҚИРГОҚ

Белорус ёзувчиси Иван Новиковга бағышлайман

Табиат қонуни,—  
Қайда бор қирғоқ,—  
Билмадим, фанда не боис, омиллар—  
Шарқий соҳиллардан ҳамиша тикроқ,  
Баландроқ бўлади гарбий соҳиллар.

Неча дарёларни кузатиб юрдим,  
Ҳеч ерда истисно топмадим бироқ.  
Гарбий соҳилларда тепалар кўрдим,  
Шарқий соҳилларни кўрдим ётироқ.

Боқиб кўнглим чўқди неча мартаба,  
Нега бундай қилдинг, ҷархи кажрафторм?  
Бир соҳилга бериб юксак мартаба,  
Бошқа бир соҳилни қилдинг хокисор?  
Аслида замин бир, тенгdir соҳиллар,  
Ноҳақлик эмасми, гардуни золим!..  
Қайда қирғоқ кўрсан  
Оловли йиллар,  
Конли кечувларга учар хаёлим.

Биз доим борганимиз кун чиқар ёқдан,  
Улимнинг юзига тик боқиб ҳар гал.  
Ёв эса юксакдан, гарбий қирғоқдан  
Қаттол ва бешафқат ёғдирган ажал.

Биз шарқдан борганимиз, шарқий соҳиллар,  
Тўпга нишон бўлди, текис ва яйдоқ.  
Биз бўлсак — коммунист — жони сабиллар  
Тикка боравердик, танимиз байроқ.

Дарё бўлиб оқди дарёда хунлар,  
Дўзах оловида бамисли дунё.  
Минглардан юз қолдик, юзлардан ўнлар,  
Кирилдик, орқага қайтмадик аммо.

Бизга душман эди ҳийла ва ҳадик,  
Йўқ эди мардликдан ўзга ҳимоят.  
Ёв ўки тугади, биз тугамадик,  
Гарбий соҳилларни олдик, ниҳоят.

Мана мен юксалиб  
Гелерт тогига  
Фидолар қабрига эгарканман бош,  
Қарайман Дунайнинг у қирғонига  
Ногоҳ кўз пардасин қоплаб келар ёш.

Шарқий соҳил ётар тинч ва беозор,  
Ҳеч қачон ҳеч нарса кўрмаган гўё.  
Гўёки бўлмаган у қонли баҳор,  
Оҳиста чайқалиб оқади дарё.

Ҳолбуки, қирғин жанг давом этмоқда,  
Ҳолбуки, қурбонлар руҳи уйғоқдир.  
Ҳамон ёв қўргони гарбий қирғоқда,  
Ҳамон бизнинг маскан шарқий қирғоқдир.

Дарёлар гирдобида ҷарх урар замин,  
Мажруҳ сийнасидан силқиб оқар қон.  
У ҳар кун, ҳар лаҳза минглаб одамни  
Шарқий қирғоқларда бермоқда қурбон.

Бомбай, Мадорасда одам тумонат,  
Яратган бандаси мисли тупроқдир.  
Очлик ҳар сония минг жонга оғат,  
Жизғинак кўчалар — шарқий қирғоқдир.

Ногоҳ гумбурлайди Хайфон осмони,  
Юрагин чангллаб қолар бир аёл.  
У шарқий соҳилларни битта қурбони,  
Тириклийн топган ёш жони завол.

Ҳамон қитъаларда йўқдир сукунат,  
Ҳамон жабҳаларда уйгоқдир ғаним.  
Жафокаш дунёда, азалий қисмат,  
Шарқий қирғоқдадир менинг ватаним.

Дунёда бор экан ноҳақлик, зулм,  
Дунёда бор экан асорат, жафо,  
Жангдамиз, бир бошда бор битта ўлим,  
Шарқий соҳилларда жонимиз фидо.

Шоир! Эй тинчимас оловли юрак!  
Адолат юлдузи сенга маёқдир.  
Ҳақ йўлда фидойи аскарсан, демак,  
Сенинг қароргоҳинг — шарқий қирғоқдир.

Зулм қўргонига қиласбер ҳужум,  
Билки, бизнекидир ниҳоят зафар,  
Дунёда бор экан энг сўнгти мазлум  
Шарқий соҳилларда ўчмас машъаллар.



## Наврӯз қўшиғи

Шу мусавири фалак сардафтарининг  
Бир сурат чизилган оддий варғи:  
Турналар қайтарлар офтоб зарининг  
Тоза шуъласида чўмилиб, ҷоғи.

Нурли юксакларга бу ҳолат зоҳир  
Кўзлар боқиб ажаб ҳавасланади.  
Турналар гоҳ баланд-баланд учадир,  
Қўллар етгудайин гоҳ пастланади.

«Қаноти қут келсин эрка қушларнинг!»  
Мунис оналарнинг юзида қўли.  
Ёруғ таъбирини кутган тушларнинг  
Шундадир калити, фараҳли йўли.

Ийлимиш вақт аро бир айланган он  
Сабза дастхат чекди азиз ерларга,  
Бу — синов ораси, муддати имкон  
Муборак ишларга, ўтли шеърларга.

Жаҳон ёруғлиги дилга жойланди,  
Шунданми ер-осмон теппа-тeng кулар.  
Ўрик бутоғида гулга айланди  
Сафоли орзулар, некбин туйғулар...

Яна омон етгил, Инсон ва Дунё,  
Умид қўшиғини айтиб баробар,  
Бу баҳордан келар баҳоргача то,  
Бу турнадан келар турнага қадар!

Анвар ИСРОИЛОВ

## Одамлар

Вақт умумийдир одамлар учун,  
Демакки, умумий кундуз ва кеча.  
Вақт қаршисида одамлар фақат  
Жавоб берадилар айри-айрича.

Сархушдир, сархушдир ҳар ошиқ инсон  
Мұхаббат жомидан май ича-ича,  
Ишқ умум туйғудир дунёда, фақат  
Одамлар севарлар айри-айрича.

Барчага баробар осмонда кун ҳам,  
Чарчоқ не билмайди нур соча-соча.  
Қуёш — барчаники, остида одам  
Камол топур ундан айри-айрича.

Шоирлар заршунос, жаҳонгашта ҳалқ,  
Ҳикмат борми ахир олам сайрича.  
Оlam ҳам умумий, ҳар сайҳә фақат  
Ўз ҳайратин айтар айри-айрича.

Йўллар — ҳамманики, бу-ку тайин гап,  
Одамлар-ла гавжум ҳар битта қўча.  
Яшаш маъноси шу — одамлар мудом  
Янги йўл изларлар айри-айрича.

Бу баҳор эртаси махмурдир, кўринг  
Ҳавойи шаббода гул қуна-куча.  
Кўз олғувчи гўзал гуллар юртида  
Ҳар ғунча очилар айри-айрича.

Гоҳо риёларнинг этагин тутиб,  
Гоҳо эзгуликка бағрими оча,  
Бирга яшайдилар одамлар, фақат  
Дунёдан кетарлар айри-айрича.

## Бошинг тўйдан чиқмасин, ҳалқим!

Бир гўзал тўйдан сўнг түғилди бу шеър,  
Алёрлар айтйди, ичилди майлар. -  
Сўз айтган ҳар ким-ку ўз топганин дер:  
Куёв жўра, янга, момо, бобойлар...

Фақат ҳар гал тилга олинди такрор:  
«Ували-жували бўлинг», деган гап.  
Ҳалқим, не-не даҳо нақлларинг бор,  
Бу-ку биргинаси — оддий ва ажаб.

Бундай тилакли ҳалқ бўлмайди барбод,  
Буюклиги маълум пок ранги-рўйдан.  
Мен бир шоир ўғлинг такрорлайман бот:  
«Доно ҳалқим, бошинг чиқмасин тўйдан».

# ҚАСАМЁДНИ МУҚАДДАС БИЛИБ...

Асфальтланган кенг йўлкада уч-тўрт қария ўзаро сұхбатлашиб борарди. Афтидан, улар 1-шар клиник касалхонасида ўз беморларини кўриб қайтаётган эдилар.

— Жуда ҳам ўзгариб кетибди-я,— деди улардан бирни ҳамроҳларига юзланиб.— Бундан бешолти йил бурун илон изидек тор кўчадан юриб касалхонани топгунча роса овора бўлган эдик.

— Назаримда, ўша илон изи кўча мана шу йўлка ўрнида эди шекилли,— деди гапга қўшилди ёнидагиси.— Кўчанинг расмий номи ҳам Торкўча эди-да.

— Партия ва ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсан арзиди,— деди оппоқ соқолини охиста силаб ўртадаги барваста отахон.— Пойтахтимизнинг ҳар гўшаси кундан-кунга ободонлашиб боряпти. Бугун кўрган жойингизни эртага таниёлмайсиз. Касалхонанинг ҳовлисини қаранг: қандай кўркам, хушчаво. Профессорлардан тортиб ҳамшираларгача шифоталаб беморлар атрофидар парвонаси.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда бу ерда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўп қаватли кардиология, тургурухона, хирургия корпслари қад кўтарди. Шифохонанинг қарийб ўн беш гектарлик территориясида ям-яшил хиёбонлар, гулзорлар, асфальт йўлкалар бунёд этилди.

Катта дарвозадан ичкарига киришингиз билан муҳташам кардиология корпусининг пештоқидаги «Бино 1979 йили ўтказилган шанбаликдан тушган маблағ ҳисобига курилди», деган левҳа эътиборингизни тортидаги. Ҳалқимизнинг бир кунлик самарали меҳнати эвазига республикамида ўнлаб ажойиб шифохоналар, спорт комплекслари, пионерлар саройлари, болалар боғчалари қурилди. Мазкур касалхонадаги муҳташам кардиология корпуси ҳам шулардан бирни бўлиб қолди.



Тошкент шаҳар 1-клиник касалхона хиёбонида ўрнатилган Абу Али ибн Сино бўсти.

Маълумки, ҳар қандай эзгу иш ўз-ўзидан бажарилмайди, унга ишнинг кўзини биладиган олижаноб кишилар, ташкилотчи мутахассислар сабаби бўлади. Бу ерда аввалин оддийгина бир шифохонани республика миқёсидаги намунали даволаш марказига айлантиришида касалхона илмий коллективининг ҳамда унинг боси врачи, республикада хизмат кўрсатган шифокор, моҳир ташкилотчи Кулаҳмад Ризаевнинг ва бошқа ходимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлагмоқ лозим.

1980 йили жаҳон жамоатчилиги буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейини кенг нишонлади. Буюк ҳакимнинг муносаби ворислари ҳисобланган мазкур шифохона ходимлари Ибн Синога бўлган чексиз эътиромларнинг рамзи сифатида унинг бюстини шифохона гулзорига ўрнатдилар, касалхонага эса Абу Али ибн Сино номи берилди.

Яқинда ана шу буюк юртдошимиз пойида Тошкентнинг ёш медиклари ўз фаолиятларини бошланиши муносабати билан тантанали равишда қасамёд қабул қилдилар. Бу ерда соғлиқни сақлаш муассасаларида эндиғина иш бошлаган олтмиш нафар ҳамшира ва ўнлаб врачлар саф тортдилар. Шаҳар жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, медик олимлар, ветеран шифокорлар уларни қизғин табриклидилар.

— Сиз, ёш ҳамкасларим, ўз фаолиятингизни унунтилмас дақиқаларда, ҳалқимиз жонажон партиямининг XXVI съезди қарорлари руҳи билан яшаб, ҳар қачонгидан самарали мөннат қилаётган бир пайтда бошламоқдасизлар,— деди касалхона бўйим мудири, Мөннат Қизил Байроқ орденли врач Ҳакимахон Мираабдуллаева.— Ўз касбингизга садоқат билан эл олдида эътибор қозонишларнинг учун ҳамма шароит мухайё. Сизларга оқ йўл, навқирон ҳамкасларим!

## Фан оламида

### ҚУЁШ «ОБ-ҲАВОСИ»НИНГ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

Бутун Коинотда бўлгани каби, Қуёшда ҳам шиддатли жараёнлар кечишини олимлар аллақачонлар аниқлашган. Ҳусусан, кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар Қуёшнинг Ердаги ҳаётга, иқлимга ва турли ҳодисаларга таъсири илгари таҳмин қилинганидан кўра бирмунча мурракаб эканлигини кўрсатди.

\* \* \*

Қуёш системамизни ўз ичига олган Галактика тўғрисида сўз юритар эканмиз, Қуёш ҳажми, масаси, юзасининг ҳарорати, ўзидан сочадиган ёруғлик оқимиға кўра, миллиардлаб юлдузлардан биттаси эканлигини қайд этиш кифоя. Астрономлар таъбири билан айтганда, Қуёш ўртача сарқи митти юлдуз ҳисобланади.

Кундузги ёриткичимизни Коинотдаги бошқа объектларга нисбатан «митти» деб «камситгандар» билан, барибир, Қуёшимиз ниҳоятда ҳаётбахш юлдуздир. «Митти юлдуз»ни ер курраси билан таққослагудек бўлсан, у масасига кўра Ердан 330 минг марта каттадир. Қуёшнинг ичига Ердек шарлардан 1 миллиондан ортигини жойлаштириш мумкин.

Қуёш теварак-атрофга ақл бовар қилмайдиган даражада мўл энергия сочади. Шу энергиянинг дengиздан бир томчиси — икки миллиарддан бир улушигина Ерга етиб келади. Лекин ана шу «оз» энергияни биратўла Орол дengизига йўналтирилса, бир неча сония ичида ундан асар ҳам қолмаган бўларди. Қуёшдан бир йилда Ерга етиб келадиган энергия дунёдаги бизга маълум барча ёқилги запаслари энергиясидан ортиқидир.

Катта дарёлар сокин оқади. Оёғини сувга чукурроқ ботирган киши алдамчи сокинлик остидаги шиддатли оқимни дарроғ пайқайди. Қуёшнинг ҳар куни бизга кулиб боқиши ҳам ана шу хил сокинликка ўхшаб кетади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун оддийгина қуёш телескопи ор-

қали кундузги ёриткичимизга бир бор назар ташлаш кифоя. Қуёшнинг юзаси бикирлаб қайнаб турган дошқонони заслатади. Дурустроқ разм солинса, бироз совуқроқ ва нисбатан қорамтироқ доғлар кўзга ташланади. Улуғ итальян олими Г. Галилей ўзи ясаган телескоп орқали 1611 йили ана шундай доғларни аниқлаган эди. Кузатувлар аносодида у Қуёшнинг ўз ўки атрофида айланиш даврини ҳам аниқлашга мувваффақ бўлган.

Сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлишича, Қуёш доғларининг миқдори ва катта-кичикилиги 11 йиллик цикл давомида мунтазам ўзгариб турди. Ана шу цикла Қуёш активлиги деганном берилган. Бу цикли, таъбир жоиз бўлса, мунтазам тақрорланиб турувчи фалакнинг гардиши дейишимиз мумкин. Қуёш активлиги авж нуктасига етганда (масалан, бу йил шундай бўлди), Қуёш чақнашлари рўй беради, ёриткичимиз гардиши узра тўсатдан ёрқин нукталар пайдо бўлади. Протуберанцлар (лотинча «бўртмоқ» деган маънени билдиради) деганда Қуёш гардиши ён-атрофларида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб турадиган қизиган газларни тушунмоқ керак. Улар телескопдан кузатилганда, байрамларда отиладиган мушакларга ўхшаб кетади.

Қуёш «фаолияти»да 11 йиллик даврий қонунияти ғарбий Европа олимлари ўтган асрда аниқлагандар. Таниқли совет олими Н. С. Шчербинский туркий ҳалқлар ва бошқа Шарқ ҳалқлари ўртасида қадимдан кенг кўлланиб келган ва ўн иккита ҳайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз) номи билан аталувчи даврий йил ҳисоби — мучал билан 11 йиллик Қуёш активлиги цикли ўртасида муштараклик бор, деб ҳисоблади. Мучал ҳисоби дехон за ҷорадор ҳалқларнинг асрлар давомида ортирган тажрибасидан келиб чиққанлиги эътиборда тутилса, олимнинг бу фикри алоҳида қизиқиш ўйготиши табиий.

У ҳолда ҳар икки цикл ўртасидаги бир йиллик тафовутни нима билан изоҳлаш мумкин? Аввало шунни айтиш керакки, 11 йиллик цикл деганда роппа-роса 11 йилни ўз ичига қамраб оладиган муддатни тушунмаслик керак. Бу муддат бир-биридан сал-пал фарқ қилиши ҳам мумкин (ҳусусан, Қуёш активлигининг Ердаги обҳавога таъсири масаласида). Шунингдек, мучал ҳисоби дейилганде ҳам мутлақ 12 йиллик циклини тушунмаслик керак.


Қуёш активлигининг 11 йиллик асосий ритмидан ташқари, олимлар 22 йиллик, 33—36 йиллик,

80—90 йиллик, 600 йиллик ва ҳоказо ритмлар борлигини ҳам аниқлашган. 22 йиллик ритм Қуёшнинг магнит майдонидаги ўзгаришлар туфайли рўй бериб, бунда ҳам ёриткич юзасида кўплаб доғлар, чақнашлар ва бошқа ҳодисалар бўлади. Бунда Қуёшдаги магнит майдони сусаниб, ўз қутбларни ўзгариради. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар 22 йилда рўй берадиган бу ҳодиса ёриткичимиз қаърида худди соат механизмига ўхшаб аниқ ишлайдиган жараёнларга боғлик бўлиб, мазкур жараёнларнинг сир-синавти ҳозирча биз учун қорону.

Лондонда чиқадиган «Экономист» ҳафталиги қайд этганидек, Қуёш билан боғлиқ ниҳоятда қизиқарли ҳодисалардан бири 1959 йилда Совет сунъий йўлдоши томонидан аниқланган қуёш шамолидир. Ўша вақтга қадар бу ҳодиса фанда маълум эмас эди.

Қуёш шамоли зарраларнинг ниҳоятда кучли оқимидан иборат бўлиб, бу оқим Қуёш атрофидаги қизиган газлар қатлами — Қуёш тожидан отилиб чиқади. Тожнинг температураси тахминан 1 миллион градусга тенг. Қуёш шамолини планетамиз магнит майдони тутиб қолиши натижасида Ер атрофида радиация белбоғи ҳосил бўлади. Олимларнинг тахмин қилишича, куррамизнинг кутб районларида бўлиб турадиган ва ҳаммамизга маълум ажойиб ҳодиса — кутб ёғуллари ана шу белбоғлар таъсирида вужудга келади.

Агар Қуёш цикларининг муддати Ерда кеча билан кундузниң алмашинишидай муайян бир



Қуёшдаги портлаш — фавқулодда ҳодиса.



— Шифокорлар шарафини улуғлаймиз!

Шундан сўнг оқ ҳалатли шифокорлар: «Медицина ходими деган улуғвор касбнинг шон-шаррафи ва шуҳратини муқаддас деб биламиз! деб вайда бердилар.

Зоро, шифокорларнинг қалби, виждони эгни-

даги оппоқ ҳалатдек ҳамиша покиза бўлиши лозим. Айнанавий муқаддас қасамёд ҳам уларни эл хизматига доимо садоқатли бўлишга даъват этади.

Ш. СИДДИҚОВ



Шифокона неврология бўлмининг ёш ҳамшираси Гулчехра Аҳмедова қасамёд текстини ўқимоқда.

В. МАЙРОВ фотолари

текис кечганида эди, Қуёшнинг келажагидан ҳатоирланишга ўрин қолмасди. Ҳамма гап шундаки, циклларнинг давомийлик муддатидаги фарқ етти йилдан ўн етти йилгача бўлди, шунингдек, доғларнинг оз-кўплигига ҳам тафовут катта. Ҳатто, узоқ йиллар давомида Қуёш юзасида умуман доғ кўриммаган замонлар ҳам бўлган.

Қуёш доғларининг бекарорлиги биринчи марта XIX аср охирида аниқланди. Икки мунахжим архив материалларини ўрганиб, етмиш йил мобайнида — 1645 йилдан 1715 йилгана Қуёшда ҳеч қандай доғ бўлмаган, деган қарорга келдилар. Бу ақл бовар қилмайдиган гап эди. Демак, Қуёшимизнинг «фөъл-автори» 70 йил давомида ҳозиргидан кўра ўзгачароқ бўлган. Балки архив материалларидаги маълумот нотўғриди? Фан эса аниқ маълумотларни талаб қиласди. Олимлар қўлида архив материалларни берган бу маълумотнинг тўғри ёки нотўғриларини аниқ айтиб берадиган бир қурол борки, у ҳеч қачон янглишмайди. Биз бу ўринда радиоактив углерод усулини назарда тутялимиз. Мазкур усул бир неча минг йил яшайдиган дарахтларнинг йиллик ҳалқаларида радиоактив модда — C-14 нинг тўпланишига асослангандир. Ер атмосферасининг юқори қатламларини космик нурлар бомбардимон қилганда радиоактив углерод C-14 ҳосил қиласди, уни эса ўсимликлар ўзлаштириб олади. Қуёшда доғлар кўп бўлса, йиллик ҳалқалар

C-14 ни нисбатан кам, аксинча бўлса, йиллик ҳалқалар C-14 ни кўп ўзлаштиради. Ядро физикикасининг ютуқлари туфайли қўлга киритилган бу усул 1645—1715 йилларда ҳақиқатан ҳам Қуёшда доғлар бўлмаганлигини кўрсатди. Худди шу усул билан 1410—1530 йилларда ҳам Қуёшда доғлар бўлмаганлиги қайд қилинди.

Баъзи бирорлар: Қуёшда доғ бўлди нима-ю, бўлмади нима, деб ўйлаши мумкин. Бундай мулоҳазаларга бориш хато, албатта. Қуёшни, таъбир жоиз бўлса, Ернинг оқ сут бериб боқсан онаси, дейишишимиз мумкин. Бу сут — офтоб нурларидир. Нур туфайли Ерда ўсимликлар ва ҳайвонот олами пайдо бўлди, ниҳоят, бутун табиатнинг сарвари бўлмиш ақли расо одам дунёга келди. Денгизларнинг ўрқач-ўрқач бўлиб чайқалиши сув тошқинлари, асрий дарахтларни илдизи билан кўпориб кетувчи бўронлар, тўфонлар, қасирглар, қадим замонлардаги музлик даврлари ва қитъаларнинг силжиши, зилзилалар ва вулканларнинг ўкириши — буларнинг ҳаммасига сабабкор Қуёш нурларидир.

Маълумки, биз Қуёш системасига киравчи тўқизида сайёрадан биттасида яшамиз. Бу планеталарнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги, хуллас, ҳаёт-мамоти Қуёшга боғлиқдир.

Космос забт этила бошлагандан кейин олимлар Қуёшда ва Ер атрофидаги фазода содир бўлаётган физикавий жараёнларни диккат билан чуқур ўрганишга киришдилар: Қуёш активлигининг турли-туман қўрнишлари аниқланди, космик нурлар ва планеталарро магнит майдони тадқиқ қилинди, Ер магнитосферасидаги ўзгаришлар қайд этилди, метеорологик йўлдошлар ёрдамида эса сайёрамизнинг ҳаво океанидаги жараёнлар мунтазам кузатиб борилди. Қўлга киритилган маълумотлар олимларда шундай бир таассурот қолдирди, илгари тасодифий ва ўзича мустақилдек туолган талайгина жараёнлар аслида бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар қандайдир умумий қонуниятларга бўйсунади. Аммо ана шу сирли қонуниятлар калавасининг ишини топиб олиш ҳозирча қийин бўляпти. Гап шундаки, ўрганилаётган обьектларни (масалан, Қуёш билан Ерни) И. Ньютоннинг тортишиш қонунига биноан, ўзаро бир-бiriiga тасир этувчи шарлар, деб тасаввур этишининг ўзи камлик қилиб қолди: самовий жисмларнинг ҳақиқий таркиби ва улар ичидаги рўй берадётган жараёнлар фавқулодда мураккаб бўлиб, ҳали жуда кам ўрганилгандир.


Кундузги ёритқичимиз юзаки қараганда жуда

безордерек кўриниши мумкин, лекин аслида унди эмъс. Қуёшда рўй берадиган ҳодисаларнинг кўлами фавқулодда чўнглигини ҳисобга олсан, баъзан оралиқдаги нисбатан олис масофа ҳам, Еримизни ўраб турган ишончи қалқон — атмосфера ҳам активлиги авж нуқтага чиқкан дарга заб Қуёшнинг ўтли нафасидан бизни химоя қиломай қолиши аён. Бундай пайтларда Қуёш газининг катта-катта булатлари атмосферанинг юқори қатламларигача етиб келиши мумкин. Қалин ҳаво кўрпаси билан химояланган сезги органларимиз атмосфера атрофида содир бўлаётган бўронларни сезмайди. Аммо бу бўронлар хуружи кўпгина ваҳимали ҳодисаларда ўз аксини топади.

Шундай ҳодисалардан бири 1960 йил 12 ноябрда содир бўлди. Ўшанда астрономлар Қуёшда жуда катта портлаш рўй берганини телескоплар воситасида кузатган эдилар. Орадан оли соат чамаси ўтгач, Қуёш водородидан иборат улкан булат (кўндаланг масофаси 16 миллион километрга тенг эди) Ер билан тўқнашди (тўқнашига пайтида булатнинг тезлиги секундига тахминан 6,5 минг километрга тенг эди). Қуёш булати билан тўқнашув туфайли ерда бир қанча ваҳимали воқеалар рўй берди: компас стрелкалари саросимали ликиллай бошлади. Соатлар давомида олис радиоалоқа узилиб қолди: ҳавонинг ионлашви шу қадар кучайиб кетдикки, ионосфера қатлами радиотўлқинларни қайтармай қўйди. Телетайлар орқали олинган хабарлар ҳеч ким тушунмайдиган алмойи-алжойи сўзлар ийиндинидан иборат бўлиб қолди. Учувчилар назорат станциялари ва радиомаяклар билан алоқа қиломай қолдилар. Гарчи ҳаво очиқ бўлса-да, Шимолий районларда электр лампочкалари, худди қаттиқ бўронлар пайтида бўлганидек, милтилаб қолди. Бу «қиёмат-қойим» бир ҳафтадан зиёд давом эти. Албатта, бундай ҳодисалар аҳён-аҳёнда содир бўлади, лекин Қуёш активлиги авж нуқтасига чиқкан пайтларда радиоалоқа бузилишлари одатий ҳодиса.

Яна бир мисол: метеорологларнинг берган маълумотига кўра, Қуёш активлиги авж нуқтага чиқкан 1957 йилда Ерда тошқин, курғоқчилик ва қунга ўхшаш 10 та катта оғат содир бўлган. Қуёш нисбатан сокин бўлган 1961 йилда эса бундай оғатлар сони 30 тадан ошмаган.

Асримизнинг 20-йилларида совет олими А. Л. Чижевский Қуёшдаги ҳодисалар билан Ердаги ҳаёт ўртасида қандай боғланиш борлигини аниқлаш мақсадида хилма-хил манбалардан фактлар



Қуёш «тоқни».

(Қуёш тўла тутилган ваҳтда олинган).

## ҚАЛАМ СОҲИБИ

Ойқиз — менинг қадрдоним.

Турсуной ОХУНОВА

Москвада, «Художественная литература» нашриёти таникли партия ва давлат арбоби, ҳалқимизнинг севимли адаби, кўпмиллати совет адабиётни ва социалистик реализмнинг йирик намояндапаридан бири, дўстлик ва интернационализм гоёсинг толмас, курашчан пропагандисти Шароф Рашидовнинг асарлари беш томлигини нашр этди<sup>1</sup>. Бу ўзбек совет адабиётни ва маданияти тарихда мисли кўрилмаган воқеа бўлди, у ўзбек маданиятини Бутуниттифоқ маданияти олтин хазинасигагина масамас, балки жаҳон прогрессив халқлари маданияти силсиласига ҳам кўшиди, жаҳон адабиётни классикаси силсиласида ҳалқимизнинг маданияти ва адабиётни фахри бўлиб келаётган намоёнданаримиз сафини кенгайтириди.

Беш томликни авторнинг йирик насрый асарлари, публицистик мақолалари, илмий-назарий тадқиқотлари ташкил этди. Унга «Голиблар», «Кудратли тўлқин», «Бўрондан кучли» романлари, «Кашмир қўшиғи» қисаси, «Икки дил достони», «Камолот» киноповестлари, адабий-танқиий мақолалари, баланд ҳарорат ва катта эҳтирос билан ёзилган машҳур публицистик асарлари кирган. Бу асарлар бир неча нашр синовларидан ўтган, ҳалқимизнинг севимли китоблари бўлиб қолган, қардош халқлар тилларигана эмас, ер юзининг жуда кўп халқлари тилларига таржими қилинган ва кўп тиражларда нашр этилган. Бу асарлар мавзу аҳамияти жиҳатидан ҳам, бадиият жиҳатидан ҳам бугунги илғор адабиётимизнинг олтин фондидан ўрин олган. Дарвоҷе, машҳур адабиётнос олим Виталий Озеров Шароф Рашидов ижодини кенг ва муфассал

Шароф Рашидов. Собрание сочинений в пяти томах. Москва, «Художественная литература», 1979—1980.

таҳлил этувчи — сўзбоши сифатида тақдим этилган мақоласида, академик П. Федосеев эса бешинчи томнинг охирида берилган сўнг сўзида бу атоқли совет адаби яратган асарларни ниҳоятда илҳом билан таҳлил қиласидар, авторнинг бугунги умумадабиёт миёсига тутган буюк ўрнини кўрсатиб берадилар, шу баҳонада ўзбек совет адабиётни ва маданияти тараққиётига разм соладилар.

Беш томликни варақлар эканмиз, Шароф Рашидов асарлари воқеаларининг оқимларида, қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларида, қиёфаларида авторнинг қаттиқ ва ибраторумуз ҳаёт мактабини бошдан кечирган тенгдошли қаҳрамонона тархи саҳифалари, йиллар ва курашлар, ҳалқ баҳти-саодати йўлида чекилган заҳматлар ва улар эвазига яратилган, камолга етказилган социалистик тузум самаралари кўз ўнгимизга келади. Шароф Рашидов — Октябрь тенгдоши, Улуғ Октябрь инқиёби тенгдоши. У революция берган ҳалқ баҳти, эрки юксалиш йўлининг энг мураккаб ва асосий этапларида ҳатнахди, умумхалқ юришларида, янги ҳаёт учун курашларда иштирок этган, фаол иштирок этган намояндапаридан бири бўлди. Унинг ҳаёт саҳифаларини кузатар эканмиз, яратган асарларининг нақада ҳаққоний ва ҳаёттй эканлигини тағин бир марта фахр ва мамнуният билан англайсиз. Шароф Рашидовнинг истеъоди мана шу буюк қаҳрамонликлар, бунёдкорликлар тўлқинида шаклланди, вояга етди, мустаҳкам ва муҳаққақлик касб этди. Давр ва замон силсалалари, мураккаб партияний чиниқишилар, марксчаленинча кураш давонлари уни катта партия ва давлат арбоби қилиб етиштириди, ҳалқимиз баҳт-саодати йўлида сидқидил курашчи қилиб етиштириди, етук ва бакувват адабиёт намояндаси сифатида камолга етказди, совет адабиётининг йирик вакилларидан бири бўлиб қолишига, унинг бугун ажойиб, севимли устодларидан бири бўлиб қолишига омил бўлди.

Тараққиёт учун кураш йўллари, жангу жадал йўллари силсиласи, авторнинг Ватан ва республиканинг олиб турган нафасига, уриб турган томирига муносабати, муҳаббати ва эътиқоди туфайли туғилган шеърлар, лавҳалар унинг публицистик қаламини катта прозага чархлади, юқори пахта ҳосили учун, сув учун, янги қўриқлар очиш учун бўлган ҳалқнинг катта ва қаттиқ курашлари ифодаси бўлмиш «Голиблар» китобига олиб келди. Шу туфайли мунаққидлар бу асарни таҳлил қиласар эканлар, уни автобиографик асар ҳам дейишиди. Асарнинг ҳар бир образида авторнинг юқорида қайд этганимиз биографияси, ижтимоий келиб чиқиши, курашлари ўз муқоясасини топади. Шунинг учун ҳам «Голиблар» ҳалқ орасида тез тарқалди, севилди, ҳалқнинг керакли дўстига айланаб қолди. Одамлар учун ниҳоятда зарур бўлган, аммо бир вақтлари кўмиллиб кетган ҳаёт булогининг кўзини ўткир ақли-идроқи билан ҳудди сирли қулға сеҳрли қалил солгандай очган Ойқиз, теран фикр ва равшан ақл эгаси, ҳаётини инсон баҳт-саодатига баҳшида этган партия ходими Жўрабоев сингари кишилар образида ҳақиқий ҳаёт такомили ва меҳнат жасоратини кўради автор, катта муҳаббат билан талқин этди уларнинг характерларини. Шу сабабли улар, хусусан Ойқиз бугунги долзарб кунимизнинг ибраторумиз кишилари образларидан бири бўлиб қолди, шунинг учун бугунги долзарб кунимизнинг чин инсони Турсуной Охунова: «Ойқиз — менинг қадрдоним», деди, «Ойқиз — менинг ўзим» бўлиб жаранглади бу сўз.

«Голиблар»нинг бу қадар катта муҳаббат қозониши авторни, барий, қонниктирмади. У асарининг кўнглидагиек етилмаганини ҳис қилиб юрди, неча-неча нашрлар синовидан ўтса ҳам уни қайта кўришга жазм этди, жуда катта ўзгаришлар билан, янги боблар билан қайта нашрга топшириди. Ўзига, асарига, ишига қаттиқ талабчан бўлган ижодкор одатда шундай ишлайди, китобхон меҳр-муҳаббатини шундай қадр-

лайди, меҳнатдан ҳайиқмайди. Замонамизнинг буюк адаби Александр Фадеев шундай эди. У ўзининг ҳар бир асарига мана шундай тақрор-такрор қайтиб, мустаҳкамлаб қолдирган авлодларга. «Ёш гвардия» асарини бир неча марта қайта ишлаган, образларини бир неча бор тадқиқ этган. Шароф Рашидов ҳам худди ана шу дўсти ва устоди каби ишлади «Голиблар»ни. Нанини «Голибларни», бошқа асарларини ҳам катта диққат ва матонат билан, заргарлар сингари сайқаллаб ишлади. «Кашмир қўшиғи» қиссанинг мисоли айниқса ибратлидир. Унинг кеинги — 1980 йилги нашр асарнинг тағин ҳам ажойиб ва гўзал, яна ҳам юқсан бадий ва қизиқарли бўлиб китобхон қўлига боришига сабаб бўлди. «Кашмир қўшиғи» ҳозиргача ўттиз мартадан кўп нашр бўлди, миллиондан ортиқ тиражда тарқалди.

Атоқли совет адаби асарларининг бу қадар оммалашиб кетишининг сабаби нимада? Сабаби: Шароф Рашидов — умумбашарий масалалар тадқиқотчиси. Унинг асарлари замон томирини билади, замон қалбини тадқиқ қиласди. Ваҳоланки, «Кашмир қўшиғи» кашмир ҳалқ афсонаси асосида яратилган. Лекин муаллиф уни XX аср муаммоларига муқояса қиласди, курашаётган китъалар проблемалари солишиширади, шу куннинг масаласи сингари талқин қиласди, асримиз курашлари тўлқинларининг, озодлик ва мустақиллик учун кураш шиддатларининг, синфий курашлар кескинларининг ифодаси, катта, умумбашарий муаммоларни ечиш даражасига кўтаради. Шароф Рашидов қаҳрамонлари умуминсоний масалалар ҳақида ўйлайдилар, башарият тинчлиги, фаровонлиги учун курашадилар, ҳақиқий баҳт, озодлик ва эркинлик, ҳақиқий муҳаббат қаъаларида турб курашадилар. Шунинг учун ҳам Кашмир афсонаси воситасида бутун бир дунёвий проблемани, ёвузилик билан инсонийлик курашини, пировардида ёвузиликнинг эмилишини катта эҳтирос ва санъат билан бадиий ифодалайди.

Йига бошлади. Шу мақсадда у қадимги солномаларни, сайдхларнинг кундаликларини, астрономларнинг хотира дафтарларини ўрганиб чиқди, статистика, медицина, ботаника ва бошқа фанларнинг далилларига мурожаат қиласди. Бу маълумотларни қиёсий ўрганиш асосида жуда қизиқ бир қонуният ошкор бўлди: вабо, бўғма ва бошқа оғир юқумли касалликлар. Қуёш активлиги авж нуқтага чиқсан йиллари ёки шундан сал кейинроқ айниқса кенг тарқалар экан. Шунингдек, қон таркибидаги лейкоцитлар ва қанд моддаси, калий ва кальций тузлари, қоннинг ивиши қобилияти, одамлар терисидаги электрик потенциал, сигирларнинг сермаҳсуллиги ва бошқалар Қуёш активлиги билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турар экан. Бу нарсалар Қуёшнинг Ердаги ҳаётга таъсирини фақат қисмангина ифода этади, холос. Аслида эса Қуёшнинг Ерга нисбатан тутган роли биз ўйлагандан кўра салмоқли, турли-туман ва мурракабдир.

Тунги ёритқичимиз Ойни ўрганиш Қуёшни ўрганишга қараганда, айниқса бугунги кунда бекиёс даражада осон бўлиб қолди. Чунки Ойдан намуналар олиб тушилди. Қуёш эса биз учун

бамисоли ёниғлиқ қозон. Вазифа ана шу қозонни очмасдан туриб, унинг ичиди қандай ҳодисалар содир бўлаётгани — Қуёшнинг марказида кечеётган сирли ядро реакцияларини билишдан иборат. Бунинг учун эса Қуёш марказининг кимёвий таркибини ўрганиш лозим. Қуёш марказидаги водород ва гелийдан ташқари, улардан оғирроқ элементлар бор-йўқлиги биз учун ноъмъум. Шунингдек, Қуёш сиртининг кимёвий таркиби ёритқич ядрисидаги шарт-шароитга қенчалик мувофиқ келишини ҳам ҳозирча билмаймиз.

Физиклар ўртасида «энг кичикларнинг кичиги» деб таърифланадиган элементар зарралар бор, ҳозир олимлар ана шу зарраларга катта умид боғламоқдалар. Улар айни ўша Қуёшнинг қоқ марказидан отилиб чиқиб, теварак оламга тарқалади. Ернинг ҳар бир квадратметр сатҳидан секундига миллиардлаб нейтрено ўтади. «Ўтади» дейишимизнинг боиси шундаки, электр зарди нолга, тинч ҳолатдаги массаси эса нолга яқин бу заррacha ҳар қандай жисм орқали бемалол ўтиб кетавериш хусусияти билан молекула ва атомлар у ёқда турсин, ўзига ўхшаш бошқа

элементар зарралардан ҳам кескин фарқ қиласди. Табиатда бундай «балои азим» заррачалар борлиги маълум бўлди.

Ҳозирги вақтда ядро физикини соҳасида ишлайдиган олимлар нейтрино мөнкиятини ўрганишга жиддий киришганлар.

Маълумки, Қуёшнинг асосий таркибий қисмини водород ва гелий газлари ташкил қиласди. Бу газларнинг хусусиятлари ер шаронтида яхши ўрганилган. Қуёш нейтриноси эса тутқич бермайдиган заррача бўлгани учун унинг хусусиятларини тадқиқ этиш ниҳоятда мушкул бўлиб келди. Бирон кейинги вақтларда совет олимни Б. М. Понтекорво ва АҚШ олими Р. Дэвис ишлаб чиқсан усуллардан фойдаланиб, нейтринонинг хусусиятларини ўрганиш имкониятлари очилмоқда. Қуёшдан келадиган бу «злчи»нинг бир талай ноъб хусусиятлари уни Қуёш сирларини очиша ўзига хос бир калит бўлмасмикан, деб умид қилишга асос беради.

«За рубежом»дан. [1981 йил, октябрь.]  
Анвар МУҲАММАДҚУЛОВ таржимаси

Курашчан ғоя, курашчан фикр, курашчан идеал уйнинг қаҳрамонлариниң ғалабадан-ғалабага олиб ўтади. Унинг асрлари саҳифаларида бўшанглик, ожизлик, фаолигатсизлик тирик кишининг душмани сифатидан талқин этилади. Фаоллик ва меҳнати ҳамиша инсон йўлдоши, дўсти, у ҳамиша енгади, олий мақсадга етак-лайди, дейди адаб. Мехрибонлик, кишиларга уларнинг умид-армонларини топиб берабилиш, бу билан беҳад кувонмоқ — авторнинг буюк идеали. У ҳамиша халқ хаёли ва кураши билан бирга. Халқ орзу-хаёли, табиат ранглари, гўзалиги — унинг энг суйган ҳис-тўйғулари. У — катта инсон, у — катта дехқон, у — катта инсонпарвар, у ер томирини билади, нафасини ҳис қиласди, овозини шитади, уларнинг деганини қаламга олади, оққа кўчиради, ардоқлайди.

Беш томликка кирган «Бўрондан кучли» романи «Голиблар» тоғасини мавзуини давом эттиради, китобхонга бу фоя ва мавзунинг янги саҳифаларини тақдим этади. Тақириларни ишга солиб, ҳаёт шарбати билан уйғотиб, революцион идроқ ва чексиз жасорат билан ишлаётган қаҳрамонларни, уларнинг фидокорликларини алоҳида мұхаббат биланс тасвирлайди. «Бўрондан кучли» асари чўлкувралларнинг, хусусан ёш қишлоқ мутахассисларининг қаҳрамонона ишлари ҳақидаги бадий кашфидир, дўстлик ва интернационализм курдатининг, асл мұхаббат курдатининг ажабиб ва гўзал ифодасидир. У ҳам ниҳоятда жўшқин, ёрқин тил билан, драматик кўламда, катта эҳтирос билан ёзилган, у авторнинг бадий ижодда катта, улкан ютуғидир. У кўпмиллатли совет китобхонига ўзбек халқининг буюк фазилатларидан ҳикоя қиласди.

«Голиблар», «Бўйрондан кучли» «Кудратли тўлқин», «Кашмир кўшиғи» асарлари билан, уларнинг Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ ота, Погодин, Смирнов, Жўрабоев, Пўлат ва Баҳор сингари ажойиб қаҳрамонлари билан совет адабиётининг катта йулига чиқкан, Константин Федин, Николай Тихонов, Леонид Леонов, Георгий Марков, Константин Симонов, Микола Бажан, Мухтор Аvezов, Мирза Иброҳимов, Чингиз Айтматов, Петрус Бровка, Ираклий Абашидзелар қаторида совет адабиёти мавқенини белгилаб турган севикли адабимиз адабиётимизнинг фаҳри ва ифтихоридир. Унинг қаҳрамонлари ҳар қандай оғир кунларда ҳам келажакни ўйладилар, ватан тақдиди ва тараққиёти хаёли билан яшадилар, китобхонни ўзларининг идеалларига шерик қила оладилар ва уларни эргаштириб кетадилар. Прогрессив жаҳон адабиёти ва совет адабиёти принциплари қатламларидан башарий масалаларни ҳал этаоладиган, уларнинг тақдирлари учун курашадиган, мураккаб бадиий умумлашмаларда туғилган ва вояга етган образлар яралади. Улар китобхоннинг ҳақиқий дўстлари, қадрдонлари, маслакдошлари бўлиб қоладилар. Шароф Рашидов асарлари тўпламишининг учинчи томига кирган «Кудратли тўлқин» романни мана шундай бадиий гўзал, мана шундай қаҳрамонларни адабиётга берган асардир. «Кудратли тўлқин» Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида мамлакат ичкариси қаҳрамонликларини, фронт орқасидаги енгib бўлмас қудратли кучнинг Улуғ Ватан уруши ғалабаларига қудратли ҳиссасини ниҳоятда катта маҳорат билан куйлади. Асарда бу икки кучнинг — фронт билан мамлакат ичкарисидаги кучнинг нақадар буюклиги, айниқса фронт орқасидаги қудратли тўлқинсиз кураш охирига етмаслиги, ғалабага эришиб бўлмаслиги, халқлар дўстлиги қудрати катта бадиий куч билан ифода қилинади.

Зоро, халқар дүстлиги — Шароф

Рашидов ижодининг бosh мавзула  
ридан хисобланади. У киносценарист  
Виктор Виткович билан бирга ёзган  
«Икки дил достони» киноафсо  
насида икки буюк халқ дўстлигини  
ҳинд ва совет халқлари дўстлигини  
тараннум этади. Бу асарда ҳам  
афсона мазмунини умумбашарий  
социал зиддиятлар даражасига кў  
таради, бугунги башарий муаммо  
ларга яқинлаштиради. Мудан билан  
Комде образлари воситасида халқ  
ларнинг адолат учун курашлари ак  
садоларини бугунгача олиб келади.  
«Камолот» киноповестида эса, автор  
буғунги залворли ва долзарб ҳаё  
ташвишларини қаламга олади. Бу  
асар авторининг ана шу ҳаётини  
ташвишларни ниҳоят даражада ях  
ши англашидан, одамлар психоло  
гиясининг сир-асорини теран аж  
рата олишидан далолат беради.  
Унда Пўлат Каримов сингари жасур  
матонатли, тадбиркор, қайтмас, ҳа  
қиқий кишиларнинг образлари ни  
ҳоятда нозик таъб билан чизилади.  
Пўлат Каримов инсон оёғи етмага  
ерларга ҳаёт бошлаб боради. (Ав  
тор бундай жасоратли кишиларни  
Пўлат деб атайди). Энг ҳаётйилиг  
тағин шундан иборатким, асар қах  
рамони Пўлат Каримов фаришти  
эмас, баъзан қоқилади, гоҳо айт  
ганларини бажара олмайди ҳам  
аммо чекинмайди. Асарда таги  
бир образ ажойиб. У — райо  
партия комитетининг секретари Тимир  
миров: тадбиркор, доно, оғир одам,  
темирдек қаттиқ. Бу асар партия  
билан халқ бирлигининг, бир-бирига  
мехрибонлигининг, совет кишиси ка  
молининг ифодаси ҳамдир.

Беш томликда китобхон замона мизнинг ажойиб кишилари билан жасур ва тадбиркор кишилари билан, халқи ва мамлакати ташвиши билан яшаётган сиддиқидил кишилар билан, партиямизнинг жанговар солдатлари билан учрашади, уларнинг ибратомуз мактабларида таълим олади.

Китобхон бу беш томликда авторнинг фоевий-бадий жиҳатда баркамол публицистик асарлари билан танишади. Маълумки, Шарос Рашидов ўз публицистик асарларида совет воқеилигига хос муҳим фазилатларни, жумладан, дўстлик ва интернационализм фоясини талқиёти этади. СССР халқларининг интернационал бурчи ва бирлиги масалаларини тадқиқ қиласди, юксак маҳсулат билан кўйлайди. Республика хўжалиги, экономикиси, маданиятини такомиллаштиришга доир проблемаларни ечинч масалаларни, кадрлар масаласи, фан, адабиёт ва санъат масалаларини, ниҳоят, кўйиллатли совет халқларининг дўстлиги, қардошлиги ва бирлигига олти кўпприк бўлған рус тилининг улуғи моҳиятини Совет Ўзбекистони ҳаёти мисолида катта эҳтирос билан таҳлил этиди. Бу ажойиб публицистик асарлар авторнинг баркамол кисса ва романларининг чукур ил дилзандаридир. леб аташ МУМКИН

Беш томликни нашрга тайёрлашда иштиорон этган Юрий Карапасев, Александр Удалов, Николай Грибачёв (таржимонлар), Виталий Озеров ва П. Федосеев (сўз боши ва сўнг сўз авторлари), М. Шевцов ва П. Пинкисевич (китобни bezaga рассомлар), С. Князева ва С. Данилов (муҳаррир ва бадиий муҳарриринг ўртоқларнинг самимий ва катта меҳнатлари ўзбек совет адабиёти ва ўзбек халқи маданияти учун катта совға бўлған бу нашрни тайёрлашга кўпмиллатли совет китобхонига гўзлаб берилади.

Бу беш томлик асарлар мажмуда сининг улуф давлатимизнинг буюк пойтахти Москва марказий нашриётида нашр этилиши билан атоқлар адабимизни ва китобхонларимизни муборакбод этамиз.

# ТАКЛИФ

ТАЛАБ

# ТАШАББУС

Районнимиз қишлоқларыда «Боллар дунёси», «Мебель», «Уй хўжлиги», «Музика», «Спорт ашёлар» деб аталадиган турли хил дўконлар ахолига хизмат кўрсатаёт. Но маҳсулотлари, балик, мева-сабзавар билан савдо қиласидан маҳсус донишконлар харидорлар билан доимӣ гавжум. Уларнинг кўпчилиги типове лойиҳалар асосида бунёд этилга эскилари эса таъмири қилиниб, уларга кўшимча хоналар биректирилган. Натижада харидорлар маҳсулотла ни эркин танлаши, биз матлуботчилар эса муваффақиятли реализация қилиш учун кенг имкониятларга эмбўлдик.

Хар бир магазин, ҳар бир залластика, ёфоч, рангдор ойналар ёдамида эстетик жиҳатдан чирой килиб безатилган.

Райондаги «Болалар дүнөсі» магзининің тауымрлаш пайтада унга қашимча иккінчи қават қуришни масадаға мұвоғиқ деб билдік. Юқоры қаватты тиқив маҳсулотлари ва әзіз қуроллары әгаллади. Биринчи қаватта да пойабзал билан ёнма-ён болалардың үйинчиқлары стендлары ташкил этилди. Суда үйнашга мүлжалланған үйинчиқлар шу ердаги маҳсус базеінда намойиш қилинади. «Болалар дүнөсі»да манеж ва майдонча ҳаубор. Катталар харид билан бағалы пайтларыда кичкіншілор қызықтар мешігінде орналасқанда машғулоттар билан овора бұладылар. Бола қорни очиб хархаша қалып қолса, маржамат, магазин ұзидылар «Кичкіншіл» кафетерийдегі хизметтегі тайёру.

Маҳсулотларнинг рекламаси ҳабизда яхши йўлга қўйилган. Витринлардаги маҳсулотлар тез-тез янгилниб турилади, сабзавот, мева, полиграфийларни маҳсус темир контейнерларда, электр аппаратлари эса аллаҳида установкаларда намойиш этилади.

Айланувчи ўриндиқларга ўрнатиған телевизорлар танлаб олиш учун ҳаунарда құлай. Гилам ва полосаттың яхлит ҳолда күзга яққол ташланып тұрады. «Мебель» магазини сотувчыларининг хизмати ҳам зерттебор мөмкин: мағасын ажратылған жойларда мәхмонахона, ётоқхона, болалар хонаси ва ошхона күрнишлари аныктанылған... Бу билан мебель намуналары гина емес, замонавий маданий түр мүш күрнишлари ҳам намойиш қынналады.

асосида колхозчилар кредитга харид қилиш, молларга аввалдан буюртма бериш, пианино, телевизор, кирювиш машинаси, холодильник каби молларни уйга элтиб бериш каби хизматлардан кенг фойдаланмоқдалар.

Харидорларнинг талаб-эҳтиёжини чуқур ўрганмасдан туриб, районимиз матлубот союзи бунчалик мудаффа-қиятга эришиши қийин эди. Шу йўл билан биз айрим молларни, айниқса тўн, дўппи, рўмол, қийик, қозон, пиёла каби миллий қийим ва рўзгор буюмлари турларини кўпайтирдик. Харидорларнинг талаби асосида Сармарқанд тикувчилик, Андижон тўқи-мачилик фабрикалари, айрим корхоналар эскириб қолган моделларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлади.

Биз далада иш қызғын пайтларда автолавкалар орқали фақат ноёб моллар билан савдо қилиш тажрибасидан воз кечидик. Эндиликда ун ҳам, нон ҳам, болалар ўйинчоқла-рию турил хил зарурий ашёлар ҳам колхозчи меҳнат қиласытган жойнинг ўзінде сотилмоқда.

Нон маҳсулотлари билан савдо қилиш ишларига айниңса алоҳида зътибор берадиган. Тандирда ёнлигиган оби нонлар, булочка, пряник, печенчелар маҳсус машиналарда ва аниқ график асосида 100 дан зиёд қишлоқ магазинларига етказиб берилмоқда.

Районимиздә умумий овқатланиш системаси күнгилдагидай ривожланмоқда. Ошхоналарымизда ҳар куни ўн минглаб кишилар овқатланишида, колхозчилар эса 8 мингга яқин сомса ва кабоб, 4 мингга яқин манти ва чучваранинг ярим тайёр маҳсулотларини харид қилиб олишмоқда. Агар биз бундан бир неча йиллар муқаддам ўз базамида мол ва товуқ боқишини жиҳдид йўсундан йўлга кўймаганимизда аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришимиз амри-маҳол эди. Хозирги пайтда бизда 2450 бош қорамол боқилмоқда, 140 минг товуқ ҳам бизнинг иhtiёrimизда. Бироқ буларнинг ўзи ҳам қишлоқ меҳнаткашлари эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас. Шу сабабдан биз аҳолидан гўшт, мева ва сабзавот сотиб олишга катта аҳамият бермоқдамиз. Утган йили биз аҳолидан икки минг бош қорамол, мингта кўй, минг тоннадан зиёд полиз экинлари ва мева-сабзавот харид килипк

Албатта, самаралар бундан ҳам зиёда бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам биз КПСС XXVI съезди олдинга сурган вазифалар асосида яқин келажакка мўлжалланган режаларни ишлаб чиқдик. Тез орада музкаймоқ, миллий ширинилклар, чанқовтала佈 ичимликлар ишлаб чиқариш ниятидамиз. Қуёнчилик фермасини ташкил этамиз, тирик балиқ сотиши тармогини кенгайтирамиз, нон маҳсулотлари ассортиментини янада кўпайтирамиз.

**Урайимжон КАРИМОВ,**  
Кува район матлубот  
союзининг радиси

Т. ТУЛАХҮЖАЕВ

# ЭПЧИЛ ЙИГИТЛАР

## ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

**A**ЛЛАҚАНДАЙ машинанинг кетма-кет сигнали эштилди. Колхоз раиси Шодмонбек дезраздан ташқарига қарди. Усти очиқ, кўркам «Чайка» машинаси шундоқнина дераза қаршисида турарди. «Ким бўлдийкин?», деб ўйлади раис. У ўрнидан иргиб туриб, меҳмонни кутиб олиши учун барзангилик гавдасига хос бўлмаган қақонлик билан ташқарига шошилди. Аммо эшикдан чиқиб улгурмади. Хонага қўнғир сочли бир йигит кириб келди:

— Ассалому алайкум, Шодмонбек ака.

— Ваалайкум ассалом,—раис у билан кўл олиб сўраши.

— Шодмонбек ака, мен Эдик Зукоровман, киностудиядан,—деди йигит. Унинг кийими ола-чипор, ўзи оқ-саридан келган, жони ичига симаётгандек ҳовлиқиб гапиради. — Бир илтимос билан келдик...

— Қўлимдан келадиган ёрдам бўлса... — деди раис. У энди анча енгил торгтан эди.

— Э, биламиз, сизнинг қўлингиздан келадиган иш йўқ, — деди қувлик билан Эдик. — Ўзи арзимаган илтимос. Раис кабинетидаги кичкинагина бир эпизодни суратга олишимиз керак. Райкомга кириб маслаҳат солсақ, сизнинг кабинетингизни тавсия этишиди. Идораси ҳам зўр, йўқ демайди, ҳатто сизларни хурсанд ҳам килиб юборади, дейишиди.

— Фақат хона керакми? — танталарча сўради раис.

— Ҳа-да, иккича соатга бериб турсангиз бўлди. Битта эпизод оламизу бўшатиб берамиш. Кейин фильм тайёр бўлгач, уч-тўрт ойдан кейин опклиб ўзингизга ҳам кўрсатмиз. Кинонинг нималигини ўзингиз яхши биласиз-ку, колхозингиз тарихда қолади.

— Бемалол, келаверинглар. Хонада ўзи кўп ўтирамайман...

— Ҳа-да! Хонада ис босиб ўтираверса иш битармиди? — кўзларидага қувлик чақнаб кути Эдик. — Аммо бугунчалик ўзингиз шу ерда турсангиз яхши бўларди, раис бува, кетиб қолсангиз, ғиди-биди гап чиқиб юрмасин.

— Қўнғилни тўқ қилиб келаверинг, ҳеч ким чурк этмайди.

— Раҳмат, бўлмас мен группани бошлаб келай, район марказида пойлаб ўтишибди, — Эдик шошиб эшик томон йўналди. Эшикка етганда таққа тўхтаб раисга бурилди. — Айтгандек, Шодмонбек ака, бу яқин орада ошхона борми? Одамларни ишлатгандан кейин бу ёнини ўйламасак бўлмайди.

— Колхозда ошхона нима қилисин, — деб илжайди раис.

— Ие, бу ёғи қандоқ бўлди. Оддий халқ ўзининг ишига пишик, ейдиганини кўтариб келади, аммо нарса кўтариб юришини ўзига эпкўрмайдиган беш-олтта олифталарнинг ҳоли не кечади?!

— Хавотир олманг, оч қолишармиди? Идоранинг орқаси колхознинг боғи. Битта қора қозонни амаллаб қайнатиб берармиз, — деди раис.

— Қора қозон! Ҳа, ҳа, ҳа! — Эдик бўлар-бўлмасга кийқириб кулаверарди. — Аммо гапни оларканлиз, Шодмонбек ака, қойил! Ле-

кин, — қўлини кўксига қўйиб илтижо килди у, — илтимос раис бува, нима қайнатсангиз қайнатинг-у, анавондан камроқ бўлсин. Режиссёриз миз унча хуш кўрмайди.

— Ундан хотиржам бўлинг. Қўйма десангиз, умуман...

— Ҳа, умуман... кераги йўқ... кўп қўйишнинг. Дастурхон кўрки учун номига бир-иккита шиша бўлса кифоя. Қайта ўтиниб сўрайман, кўпайиб кетмасин яна, — деди Эдик.

— Меъерида бўлса ширин бўлади, дейсиз-да!

Эдик яна кулиб юбормоқчи эди, қараса, бу жиддий гап экан.

— Ҳа, ўзингиз тушунасиз-ку, — деди Эдик ҳам жиддий тортиб, — хўп энди, мен борай кутиб қолади улар.

«Жуда аломат бўлади-да, бу киночи тушмагулар, — Эдик чиқиб кеттанидан кейин раис илжайди дилидан ўтказди, — шунаقا кийимда одамларнинг кўзига кўринишга ор қимлаганига ҳайронман. Олифтанинг экан, сумакнинг ўзи!»

Раис бог қоровули Пирназарни қақириб катта қозонда оққат тайёрлашни буюрди. Ҳа, бир келиб қолишибди, хурсанд қилиб юбориш кепрак санъат аҳлини!

Орадан бирор соат ўтар-ўтмас киночилар етиб келишиди. Колхоз идорасининг олди турли-туман машиналарга тўлиб кетди. Раиснинг хонасига бир йўла тўрт одам кирди. Улар орасида Эдик ҳам бор эди.

— Танишинг Шодмонбек ака,—деб эшикдан кира солиб гап бошлади Эдик. — Режиссёrimiz Ҳачик Ворисов.

Ворисов қирқлардан ошган, анчайин димоғдор, корамагиз одам экан. У худди садақа бераётгандек раисга кўл узатди. Одоб юзасидан тишининг оқуни кўрсатиб:

— Яхшимисиз, раис бува, — деди.

Раис самимият билан унинг қўлини қисди. Режиссёри гапни кўп чўзмасдан, худди ўз уйда юргандек хонани айланди. Шунаقا одамлар бўлади — қаҷон қарасангиз ҳаётдан кўнгли тўлмай нолийди, уларнинг афтида мудом ранжиш аломати бўлади... Режиссёрининг аҳволи ҳам ҳозир шунаقا — нордон нарса чайнаган одамникига ўхшарди.

Эдик ҳамон бидиллашини қўймасди.

— Мана бу оғайнимиз — оператор Назар Бекбути.

Камгап, кўринишидан анча ювош Назар Бекбути раис билан кўл бериб, бошини эгиб саломлашдио секин режиссёрининг орқасидан кетди. Энди Эдик раисга соқол-мўйлов қўйган, сочлари елкасига ўсиб тушган одамни рўпара қилди.

— Алик Рафиқов, рассомимиз.

У мулозаматни жуда ўрнига қўйиб, тавозев билан иккича кўллаб сўрашиди. Кейин пилдираганича бориб шерикларига қўшилди.

Режиссёри хонани иккича айланниб, ниҳоят, уйнинг ўртасида тўхтади. У бир қўли билан белини ушлаб, иккича кўли билан иягини қашиб бир оз турди.

— Не то-о... кўнглум тўлмаяпти, — деди ўзига ўзи.

Эдик оёқ учида юриб режиссёрига яқинлашиди:

— Ахир нечтасини кўрдик, бунга

яқинам келмайди улар. Битта раиснинг хонаси шунчалик бўлади-да, — деди асабийлик билан, — яна ўзингиз биласиз, ёқмайди десангиз, қидириб юраверамиз.

Режиссёри Эдикка қайрилиб боқиши ҳам лозим топмади. Анчагина серрайиб турди-да, башарасини аянчи буруштириб, операторга қарди:

— Бўлаверар-а, Назар! — деди лоқайдлик билан.

Бирдан ҳамма енгил тортиб жонланди.

— Ярайди. Бемалол снимать қилиш мумкин. Фақат сал қоронгироқ. Деразалардаги қалин пардаларни олиб ташлаш ёки ўзгартириш керак. Светни ҳам кўпроқ беришга тўғри келади, — деди оператор.

— Менимча, айни бизбоп хона. Фақат мана шу шкафни олиб чиқиб ташлаш керак. Алмисоқдан қолган экан, — деди Алик.

Эдик суюнниб кетди.

— Ҳозир ҳаммасини боплаймиз. Үн минутли иш. Бошлайверайлики, Ҳачик ака!

Режиссёри яна иккиланди. Группа аъзоларининг бу қадар эркин мулодаза юритишлири, масъулиятни ўз бўйинларига олишлари унга ёқмаганди. Ҳукмингдаги одамлар салтнатнингга бурун сўса, албатта ёқмайди-да!

— Не то, нимадир ёқмаяпти, — деб яна ланжлик қилди у.

Бирдан ҳамманинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Режиссёрининг афт-антгорини кўриб Эдик (унинг инжиқлигини асосин шу Эдик кўтарида) чукур ўйрениниб, тўлиб-тошиб кетган ичини бўшатди.

— Ҳачик ака, графикдан чиқиб кетганимиз. Бир ҳафта кечиляпмиз.

Режиссёри яна серрайиб туриб қолди. Ҳамма унинг оғзини пойлаб туршини ёқтиргани учун ҳал қилувчи сўзини айтишга шошилмасди. Ниҳоят қўланса ҳид димогига урилгандаек башарасини буриштириди-да, қўл силтади.

— Майли, бўлади! Бошлайверинглар!

Ана шундан кейин тўс-тўполон бошланиб кетди. Эдик бир зумда уч-тўртта ўспирини бошлаб келди. Деразадан пардаларни олиб ташлашиди, столнинг жойини ўзгартириши, шкафни ҳам аллақа ёқиб қилишибди, кўзи чилдирмадек-чилдирмадек келадиган ёргурилди, пайдо бўлди, хуллас, хона остин-устин бўлиб кетди.

Шодмонбек ага худди йўргакни намлаб қўйган гўдакден бир чеккада кўзини мўлтилатиб тўс-тўполонни томоша қилиб турарди. У билан биророннинг иши йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шодмонбек энди кетишига шайланганида хонага қизиқчи артист Раҳим Xўжаев кириб қолди. Раис унинг қаршисига пешвоз чиқиб қуюқ сўрашиди, негаки, бу артистни раис яхши танирди, уни киноларда, телевизорда кўрганди.

— Сиз ишдан ҳайдалдингиз, — дабдурустдан қизиқчилик қилди артист,— ўрнингизга мени тайинлашиди. Ҳани, хонани бўшатинг!

— Ажаб қилишибди, хўб қилишибди, — деб кути Шодмонбек,— хона экану, сиздан жонимизни ҳам аямаймиз.

Қизиқчи артист дарҳақиқат раис-часига кийинган эди.

— Ҳани, мансаб курсимизга ўтириб кўрайлик-чи.

Артист раиснинг курсисига ястаниб ўтириди. Шодмонбек кўзларини ундан узмасди.

— Биз тайёр, Ҳачик Соҳибович, — деди қизиқчи артист режиссёри.

— Ҳозир, ҳозир бошлаймиз, — Ҳачик. Кейин бирдан ўшқирди. — Диля ҳани?

Бирдан уч-тўрт одам актисани чақира кетди.

— Диля! Диля ҳани?! Диляни чақиринглар!

Эдик аллақачон хонадан югуриб чиқиб кетганди, зум ўтмай Диляни бошлаб келди. Диляси қурмагур дўмбоқина, лабини бўйб, кўзига сурма тортган, кечга тушган келинчакдек ясанган, хуллас, бир қултум сув билан ютиб юборса бўладиган тиниқ жувон экан.

Шодмонбек анграйиб қолди.

— Ҳани, репетиция қилиб олайлик. Жим!!! — яна ўшқириб берди режиссёри. — Ҳани, Диля, кир. Да-ладан шошиб келяпсан, асабийсан. Ну, поша!

Диля шиддат билан Раҳим акага яқинлашиди.

— Раис ака, бу шалаги чиқсан машинанинг энг донгдор механизаторига бермасим, кимга бераман.

— Қачон?

— Бир ҳафтадан кейин.

— Бир ҳафтадан кейин терим тугайди.

— Стоп! — энсаси қотиб артистларнинг гапини бўлди режиссёри. — Раҳим ака, бу қанака қараш?

— Тушунмадим, — деди қизиқчи артист.

— Одам ўз қўлида ишлайдиган, колхознинг донгини бутун республикага таратган механизаторига ҳам шунаقا қарайдими? Еб қўйя деяпсиз-ку бечорани!

— Мен Дилечагага бошқача қарролмайман, — қизиқчилик қилди артист.

— Раҳим ака, вақт кетаяпти, — ўксиди режиссёри.

— Бўлди, бўлди, ҳаммаси тушунарли. Ишчан кайфият бўлиши керак.

Режиссёри артистлар билан яна бир марта репетиция қилган бўлди. Кейин операторнинг камераси олдига яқинлашиди. Эдик дарров унга стул қўйиб берди. Режиссёри стулга ўтириби, оператор томон сал юзини бўрди.

— Тайёрмисан, Назар?

— Ҳм... — боз силкиди камгап оператор.

Режиссёри бирдан бўғилиб овозининг борича қичқириди:

— Мотор!

Шодмонбек ака турган жойида иргиб тушди.

Съёмка бошланди. Боя Шодмонбек кўрган эпизодни суратга ола бошлашиди. Иккича соатча вақт ичидаги артист Раҳим Xўжаев кириб қолди. Раис унинг қаршисига пешвоз чиқиб қуюқ сўрашиди, негаки, бу артистни раис яхши танирди, уни киноларда, телевизорда кўрганди.

Шодмонбек махмонларни бошлаб келиш учун Пирназарни юборди, қизиқчи артистни ҳам албатта олиб келгин, деб тайинлади.

Кўп ўтмай боғда махмонлар пайдо бўлишиди. Улар стол атрофига ўтиришидан аввал боғнинг тавсифини қилиб кетишиди.

— О, кўп ажаб боғ эканми, қандай ажойиб манзара-а, Назар! — деди режиссёри.

— Антиқа! — жавоб қилди кам-  
ган оператор.

— Мислив, тенги йўқ! — деди  
рассом.

— Боги эрамнинг ўзи экан! —  
хитоб қилди қизиқчи артист.

Яна бир талал оҳ-воҳлар, ҳай-  
ратомуз нидолардан сўнг, ниҳоят,  
стол атрофига ўтирилар. Раис оди-  
ти бўйича тўрда ўтирилар.

— Қани, дастурхонга қаранглар,—  
деди у. — Қани, Эдик, шишаларни  
очмайсанми?

Шу қисқа вақт ичидан раис Эдик-  
ни «ўзиники» қилиб олган эди. Чун-  
ки Эдикнинг табиати шунақа, дар-  
ров ҳамма билан тил топишиб,  
апоқ-чапоқ бўлиб кетаверарди. У  
дик этиб ўрнидан турди.

— Қандай бўларкин, раис бува,  
бизнинг одамларнинг тоби йўкроқ-  
да шу нарсага, — унинг режиссёру-  
дан таб тортаётганини тушунмади  
раис.

— Ишдан қутулдинглар, бир оз  
кўнгилчоғлик қилиб дам оламида  
энди, — деди раис. — Илтимосла-  
ринга кўра кўпайтирумадик.

Дарҳақиқат, столда атиги иккى  
шишагина ароқ бор эди. Эдик энди  
биттасига кўл узатган эди, режиссёр  
«қопиб» берди.

— Очма!

— Қуйиб қўяверсин, ичмасангиз  
қолиб кетар, — деди раис, кейин  
бекараз кулиб ҳазиллаши, — жуда  
бўлмаса бошқаларнинг иштаҳасини  
бўйиб.

Режиссёр ижирғаниб қўиди. Эдик  
биричини бўлиб режиссёрга қуйиб,  
узатди:

— Келинг, Хачик Соҳибович, бир  
култум ичининг, чарчадингиз.

— И... и... етади! — режиссёр  
Эдикнинг қўлини итариб ташлади.  
Унинг иззатталаблиги ҳам майли-я,  
устига устак аёллардан бадтар сер-  
ноз ва инжиқ эди.

Қадаҳлар тўлдирилди. Ҳаммалари  
биричини сўзни режиссёрдан ил-  
тимос қилишди. Аммо режиссёр  
жеркиб илтимосларга чек қўиди.  
Кейин қизиқчи артистни қисташди.  
Артист ўрнидан туришга мажбур  
бўлди, лекин осонгина қутулиб ол-  
моқи бўлди:

— Мен томоқ тақиилаб турганда  
гапни чўзишини ёмон кўраман, —  
деди у қўлига қадаҳ олиб. — Раис  
бува, ҳосилингиз доим мўл, дастур-  
хонингиз мана шунақа мўл-кўл бўл-  
син... кўлда қадаҳ турганида куруқ  
ваъзхонлик ўрнини эгалласин «бўл-  
бўл».

Пиёлалар энди сипқорилмоқчи  
эди, артист яна лўқма ташлади.

— Ўртоқ режиссёр, ичмоқчи  
эмас эдингиз-ку бўёғи қандоқ бўл-  
ди?

Кулишдилар. Режиссёр жавоб  
қилди:

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

— Чунки ичмасам, бир пас туриб  
ичмаганлар гўл деб айтасиз...

Яна кулги бўлди.

Гапи жамоага таъсир қилгани-  
данми режиссёрнинг чехраси сал  
очилиб иршайди.

Ҳаммалари ичишиди. Ош сузилма-  
са ланж бўлиб кетиш хавфи бор  
эди. Шунинг учун пиёлалар яна бир  
карра айлангач, раис Пирназарга  
паловни сузуб келишини буюрди.

Ош келиши билан Эдик дик  
этibi ўриндан туриб, кўтаринки бир  
руҳда эълон қилди:

— Ўртоқлар, Хачик акамлардан  
бир оғиз сўз эшитсан... Менимча,  
ҳамманинг юрагидаги истак шу!

Ўтирганлар чувиллашиб унинг га-  
пини маъқуллаши. Эдик дастур-  
хонга кўл узатди ва иккала шиша-  
нинг бўшлигини «кўриб қолди», ко-  
нида артистлик бор эди-да, Эдик-  
нинг ҳам!

— Ҳозир, — деди раис ва Пир-  
назарга «тез» дегандек имо қилди.

Зум ўтмай раиснинг гали бажо  
кељтирилди. Эдик қадаҳларни тўл-  
ғазди.

— Сўз сизга, Ҳайри Соҳибо-  
вич, — бу гал қизиқчи артист ре-  
жиссёрнинг асл исм-шарифини айтди.

Режиссёр шошмасдан ўрнидан  
турди. Тумшуғини сал қийшайтириб,  
қошларини чимирганича қотиб қол-  
ди. Шу қотганича бир зум серрайиб  
турди.

— Биз, — ниҳоят, сўз бошлади  
режиссёр, сал кайфи ошиб қолса  
тили яхши айланмай гапи ғулди-  
ётганга ўхшаб чиқарди. — Биз сиз-  
нинг колхозингизга тасодифан ке-  
либ қолганимиз йўқ, Шодмонбек  
ака. Мен сизнинг колхозингиз, шах-  
сан ўзингиз ҳақида жуда кўп эшит-  
ганман. Ҳа, мен тўғри келган жойга  
бориб съёмка қилавермайман. Мен  
сизнига ўхшаган илфор, бой кол-  
хозганина, сизга ўхшаган тажрибали,  
уста ташкотчи ва ажойиб улфат  
ҳузуриганина келишим мумкин!. Бу-  
гун сиз билан бўлган мuloқot шу-  
ни кўрсатдики, сиз мен эшитган-  
дан юз чандон, минг чандон афзал  
одам экансиз. Ҳақиқи дала шунқо-  
ри, кўли олтин, қалби ўз паҳтасидек  
пок деҳқон сиз бўласиз! — режис-  
сёр бирорни мақташга тушса ҳар  
қандай меъёрни унтиб қўярди,  
жигибйрони чиқиб кўпирив гапи-  
ради. Устига устак бирорни мақ-  
тайдиган бўлса, албатта, бошқа бир-  
орни балчиқка бўлғарди, — мен  
қўлидан бир тийинлик иш келмай-  
диган ношуд раисларни кўп кўр-  
ганман. Улар колхоз мулкига туш-  
ган мита, давлатни кемириб ётади.  
Мен текинтомоқларни, жирканч, му-  
ноғиқ юлғичларни, колхоз ҳисоби-  
га бойиб, битиб кетган олчоқларни  
кўп учратганман. Улар жамиятимиз-  
га тушган дөғ...

Режиссёр шошмасди, ҳар жумла-  
дан кейин бир-икки дақиқа серрай-  
иб пауза қиларди.

Қизиқчи артист келиб турарди  
шекилли, Эдикка қараб кал-  
ласини лиқиллатиб қўйди. Эдик  
лабига балқиган табссумини яшириб  
ерга тикилди.

— Сиз, Шодмонбек ака, қишлоқ  
хўжалигимизни кўтариб турган ха-  
рилардан, устулардан сиз, — дав-  
ом этди режиссёр, — биз сизга  
ўхшаган одамлар билан фахрланам-  
из. Чунки бизлар ҳам ҳақиқий  
мехнаткашмиз...

Ҳозир вазъхонликнинг мавруди  
эмасди, ош сошиб қолса, еб бўлмас-  
ди, иккинчидан, ҳамманинг қорни  
оч... Буни ҳатто Шодмонбек ҳам  
сезганди. У режиссёрга «қани, ичдик» деб  
пиёласини кўтармоқчи бўлар, аммо  
режиссёр кўрсаткич бармогини кў-  
тариб «шошилманг» дегандек ишо-  
ра қилар ва яна сўзида давом этар  
эди.

Ниҳоят режиссёрга «тез» ҳам  
ўтирганларнинг ҳайфиятни сезди.

— Хуллас, сиз учун Шодмонбек  
ака! — деб жойига ўтириди.

Қарсаклар янгради, қадаҳлар бў-  
шатилди.

Эндиғина бир луқмадан ош олган  
эдиларки, яна режиссёрга тили  
қишиди:

— Шодмонбек ака, кўринишин-  
гиз жуда кинобол экан. Кинога шу-  
нақа сизга ўхшаган йирик одамлар  
керак. Юз тузилиши: кўзи, бурни,  
офзи, йирик одамлар кинода жуда  
яхши чиқади-да. Нима дединг,  
Алик? — гапини тасдиқлатиб олиш  
учун рассомга юзланди.

— Ҳақиқатда ажойиб фактура-  
ри бор экан, гринминг ҳам кераги  
йўқ, шундай кинога олавериш мум-  
кин, — деди рассом.

Пирназар дастурхонда шишалар-  
ни кўпайтириб юборган эди, Эдик  
яна пиёлаларни тўлғазди, кимга сўз  
берсан экан, деб аланглётган  
эди, қизиқчи артист унинг ниятини  
тушуниб хавфнинг олдини олди:

— Қани, ош совимасин, яхши  
иштаҳа учун!

Ичдилар. Ошдан эндиғина иккى  
луқмадан олган эдиларки, режис-  
сёр яна эзмалик қилди:

— Сен Шодмонбек акамларга  
бир қаранг-а, Алик, қандай сало-  
бат, қандай марданалик, қандай куч  
ва журъат уфуриб турибди симо-  
ларида. Бунақа келишган жусса, бу-  
нақа савлат, бунақа баркамол юз  
тузилишини умримда биринчи мар-  
та кўриб туришим.

— Бошлиқ учун энг зарур, энг  
асосий нарса савлат-да! — иккى  
хил маъноли гап қистирди қизиқчи  
артист.

— Шодмонбек ака, агар мен

картина ми бошлашдан аввал сизни  
кўрганимда бош қаҳрамон ролига  
шартта сизни таклиф қилган бўлар-  
дим, — бош рол ижрочиси — қи-  
зиқчи артистга теккизиб гапирди  
режиссёр.

Шодмонбек буни тушунмади. У  
шунча мақтovлардан уялинқираб  
ўтиради.

— Шодмонбек ака, юзингизни  
сал чапга буринг-а, — деб илтимос  
қилди Хачик. У яна оппоқ тишлари-  
ни кўрсатиб, совук ишшайди.

— Қара, Алик, мана бу профиль.  
Мана бу анфас!

— Ҳақиқатан ҳам ажойиб: Мике-  
ланжелонинг дурдана ҳайкаллари  
ҳам бу фактура қаршисида ип  
эшолмайди. Зўр типаж!

Раҳим ака яна Эдикнинг ҳўзига  
тиклиди. «Бунинг на ўзи овқат ей-  
ди, на бирорга едиради, шунақам  
одам бўладими?!» деган маъно бор  
эди унинг боқишида.

Раис ўзини мақташатганини анг-  
ласа-да, баъзи сўзларга тушунмас-  
ди. Шунинг учун гапни ковлашти-  
май «олинг-олинг»га зўр берди.

... Зиёфат тугагач, боғ дарвозаси  
олдида Шодмонбек билан ошпаз  
Пирназар меҳмонларни кузатиб қо-  
лишиди. Шодмонбек киночилар ўти-  
ган машина кўздан ғойиб бўлгач,  
илжайиб ўзига ўзи гапирди:

— Вой, азматлар-е.. Ҳуб ажаб-  
товур одамлар экан-да...

— Ҳа, ёмон эпчил йигитлар  
екан, иккى соатнинг ичиди бир яшик  
арақни тинчтиб кетиши-я! — деб  
ҳайратланди Пирназар. — На кийим-  
бошларига қараб бўлади, на тилла-  
рига тушунасиз. Бунақа чала-чулпа  
тилда гапирадиган одамларни би-  
ринчи кўришим.

— Кинчилар ўзи шунақа сал  
телбароқ бўлади, дейишади. Сен  
уларинг тилига эмас, ишига боқ.  
Мана шу ярим кун ичиди катта иш  
қилиб кетди улар. Колхозимиз идо-  
раси тарихда қоладиган бўлди,  
ука, — деди Шодмонбек соддалик  
билан. — Санъатда тасвирланиш  
шарафига эса ҳар қандай колхоз  
хам мусассар бўлавермайди.

Пирназар шошмасдан бошидан  
дўплисими олди, эриниб тепакалини  
қашиди, кейин яна беихтиёр дўп-  
пини бошига кўндириди. Уни қандай-  
дир муаммо қйнар, айтгани боти-  
на олмаётганилиги шундоқцина афти-  
дан сезилиб турарди.

— Отам раҳматли, биласиз, санъ-  
атга ишқибоз, санъатни севадиган  
одам эдилар. Санъаткорлар энг ма-  
даниятили, энг пок одамлар бўлади,  
дердилар.

— Ҳа-да! Ўзи нокас бўлса би-  
ровларни қандай тарбиялади?

— Шуни айтаман-да! — Пирназар  
жуда қийналиб кетган эди, ортиқ  
чидолмади, — тавба деб гапи-  
раю, меҳмонлар туратганида, бит-  
таси иккита ароқни папкасига тиқ-  
ворди.

Пирназар енгил тортди. Раис эса  
бўзрайиб қолди.

— Қайси бири?

— Ким билади... энг савлатлиси...  
олифта кийингани бору... Чий духо-  
ба шимлик...

— Бўпти, нима фарқи бор қайси  
бири эканлигини! — бу мавзуга чек  
қўиди раис. — Ҳар қандай касб  
эзгалири келиб чиқса алам қилади-да, одам-  
га! Пирназар ҳам энди қизишиб  
кетди:

— Майли, бир шиша ароқ кетса  
кетар-у, аммо колхозимизнинг  
одамларни ўзларига ўхшатиб жи-  
лажиб қилиб кўрсатишаса бўл-  
дийди. Ахир, пасткашларда на дид,  
на қобилият бўлади, дейишади.

Раис Пирназарнинг гапига тан  
бергандек индамай турарди.



# БУЮК АДИБ

Александр Фадеев — революционер адаби. У адабиёт оламига революция оламидан кириб келди, адабиёт оламини революциянинг ўз оламига айлантирган улкан адиллардан бири бўлди. Константин Федин: «Александр Фадеев — инқиlob адаби», деб таърифлаши бежиз эмас.

Бу буюн адабиёттаган Левинсон, Морозка («Тор-мор», Пётр Сурков («Сүнгги удзэгэ», Олег Кошевой, Лютиков, Сергей Тюленин, Люба Шевцова, Ульяна Громова («Ёш гвардия») каби образлар совет адабиёттининг энг ёрқин муваффақиятларидан ҳисобланади. Уларда Фадеевнинг бутун новаторлиги намоён. Бинобарин, «Тор-мор», «Сүнгги удзэгэ», «Ёш гвардия» романлари совет адабиёттининг социалистик реализм адабиёттининг фахри бўлиб қолди. Бу асарларнинг ажойиб қаҳрамонлари айни социалистик идеал билан яшайдилар, эзгу коммунистик ғоялар уларни рұхан бирлаштиради. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг сиёсий, маънавий оламини зўр бадиий маҳорат билан очиб берган.

Бу атоқлы адид совет ёзувчилари-  
нинг синалган раҳбари сифатида,  
танқиди ва назариятчи сифатида  
ҳам бутун дунё бадиият хазинасини,  
кўпмиллатти совет адабиётининг энг  
яхши намуналарини назарда тутган  
ҳолда фикрлар эди. Чунончи, у:  
«Украинада Тичина, Озарбойжонда  
Самад Вурғун, Ўзбекистонда Faфур  
Гулом — булар бетакор ижодий  
киёфага эга бўлган новатор шоир-  
лардир» (V, 543)<sup>1</sup>, — дейди.

Фадеев танқидчи, адабиёт назариятчысы сифатында социалистик реализм методи ҳақида қимматли фикрларни баён қилды. Айны пайтада, у социалистик реализм сарчашмалари түғрисисида ўйлар экан, Шарқ адабиётини ҳам эсдан чиқармади.

Реализм түшүнчесиң мана шундай көң қараш Александр Фадеевга Шарқ адабиети, унинг Низомий ва Навой каби буюн намояндадар ижоди хүсусида салмоқлы, адабий-танқидий тафаккурға йүнәлиш берә олгулик фикр-мулоҳазалар баён қилиш имкониятини берди. У «Шарқ халқлары тарихига доир» (1947—1948—1956) қайдыда Шарқ халқлари адабиети тарихини материалистик назария: «санъат ҳаёт учун»нинг «санъат санъат учун»га қарши кураши — эстетика қарашлар кураши асосида ўрганиш ўтмишдаги Шарқ

<sup>1</sup> Мисоллар Александр Фадеевнинг етти томлик асарлар тўпламидан олинади («Художественная литература» нашириёти, 1969—1971) ва қавс ичигда унинг қайси жилд, нечандан саҳифадан келтирилганлиги кўрсатилади.



халқлари маданиятида икки маданият (В. И. Ленин) курашини очиб беришга жуда ҳам ёрдам беражаги ҳақида сўзлайди, «Фирдавсий, Низомий, Навоий каби гигантлар аслида ўзларининг феодал табиятларига нисбатан миёслироқдирлар, албатта, ва, бунинг устига, ўзларининг шартли формаларига қарамай, реалистдирлар» (VI, 558), дейди.

Бу улкан рус совет адаби қардош совет халқлари маданий мероси Бутуниттифоқ ва жаҳон маданияти ҳизниасидан ўз мунособ ўрнини эгаллаётганини кўриб боят кувонди:

«ХV асрнинг иккинчи ярмидаги яшаган улуғ ўзбек шоири ва маданият арбоби Алишер Навоийнинг асарлари, унинг салафи Лутфий ижоди, шоир ва лашкарбоши Бобирнинг мўъжизаси руబой ҳамда ғазаллари, машҳур автобиографик асари, номи халқ хотирасида Ҳўжа Насриддин каби ҳамиша барҳаёт Машрабнинг оташнафас лирик ва сатирик шеърияти, XIX аср охири—XX аср бошлилари ижод этган демократик йўналишдаги ижтимоий ҳажв ва лирик шеърлар автори, йирик шоир Мукимий асарлари халқ онгида унинг миллий фахри, инсонларнинг ўлмас образлари қомуси—миллий характер ва юксак инсоний идеаллар байроқдорлари сифатида жонландилар», деб ёзди мутафаккир адаби «Ўзбек халқининг гурури» маколаси-

да.—Ўзбек халқининг ана шу миллий бойлиги тобора СССР халқлари ва бутун дунё маданияти хазинасига муносаб ҳисса бўлиб қўшилмоқда».

Фадеев күпмиллаты совет адабиети, санъатининг ривожланиш йўллари ҳақида ҳамиша замхўрлик ва донишмандлик билан ўйлади, социалистик реализм методининг бой имкониятлари тўла рўёбга чиқиши учун санъатда миллий шаклнинг аҳамияти катталигини доимо ёдда туиди.

«Санъатда миллий шакл» нима дегани? Бу — энг аввало,— она тил дегани. Бу — ҳар бир халқнинг асрлар давомида фольклорда мужасамлашган ўзига хос рухи ва нутқ қурилиши дегани ҳамдир. Бу, айниқса, шеъриятда муҳим бўлган миллий классик адабийётнинг анъаналяридир, — деб уқтиради атоқли адид. — Бу, ниҳоят, ҳар бир санъатнинг бетакрор ранги ва бўйини яратидиган характеристернинг миллий бетакрор тузилиши, халқнинг психологик, эмоционал хусусиятлариридир. СССР-да халқнинг бу жонли чашмалари, ижод булоқлари очилган, шунинг учун ҳам, СССР халқлари санъати, ранг-бараңг ёрқин гилам каби яшнайди» (V, 256).

Мутафакир адаб кўпмиллатли со-  
вет адабиёти ва санъати хусусида  
фикрлаганда, Узбекистон шоирла-  
ри, адилари, санъат усталари ҳаки-

да ҳам эзгу сўзлар айтди. Чунончи, у «Ўзбек халқининг ғурури» (1945) мақоласида Совет Ўзбекистони маданийти, адабиёти ва санъати муваффақиятлари ҳакида алоҳида тұхталади. Ўзбек шоирлари, ёзувчилари, композиторлари, санъаткорлари га ижодий характеристика беради. У айниқса, Ойбек, Ҳамид Олимжон,Faфур Гулом ижодини юксак ва ҳақ-қоний равишда баҳолайди. Ойбекин ўзбек совет адабиёти майдонга чи-карған йирик адаб сифатида, унинг «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларини совет прозасининг фавқулодда ҳодисаси сифатида талқин қиласы. Унинг, айниқса, Faфур Гулом шеъриятига берган таърифи формуладай мухтасар ва аниқлиги, буюк ўзбек совет шоирининг бутун ижодини қамраб оладиган даражада серлазмунлиги билан кишини лол колдиради. «Шоир ва академик Faфур Гулом,— деди Александер Фадеев,— совет шеъриятининг энг ўзига хос ва фавқулодда ҳодисаларидан бириди. Унинг шеърияти миллий анъанани Маяковский анъанаси билан гаройиб бир тарзда бирлаштириб юборади. Унинг диапазони энг нафис лирикадан ораториягача қамраб олади. Унинг шеърлари ҳамиша зўр фикр ва теран түйғу билан сугорилган».

Фадеев Ҳамид Олимжон ижоди-  
ни ҳам юксак баҳолади: «Бу ҳалқ  
бадий оғзаки ижоди ва эпосидан  
моҳирона фойдалана оладиган юк-  
сак мадданий шоирдир». «Ҳалқ сар-  
вари Муқанна ва ўзига хос ўзбек  
Жанна д'Арки — қаҳрамон Гулойин  
образлари — булар Ҳамид Олим-  
жоннинг катта бадий ижоди муввафқа-  
тиларидир» (V, 419).

Александр Фадеев «Совет ватанпарварлиги ва СССР халқларининг миллий түрури» (1943) мақоласида Ҳалима Носирова ва Ҳамид-Олимжон номини қардosh совет халқлари санъати ва адабиётининг улкан арбоблари сирасидан эслади.

Шу ўринда Фадеев ўзбек халқи ҳаёти билан боғлиқ асарларга берган баҳоларни ҳам эслаш мумкин. Маълумки, ўзбек халқи ҳашар йўли билан қирқ беш кунда қазиган Катта Фарғона канали қурилиши тарихи совет кишилари яратувчи меҳнатининг тимсолига айланди. Социализм ҳаётбахш мухитининг ёрқин самараси бўлмиш бу воқеа жуда кўп адиллар, санъаткорларга катта таъсир кўрсатди. Александр Фадеев шоира Вера Инбернинг «Сув йўли» поэмасини баҳолар экан, Узбекистон миқёсида гина эмас, Бутуниттифоқ миқёсида янги тузум афзаллигини исботлайдиган, социализмни мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган масалани — сув масаласини ижобий ҳал этган бу воқеанинг бутун улуғворлигини назарда тутган ҳолда мушоҳада юритади. У ўзбек адабиётининг Уйғун, Ислом шоир Назар ўғли, Комил Яшин, Ойдин, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Амин Умарий каби намояндадари ҳакида ҳам ижобий фикрлар билдирган эди. Александр Фадеев совет поэзиясининг ривожида тобора кўпроқ аҳамият касб этаётган ўрта бўғиннинг Александр Твардовский, Константин Симонов, Расул Гамзатов, Иосиф Нонешвили, Силза Капутикан, Юхан Смуул, Жубан Мўлдағалиев каби энг истеъоддли вакиллари

ФАДЕЕВ—

## УСТОЗУ ҚАДРДОН



Ҳамид Олимжон, Александр Фадеев, Алексей Толстой,Faafur Gulyom.  
Москва, 1943 йил.

сирасида шоир Мирмуҳсин номини ҳам ҳурмат билан тилга олган, «бизнинг кунларимиз шеърият ҳолатини кўп жиҳатдан улар, уларнинг истеъоддли тенгқурлари белгилайдилар» (VI, 293), деган эди.

Бу мисоллар кўрсатиб турибдики, Александр Фадеев СССР ҳалқлари адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти ривожига бевосита катта хисса қўшган, унинг яхши намуналари Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида кенг ёйилишига ёрдам берган устод адаби эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўпмиллатли совет адабиётини шакллантириш ва ривожлантиришга катта хисса қўшган атоқли совет ёзувчиси ва жамоат арбоби

Александр Фадеев туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Фадеев байрами бутун совет адабиётининг байрамидир. Бу байрам, худди узоқ Шарқда кечган Фадеев кунлари каби, зўр кўтаринки руҳ билан ўтади ва совет ҳалқлари адабий дўстлигини янада мустаҳкамлашга, кўпмиллатли совет адабиётининг ажойиб муваффақиятларини бундан ҳам кенгрок миқёсда тарғиб қилишга, КПСС XXVI съездининг ҳаётбахш қарорларини сидқидиллик билан амалга ошираётган ҳалқимизни янги меҳнат ғалабалири сари руҳлантиради.

М. ҚЎШМОҚОВ

Мехрибонлик тоаъдад ёдда сақланиди. Мехрибонликни на узок йиллар ғала-ғовури ва на ташвишлар губори босиб кета олади! Мехрибонлик шу қадар порлоқки, у рутубату туманинни ёриб, офтобдек жамолини кўрсатаберади.

Александр Александрович Фадеев кўпларга меҳрибонлик кўрсатган мана шундай буюк қалб эгаси эди. У СССР ёзувчилари союзи раиси бўлиб ишлаганида қалам соҳибларига қанчалар ғамхўрлик, устозлик қилган. Аждодга эҳтиром, авлодга меҳрибонлик унинг шиори эди. Миллий адабиётчиларга горькиёна ғамхўрликни ҳам шу киши сиймосида яққол кўрдик. Алишер Навоийни эъзозлаб, ўзимизга яхши танинглардан бирни ҳам кадрдан Александр Фадеев эди. У, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Faafur Gulyom, Шароф Рашидов, Уйғун, Яшинлар билан ажралмас дўст бўлиб, улар ижодини Итифоқ минбаридан эъзозлаган, бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд шиорига амал қилган, ҳақоний байнамини қалам соҳиби эди.

Қалбимга тушган бир меҳрибонлик учқуни бошқа ҳамма ишларни ийғишишириб қўйиб, буюк адаби ҳақи-

да мақола ёзишига унади. Ҳа, Ойбек ака сабаб бўлиб, мен Фадеев билан танишган эдим. «Уста Ғиёс достонимни у ўзининг докладу мақолалирида бир неча бор тилга олиб, яхши истаклар билдиран эди. Москвада у билан бир неча бор сұхбату мулоқатда бўлдим. Унинг ёзган дўстона хати ҳам ноёб эсдалик сифатида менда сақланади...

Қалбимга ғоятда яқин, чинакам инсонийликни кўрганим — Александр Фадеев таваллудининг саксон йиллиги кунидаги қалб амири билан сўз айтишни лозим топдим. Унинг ўлмас асрларидаги машҳур ҳақрамонлар: Олег Кошевои, Земнухов, Тюленин, Шевцовалар, инқолибчи Левинсон, Сергей Лазолар совет кишиси — жасорат тимсоли, ибрат намунаси сифатида ёш авлодни тарбиялайди.


Фадеев шахсий ҳаётда ҳам ўз ҳақрамонларига ўхшарди. Унинг ўзи уч фронт — Сибирда граждандар уруши, Улуғ Ватан уруши ва адабиёт фронтининг ҳақрамони эди. Улуғ адаби асрлари ҳамма вакт жаранглаб туради, қўлдан-қўлга ўтиб ўқилмоқда.

МИРМУҲСИН

Рашидов билан фарҳанаман». Кейин улар Александр Твардовский ва Константин Симонов билан биргаликда то эрталабга қадар ўзбек адаби билан сұхбатлашдилар. Шанда Фадеев худди башорат қилгандай шундай деган эди: «Сени улкан партия ва давлат иши кутаётганини билимсан, сенга туғишган бирорадар каби шуни айтиб қўйишим керак — тинмай ижод қил». Улкан совет адаби Шароф Рашидовнинг серқирлағи фаолияти бугун А. А. Фадеев айтган башоратли сўзларни тўла-тўқис ислоблаб берадиган.

Шу йилнинг сентябрь ойида Приморье ўлкасида Александр Фадеев ижоди билан боғлиқ катта анжуманлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Машҳур адаби етти ёшида бошлаб мана шу гаройиб ўлкада яшаган, ўзининг илк асрларини шу ерда қоғозга туширган эди. Адаб яшаган қишлоқ Чугуевкада Фадеевнинг уй-музейи очилди. Бу қишлоқ ҳақида ёзувчининг ўзи шундай деганди: «Чугуевка қишлоғи Уссурий областидаги партизанчилик ҳаракатининг бешиги сифатида ном чиқарди». Бу ерда ўтган анжуманларда мамлакатимизнинг жуда кўп адаблари иштирок этдилар. Музей экспонатларидан бирни диккатимни ўзига тортди. Бу ўн тўқиз ёшли партия аъзоси Александр Фадеевнинг РКП(б) Амур ташкилоти учун тўлғазиб берган ҳисоб-китоб варақаси эди. Варақадаги саволлардан бирида: «Қанча вақтингизни партия иши учун сарф қилмоқдасиз, қанча вақтингизни бу ишга бера олишингиз мумкин?», дейилган. Фадеев: «Бутун кунимни баҳш эта оламан», деб жавоб бериди. Партия ва ҳалқ ишига содик, ҳамият ва эътиқод билан хизмат қилган улкан адаби ўзининг бутун умрини бу ишга баҳш эта олди. Бу умр эътиқоднинг юксак намунаси, ҳали кўнгилларга кўп бор илҳом беражак.

Муҳаммад АЛИ



Александр Фадеевнинг болалиги ўтган Чугуевка қишлоғининг бир кўриниши.

СОВЕТ адабиёти халқчил адабиётдир. У халқ турмушини акс эттиради ва кенг халқ оммасига хизмат қиласы. Ҳар бир совет адаби ўзини халқ хизматкори деб билади. Буни адабиётимиз

нинг халқимиз ҳәти билан мустаҳкам болғиқлигиде яққол күриш мүмкін. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланинг» ва «Қўриқ» трилогияси совет адабиётининг халқ ҳәти билан чамбарчас бирлигини ёрқин ифодалайди. КПСС XXVI съездиде совет адабиёти ва санъатининг коммунистик жамият қуришдаги, халқларимизни юксак идеаллар руҳида тарбиялашдаги ўрни, уларни меҳнат зафарларига чорлашдаги сафарбарлик кучига юксак баҳо берилди, шунингдек, адабиёт ва санъатининг халқ ҳәтига янада чуқур кирип бориши зарурлиги таъкидланди. Совет ёзувчиларининг VII съездиде ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг Сурхондарё ва Қашқадарё областларида ўтказилган кўчма сёкремтар мат мажлислари ҳам партиямиз XXVI съезди совет ёзувчилари олдига кўйган ғоят масъулитли ва шарафли вазифаларни бажариш йўлидаги тадбирлардан бўлди. Анжуманинг ўтказиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳам, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг партия ва совет ташкилотлари ҳам жиддий тайёргарлик кўрдилар. Натижада ёзувчиларнинг бу областларга ташрифи ўзбек совет адабиётни байрамига айланаб кетди.

Тожикистанда ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида қатнашган ёзувчиларимиз Душанбадан тўппа-тўғри Сурхондарё томон йўл олдилар. Сурхондарёда ўзбек адабиёти кунлари қатнашчилари: Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов (делегация раҳбари), Ўзбекистон халқ шоири Зулфира, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Сайд Аҳмад, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиши Тўлепберган Каипберганов, шоирлар Гулчехра Жўраева, Назармат, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаев, ёзувчилар Пиримкул Кодиров, Ўқтам Усмонов, Владимир Тюриков, Ўзбекистон ёзувчилар делегациясини кузатиб келаётган Тожикистанда ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноат ва таникли тожик адаби Фотиҳ Ниёзий ўртоқлар Тожикистан билан Ўзбекистон чегарасида — «Коммунизм» совхозида нон-туз, гулдасталар билан кутуб олиндилар. Адабиарни кутуб олиш вақтида Ўзбекистон Компартияси област комитетининг бюро аъзолари А. Каримов, Н. Туропов, Х. Холиёров, Сарисиё район партия комитетининг биринчи секретари А. Норқобилов, район ижроия комитетининг раиси А. Номозов ўртоқлар ҳозир бўлдилар. Ёзувчиларнинг бундай катта ҳурмат билан самимий қарши олиниши облости меҳнаткашларининг адабиёт ахлига бўлган чуқур меҳрини намоён қилди.

Сурхондарё меҳнаткашлари билан учрашув Сарисиё районидаги «Коммунизм» совхози аҳли турмушини кўздан кечиришдан бошланди. Ҳўжаликнинг «Меҳнат шуҳрати» халқ музейи ўзига хос кўзгудир. У қишлоқ меҳнаткашларининг ўтмиши ва бугунги фаровон ҳәти тўғрисида аник тасаввур бера олади.

Авало, шуни таъкидлаш лозимки, адабиёт кунлари меҳнат ва адабиёт байрами бўлди, бадний адабиёт ютуқларини кенг халқ оммаси ўтрасида тарғиб ва ташвиқ қилишга хизмат этиди, ҳар бир учрашувда минглаб адабиёт муҳлислари — пахтакор ва боғбонлар, полизчи ва сабзавот-

# ИСТИҚБОЛНИ ҮЙЛАБ

чилар, шоликор ва ғаллакорлар, ўқувчи ва зиёлilar, партия ва совет ходимлари қатнашдилар. Ҳуллас, доҳий В. И. Ленин башорат қилганидек, эндиликда бизда адабиёт иши умумпаотия, умумхалқ ишининг таркиби қисмига айланаб кетганига шоҳид бўлдик. Китобхонаэо билан бўлган ҳар бир ижодий учрашув мароқли ўтди, қатнашчиларга завқшав мороқчиликни бўлди. Тантанали учрашув Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё обlastи комитетининг биринчи секретари Абдухалик Каримов кириш сўзи билан очди. У айни анжуман республика партия ва ҳукumatining адабиёт ва санъатимиз равнакига кўрсатаётган фамхўрлиги натижаси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Сарисиё райони партия комитетининг биринчи секретари А. Норқобилов, ёзувчилардан Сарвар Азимов, Раҳмат Файзий ўртоқлар сўзга чишиб, адабиёт ва дўстлик, янги инсонни тарбиялаш хусусида сўзладилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ўз зиммалари олган юксак мажбуриятларни бажаришларида катта муваффакиятлар тиладилар. Сўнгра мушоира бошланди. Туроб Тўла, Гулчехра Жўраева ва Эркин Воҳидов ўртоқлар янги шеърларидан ўқидилар.

Куннинг иккинчи ярмида ўзбек адабиёти кунлари қатнашчилари Денов районидаги ҳўжаликлар билан танишдилар. Куйбишевномли колхознинг маданияти ва истироҳат боғидаги адабиарни билан меҳнаткашларнинг учрашув бўлди. Учрашуда Денов район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Чориев меҳмонларга район иктисади ҳакида батафсил сўзлаб берди.

Деновнинг кунчилиш томонида афсонавий халқ қаҳрамони Алломиҳ пойга бошлаган Боботоғ, кунботиш тарафида Ҳисор тизмасига киривчи Вахшиво во ва Сина тоғлари. Бу воидида Садриддин Айнининг «Донхўндаси», Михаил Шевердиннинг «Санжар ботири» ўтган. Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар»и унгани.

Район територияси жуда катта бўлиб, 1 минг 864 квадрат километни ташкил этади. Унда 170 мингга якин киши истикомат қиласи. Денов шаҳри эса облатнинг энг йирик саноат маркази хисобланади. Шаҳар ва район саноат корхоналари ўтган беш йиллика катта ютуқларни қўлга киритдилар. Беш йилликнинг якунловиши йилида 122 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Денов ишчилари ўн бешлар ташаббусига кўшилиб, йиллик планини 7 ноябргача бажариш, бир беш йиллика икки беш йиллик режаларини амалга ошириш учун кўрашмоқдалар.

Районда Тўпаланг гидроузелининг биринчи навбати ишга туширилиши натижасида 80 минг гектар ернинг мелиоратив холати яхшиланди. Сангардак, Қизилсув, Тўпаланг дарёлари соҳилларида, Боботоғ этакларида янги ер очиш имконияти мавжуд. Бу жойларда янги совхозлар ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳуллас, Денов районининг келажаги порлоқ. Коммунистик мўл-кўлчилик учун фидо-

корона меҳнат қилаётган азамат замондошларимиз жасорати яратилажак асарларнинг қаҳрамонлари бўлишга арзигулик.

Қалам аҳлари Деновдан Жарқўронга бораётib, Шўрчи районидаги пахта тозалаш заводи ишчилари меҳнати билан танишдилар, корхонанинг пахта тозалаш цехида бўлиб, агрегатлар ишини кузатдилар, заводда ишлаб чиқарилаётган тола сифати билан қизиқидилар.

...Оқтоғ тепалиги байрамдагидек безатилган. СССР ва қардош республикаларнинг давлат байроклари ҳилпирайди, симёғочларга ўрнатилган радиорепродукторлардан Ҳамид Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгриомақда. Тепалик атрофиди уч мингдан ортиқ киши бахт ва баҳор кўйчиси Ҳамид Олимжон ҳайкалани очиши учун тўплланган.

Ҳайкал очилишига бағишиланган тантанали митингни облости партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Каримов кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов шоир хотирасини адабиётлашибири, унга ҳайкал ўрнатилгани учун облости, район ва совхоз партия ҳамда совет ташкилотларига, барча меҳнаткашларга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи номидан миннатдорчилар билдирилар. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия сўз олиб, йиғилганларга «бу ерда шоирга очилди ҳайкал» сарлавҳали шеърини ўқиб берди. Жарқўрон район партия комитетининг биринчи секретари Э. Рустамов район меҳнаткашларнинг пахта йиғим-теримини куҳ сайдин авж олдираётганларни ҳакида гапирди. Шундан кейин шоирларимиз — Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Назармат, Нормурод Нарзуллаев, Эркин Воҳидов ўртоқлар ўз шеърларидан намуналар ўқидилар. Шоир Ҳамид Олимжоннинг қизи — Ҳулкар Олимжонова унинг «Россия» деган шеърини ўқиб берди. Ҳамид Олимжон номли совхоз директори Х. Боймуродов, мактаб ўқувчиси Г. Эшимовда ўртоқлар азиз меҳмонларни қизин эканлигини таъкидладилар.

Тантанали митинг ёпиқ деб эълон қилинади. Сўнгра совхоз далалари бўйлаб Ҳамид Олимжон шеърлари, қишилари таралади.

## ҚЎЧМА СЕКРЕТАРИАТ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг Термизда бўлиб ўтган қўчма йиғилишида «Хозирги замон ва республика ёзувчиларининг вазифалари» масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳакда союз правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов доклад қилди.

— КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шунингдек, СССР Ёзувчиларининг VII съезди совет адабиёти олдига катта вазифалар кўйди,— деди нотик.— Меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифа мизидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтгандек, эндиликда тарихи янги имтиёзий бирлик — совет халқи вужудга келди. Коммунистик нормалар турмушимиздан тобора кенг ва чуқур ўрин олмоқда, совет халқи кун сайн коммунизмга яқинлашиб бормоқда.

Келгуси йили СССР ташкил топганига 60 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шахри тўғрисида очерклар тўпламини тайёрлаш ва нашр этишга қарор қилинди.

Секретариат йиғилишида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Сурхондарё обlastи бўлимнинг масъул секретари Мингзиё Сафаровнинг бўлим фаолияти ҳақидаги ахбороти тингланди ва муҳокама этилди. Секретариат мажлисида Шафоат Раҳматулаев, Ҷўлга Ермас, Нарзулла Сўфияев, Болтежон Содиқов, Ислам Норбоев, Ҳудойберди Эшонқулов, Аббос Маликов ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

Ўзбек адабиёти кунлари байрами Қашқадарё обlastida давом этди. Сўз усталари Қарши томон келаётib «Янгиобод» совхозида тўхтаб тўди. Совхоз ишчилари билан учрашув бўлди.

...Деҳқонобод — баҳшилар диёри. Бу ерда ўзбек совет адабиёти кунлари қатнашчиларини Қашқадарё обlastи партия комитетининг секретари ўртоқ М. Ҳудойкулов ва бошқа раҳбарлар ҳамда меҳнаткашларнинг вакиллари қизғин кутиб олдирилар. Эртаси куни улар обlastи партия комитетида қабул қилиндилар. Ўзбекистон Компартияси обlast комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат қаҳрамони ўртоқ Рўсимат Ғойибов ёзувчиларга ҳакида бахшиларни ҳўжалиги ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Келгусида Ўзбекистонда етишириладиган 10 миллион тонналик «коқ олтин» хирмонининг 3 миллион тоннасини қашқадарёликлар бунёд этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Қашқадарёда бўлган кўчма секретариат мажлисида Ёзувчилар союзи обlastи партия комитетининг секретари ўртоқ М. Ҳудойкулов ва бошқа раҳбарлар ҳамда меҳнаткашларнинг вакиллари қизғин кутиб олдирилар. Ўзбекистон Компартияси обlast комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат қаҳрамони ўртоқ Рўсимат Ғойибов ёзувчиларга ҳакида бахшиларни ҳўжалиги ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Келгусида Ўзбекистонда етишириладиган 10 миллион тонналик «коқ олтин» хирмонининг 3 миллион тоннасини қашқадарёликлар бунёд этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Қашқадарёда бўлган кўчма секретариат мажлисида Ёзувчилар союзи обlastи бўлимнинг масъул секретари Самар Нуровнинг ахбороти тингланди. Мажлиса сўгуза чиқсан ўртоқлар обlast қаламкашлари очерк ва публицистика жанрига ҳам эътиборни кучайтиришларини позим эканлигини таъкидладилар. Мажлисида Қодир баҳши Раҳимов, Евгений Березиков, Ҳусанжон Амйнов, Номоз Бозоров, Саодат Тохи, Ислом Амиркулов ва Момоҳол Элмуродова ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар. Секретариати йиғилишида Тошкентда республика баҳшиларининг кўрикмусобақасини ўтказиш ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

Қалам аҳлари Қарши магистрал канали, Толимаржон сув омбори томон йўлга чиқдилар. Нишон районидаги янги ташкил этилган совхозлар билан танишдилар. Қарши магистрал каналидаги етти насос станцияси ёрдамида Амударё суви 132 метр баландликка кўтарилиб, чўл томон оқмоқда. Ана шу сув туфайли Қарши чўли гуллаб-яшнамоқда.

Сурхондарё ва Қашқадарё обlastlariда ўтган ўзбек совет адабиёти байрами ёзувчиларнинг халқ ҳәти билан яқиндан танишишларида муҳокама бўлди. Улар учун янги янги мавзулар берди, ижодий режаларига қанот баҳш этди.

**Абдуваҳор ИБРОҲИМОВ**  
Душанбе — Сурхондарё  
Қашқадарё — Тошкент



## ГУЛРУХСОР,

Ленин комсомоли мукофоти лауреати

# Қутлуг ном

Мармартош күксіда ўйнайды шуъла,  
Юрагим ёнмоқда шуъла сингари.  
Күз ўңгімдан кетмас номаълум аскар,  
Гулу чечакларга бокқаным сари.

Одамлар қалбларнинг меҳр қўридан,  
Нурафшон этгандар қабрини бутун.  
Қаҳрамон бўлсин деб невараларин  
Унинг номи билан атарлар бугун.

Дийдор умиди-ла жангчи онаси,  
Уй эшигин ҳамон очиқ тутмоқда.  
Узатган бўлса ҳам қизин турмушга,  
Мехрибон дилдори ҳамон кутмоқда.



Фоят гўзал эди жангчининг номи,  
Аслида, топмайсан беном одамни.  
Беном кетди деманг, азизлар уни,  
Тўлдирди мукаддас номга оламни.

Мардликнинг мусаффо кўксіда ўзин  
Куёш парчасидай билар эди у.  
Қора булат эди унинг душмани,  
Чақмоқдай булатни тилар эди у.

Мармартош кўксіда ўйнайды шуъла,  
Қарип қолган она тўкар ачиқ ёш.  
Беном кетди деманг унинг ўғлини,  
Не-не номдорларга майдонда сафдош...

\* \* \*

Кўзга чалинмайди бу йўл анжоми,  
Елиб-югураман аммо бетиним.  
Юзма-юз келса ҳам жарликлар коми,  
Олдинга ундаиди юрагим маним.

Боғлардан ўтарман гоҳи мастана,  
Чўл бағрин кезарман гоҳида хомуш.  
Тоғ қалби тўқииди минг бир афсона,  
Чўққилар учуда қанот қоқмас қуш.

Мен-чи, бу чўққидан ўтмоғим даркор,  
Бу йўл чорламоқда узоқ-узоққа.  
Олов фов бўлса ҳам топмайин қарор,  
Бу йўл йўл бермайди ҳеч бир сўроққа.

Аммо бу орзулар, умидлар йўли,  
Диллар диёрининг йўлидир бу йўл.  
Бу йўлни гуллатар одамзод қўли,  
Не-не мўъжизага қодирдир бу қўл!

Сўроққа тутаман ўзимни доим,  
Бу йўлда қолдими мендан нишона?  
Бирор қалб бўлдими қалбимга қойим?  
Ё унут бўлдими худди афсона?

Хисобот берурман ўзимга ўзим,  
Не-не оловларда тобланди дилим.  
Юракда борини сўзлайди кўзим,  
Муҳаббат макони — нурли манзилим.

Янги бир ғалаён, янги куч ва рӯҳ,  
Узоқ-узоқларга чорлайди яна.  
Оламга нақш берур янги бир шукух,  
Орзулар дунёси қилур тантана.

Гоҳ азоб, изтироб бўлур йўлдошим,  
Йўлимда гоҳ жарлик, гоҳи қир-адир.  
Аммо ҳам бўлмагай ҳеч қачон бошим,  
Диллар ўлкасига бошлар у, ахир!

Эй интизор юрак,  
Эй бекарор юрак,  
Туну кун дастингдан,  
Ҳалакман, ҳалак.

Гоҳида ошносан,

Гоҳида душман.

Гоҳида муздайсан,

Гоҳида гулхан.

Гоҳида ўлимни  
Ўлдирдинг, юрак.  
Бунга не жасорат,  
Не мардлик керак!

Гоҳида шоҳсану

Гоҳида губор.

Шабнамсан,

ўтли кўз

Боқса шуълавэр.

Гоҳида зулматсан,

Гоҳида зиё.

Гоҳида шоҳсану  
Гоҳи бенаво.

Гоҳида ўлимни  
Ўлдирдинг, юрак.  
Бунга не жасорат,  
Не мардлик керак!

Гоҳида мунглисан,  
Гоҳи қасоскор.  
Ҳар бир қиласишишга  
Ишқнинг нақши бор.

Эй интизор юрак,  
Эй бекарор юрак.  
Не баҳтдир, дастингдан  
Ҳалакман, ҳалак...

## Нидо

Баъзи тенгдошларимга



Менга «Шароб ич», деб қадаҳ тутмагил,  
«Гуноҳимдан кеч», деб қадаҳ тутмагил.  
Ичмайман,

не учун ичайин ахир?  
Йўқотмоқ учунми бир дам ҳушимни,  
Хуркитмоқ учунми иқбол қушимни?  
Ичмайман!

Ахир ёшлиқ пайтим,  
ёшлиқнинг,

Эзгу шаробидан мастан ҳамиша.  
Қалбим шоқосаси орзуга тўла,  
Орзу шаробидан мастан ҳамиша.

Фанимат онларни эсга колурсан,  
Аҳду паймонларни эсга колурсан...

Мени ташлаб кетган ёримни ўйлаб,  
Бир дам дамин ютган торимни ўйлаб,  
Ут тушганин ўйлаб юрак бөгига,

Шеър малҳам бўлганин ишқнинг доғига,  
Мен шароб ичайим?

Йўқ, йўқ ичмайман!  
Тоғ дарёси шўх-шўх қўшиқ айтмоқда,

Қушлар қўшиқ айтиб сирлашар боғда,  
Қолайми маст бўлиб бундан бенасиб,

Қўзимнинг намию дил ғанини деб,  
Ичмайман!

Фам юкин кўтартум ўз бошим билан,  
Фам юкин юварман кўз ёшим билан,

Ичмайман,

ҳазонбахш хато ўтса ҳам,

Йўқ ахир оламда хатосиз одам!

Нечун хуш кўрарсан майнинг нозини,

Қадаҳга айтарсан юрак розини?  
Кимки майда кўрса ҳаёт тотини,  
Заҳарга ботиурўр ўз ҳаётини.  
Қаттиққўл устоддир ҳаётнинг ўзи,  
Сенга бир дастурдир унинг ҳар сўзи.  
Сени чорламоқда қақроқ чўлларга,  
Қўл узат ҳаётбахш, жасур қўлларга!  
Менга: «Шароб ич», деб қадаҳ тутмагил,  
«Гуноҳимдан кеч», деб қадаҳ тутмагил.  
Ичмайман,  
Ғамим йўқ,  
Қамим йўқ,  
Йўқ ҳасрат-доғим,  
Нечун ичайин?  
Кулсинми мириқиб бир дам бегона?  
Ё бўлмоқ учунми бир дам девона?  
Ичмайман!

Ахир ёшлиқ даврим,  
ёшлиқнинг

Эзгу шаробидан мастан ҳамиша,  
Дилим шоқосаси орзуга тўла,

Орзу шаробидан мастан ҳамиша.

\* \* \*

Игна санчиб елар совуқ изғирин,  
Ўзимга келарман вакт ўтган сайин,  
Бўғзимни фижимлар ҳижрон бермай тин,  
Қайлардан излайин сарсон, бетайин?

Муҳаббат қальадир,  
йўл очмоқ қиин...

Кечдинг гуноҳимдан,  
յтар-кетар деб,

Кечдинг хатойимни,  
бу заҳм битар деб,

Қўксингга қўл қўйдинг,  
қўлим тутар деб,

Оч-наҳор тутдим мен,  
захрин ютар деб,

Эшикни қарс этиб,  
ёпдинг, етар деб.

Сен кетдинг  
бир зумда ҳув этди хона,

Сехрини йўқотди  
шевру афсона.

Қалбим ҳувилларди  
эски масжиддай,

Уммонда қолмади  
гўё дурдона,

Ҳар ёна боқардим  
дил ёна-ёна...

Бундан ҳам даҳшатли  
жазо бормикан?

Бу очиқ қўзларим  
кўр бўлсин-а, кўр!

Номгинанг ўчсин, эй  
нозарур ғурур!

Энди бир ҳикматга  
тан берурман, тан:

Ишқ ҳам ўлар экан  
бевафоликдан!

Тожикчадан Жонибек ҚУВНОҚ  
таржимаси.

# БАРҲАЁТ АНЬАНА



Дўмбира, куй-кўшиқларга лиммо-  
лим дўмбира куйлади. Бахши унга  
жўр бўлади. Ҳаяжонлар, дард ва  
кувончлар, ёник соғинчлар куйга  
айланаб, сойдай оқади:

«Келиной, келиной», дейишади.  
Зулфини шамол эшади...  
Икки чеккада зулфаги  
Хуснига талашибади.  
Орқасида қирқ ўрим соч  
Товонига чулашибади.  
Кийиб олган зарковуш  
Қадамига ярашибади.

Тоғлар маскани Дехқонобод...  
Консой бўйидаги Хўжамаҳмуд ову-  
ли. Йил яхши якунланиб, дехқонлар  
ва ҷорвадорларнинг тўй-тўйлашиб  
юрган пайтлари. Ҳу, қир тепасидаги  
уч ўтовнинг бири — катта он ўтов:  
у салобати билан ажралиб турибди.  
Устига оқ кигизлар ёпилган. Йигир-  
ма икки бов ойкуқ қилиб боғлан-  
ган. Ўтов атрофида сипо қариялар,  
ясанган-тусанган ёш-яланглар, дур-  
кун-дуркун келинчаклар зебигар-  
донларини ялтиратиб, сочопуклари  
ёқимли зингиллаб, сутдай билакла-  
рини шимариб хизмат қилиб юри-  
шибди. Чўғда қизитилаётган чилди-  
манинг «дап-дап»и эшитилади. Қо-  
зоннarda шервоз қўзи шўрваси  
билқ-билқ қайнайди. Гулханлар ти-  
ли кўкка ўрлади. Арчада пиши-  
рилаётган тандиркабоннинг хушбўй  
ҳиди димоқларни қитиқлайди. Гул-  
милларга боғланган отлар ер деп-  
синиб, пишиқради. Бугун ҷорвадор-  
лар овулида Ўсар бобо невараси-  
нинг тўйи. Келини бияга миндириб,  
гулханлар атрофидан айлантиришиди.  
Кейин куёв уни отдан кўтариб олди.

Таомдан кейин кексалар ёстиқла-  
рига ёнбошлаб, оқ ўтов чийига сую-  
ниб ўтирган қора мўйловли, хушби-  
чим йигитга қарашди:

— Шоирди таътили кўшиқ бўла-  
ди. Икки овиз эшитайлик.

— Ҳа, юракларди чигилини бир  
ёзайлик.

Бахши ёнидаги дўмбираасини кў-

Шаҳарлар султони, кўнгилнинг гули,  
Ажойиб шаҳарда бўлдим, дўстлар-ай.  
Бахтиёр элизнинг пойтатҳ манзили,  
Гўзал Москвада бўлдим, дўстлар-ай.

Бир кўрган одамнинг очилар баҳри,  
Жамоли мисоли гулларнинг наҳри,  
Тинчликнинг қальаси, дўстликнинг шаҳри,  
Юлдузлар конида бўлдим, дўстлар-ай.

Завқланиб қарайди қуёш кетолмай,  
Булутлар айланаб юрар ўтолмай,  
Ўз нурин тўшабди келиб ҳатто ой,  
Табиат жонида бўлдим, дўстлар-ай.

Олтинми, дарёми жим-жимлаб оқар,  
Бинолар тоғларни тумордай тақар,  
Ҳавоси дардларга доридай ёқар,  
Юрак давосини кўрдим, дўстлар-ай.

лига олди. Тоғлар чуғурлаб сайрай  
бошлади. Чор атроф жим, сув қўй-  
гандек сокин...

Оқ ўтовнинг туйнуғи тортиб қў-  
йилган. Очиқ чиганакдан тоғларнинг  
оппоқ чўққилари, осмоннинг бир  
парчаси, ҷарақлаган юлдузлар мў-  
ралаб турибди. Ҳаво соғ, беғубор.  
Ўтовлар атрофида давра қурган қа-  
риялар, йигитлар, хотин-қизлар ҳам  
айтириб қуй тинглашар, чий ораси-  
дан кирган шабда маст бўлиб,  
чиганакдан сархуш чиқиб кетарди.  
Бу кўйларда бепоён яйловлар таро-  
вати, севишган юраклар ҳарорати,  
Кўкбулоқ тоғларидан эшилиб туша-  
ётган шалолалар куйи, Шакарбулоқ  
мавжлари мужассам. Бахши уч-тўрт  
терма билан тингловчилари ўзига  
ром қилиб, «дўмбира гурунгизни  
қизитиб олгач, удум бўйича: «Нима  
айтай!» термасини тингиллатиб, тинг-  
ловчиларга разм солиб турди.

— «Келиной!» «Келиной!» — Шу  
пайтгача қариялар ҳузурида одоб  
сақлаб турган ёшлар ўз ҳоҳишилари-  
ни айтишибди. Шўх, ҳаяжонли «Ке-  
линой» чолларга ҳам ёқиб, дилида-  
ги эски хотираларни ўйғотса-да, улар  
ёш-яланглар ёнида ўзларини  
сипо, вазмин тутишибди:

— «Малла савдогар» бўлсин, —  
деб эшитилар-эшитилмас товуш бер-  
ди чоллардан бирори.

Шу тоғларда, яйловларда туғи-  
либ, шу Ширинбулоқ, Консой бўй-  
ларида куйланган «Келиной»га ҳар  
бир қўйичибоннинг, бу яйловларда  
бия соқкан ҳар бир йигит-қизнинг  
хис-тўйғуси сингган. «Келиной» —  
уларнинг дил таржимони. Лекин  
бахши қариянинг сазасини синди-  
мади. «Малла савдогар»дан кейин  
«Келиной»га ўтди:

... ўн еттига қадам қўйгандир  
ёши.  
Билмадим, ким бўлар унинг  
сирдоши.  
Хуснига эгилар осмоннинг боши,  
Чанқовузни юлдуз чалди, ноа  
чалди.

Қариялар кўзларини юмиб, куй-  
кўшиқ оҳангода енгил чайқалиб  
ўтиришибди. Йигитлар юрагига туш-  
ган чўғдан кўзлари яшнаб кетган.  
Қизу келинларнинг ёноқлари лола-  
ранг, енглари учи билан лабларини  
беркитиб, кўзларини ҳаё билан ер-  
га тикишган. Тиззаларида невара-  
ларини эркалатиб ўтирган ўданали  
кампирлар хўрсинишиди. Дўмбира  
торларидан кенг яйловларда елдай  
учиб бораётган бедовлар түёғининг  
дукури эшитилади, юракларни лар-  
зага солади. Бедовлар шамолда  
ёйилган ёлларида момоларнинг ке-

линчаклик хотираларини олиб ке-  
ладилар...

Аёллар ўтовида кичик невараси  
Дилбарни олиб ўтирган Норхол  
момо уни келини Моҳарпага берди.  
Бўйини чўзуб, чий орасидан оқ  
ўтовга қулоқ тутди. Юраги фурур-  
дан тўлқинланди: «Абдулқодирим  
худди Турди бобоси, Ражаб, Ҳазрат-  
қул тоғаларида етилибди. Товуши  
ҳам меъёрига етган. Тингловчини  
мағфут этиб, кулоғини дўмбира  
«михлаб» қўйгани — бахшининг  
етилгани». Норхол момонинг кўз  
олидан гўзл овули, ота ва акала-  
ри минг бедовлар саф тортиб,  
тўёқларидан ўт чақнаб ўтди. Момо  
энасининг гапларини эслади: «Оқ-  
бош тоғдан бир йигит саксон сер-  
кани Гузор бозорида сотиб, пулига  
Шаҳрисабз Чорсусидан бир дўмбира  
олиб келган. У ҳар куни қир-  
ларга сурув ҳайдаб, дўмбираасини  
чертib ўтирап экан. Бир куни тоғ  
этагидан катта карвон ўтиб қолибди.  
Куй оҳангига сархуш бўлган туялар  
аввал секинлашибди, сўнг тўхташиб-  
ди. Карвонбоши шунча бақириб-  
чақирса ҳам, урса ҳам тяялар куй  
тиммагунча жойидан жилмапти. Бу  
балки афсонадир, балки ҳақиқатдир,  
лекин ўша дўмбирачи Тўдачорбоқ-  
нинг биринчи ошиқ-бахшиси, се-  
нинг отагн — Турди бахшидир». Афсона  
эмас, ҳақиқат экан бу. Менинг Абдулқодирим ҳам, наиси  
этса, машҳур бобосига тенглашиб,  
сеҳргар бўлиб қолибди».

Шакарбулоқдек оқиб келаётган  
куй сехри, бахшининг ширави ово-  
зи Ўрта Осиёнинг не-не улуғ, чечан  
бахшилари даврасини кўрган маш-  
ҳур Ражаб шоирдек одамни ҳам  
қойил қолдириди:

— Яша. Қадимги бахшиларимиз  
барҳаёт экан.

Ўзи тутдан, усти ва чаноғи сариқ  
толдан ясалган, икки қулоқ, икки тор,  
бир банду бир ҳарракли бу  
оддий пардаси дўмбираининг уч-  
та тешигидан шунча куй-нағма, кул-  
ги, гоҳ йиғи, шалолалар шовқини,  
отлар дупури, гоҳ биялар бўзлаши  
янграб, тингловчиларни сел қиласди.

— Ёпрай-а, — деб юборди  
кўзлари ёшланган Ҳазратқул бо-  
бо. — Бу дўмбираининг тори менинг  
ҳу, Кенсойдан сел келган йили сў-  
йилган ёш қўзимининг ичагидан қи-  
линган. Тоза, зўр, қўнғироқдай  
овозидан танидим-ов...

Деҳқонободнинг Консой соҳили-  
даги Хўжамаҳмуд овулида туғилган  
Абдулқодир кўз очиб отасини кўр-  
мади. Отаси Абдураҳим урушга  
кетган эди. Тўдачорбоқли машҳур  
бахшилар — бобоси Турди шоир,

тоғалари — Ражаб шоир, Ҳазратқул  
бахшилар тарбиясида ўси. Гўдак-  
лигиде машҳур оқинларнинг то-  
нготар давом этадиган айтишув-  
ларидан баҳраманд бўлиб, юрагида  
куй-кўшиқ меҳри ўйғонди. Буни  
сезган бобоси Турди шоир невара-  
сини шу тариқа бахшилик сирлари-  
дан огоҳ қиласди. Абдулқодирнинг  
камолига тоғаси Ражаб шоирнинг  
ҳам анча меҳнати сингди. Ўнга, ай-  
ниқса, жиянининг ёқимли, ширадор  
овози, дўмбираини ҳолатларга қараб  
гоҳ шўх, гоҳ маъюс, гоҳ шиддатли,  
гоҳ секин чеरтиши маъқул тушди:

— Абдулқодир ҳар бир сўз, куй-  
ни юрагидан ўтказди. Юрдан ўт-  
ган сўз ҳеч кимни бефарқ қол-  
дирмайди. Абдулқодир — қўймақу-  
лоқ. Бир эшитганини дарров ёдлаб  
олиб, унинг ёнига ўзи қўшиб юбо-  
ра олувчи бахши.

Ёш Кодир бобоси ва тоғаларидан  
«Олтинқобоқ», «Қундуз ва Сундуз»,  
«Болхувон», «Соҳибқирон ва Соҳиб-  
жамол», «Алномиши» достонларини  
ўрганди. Ўттиз минг мисрага яқин  
терма ва топишмоқларни билади.  
«Ҳасан кўлбарнинг уйланиши», «Ҷи-  
зи билан Зебо», «Вомик ва Узро»,  
«Юсуф ва Зулайҳо», «Бева Барчин»  
достонларини ўз усули, йўли билан  
куйлайди. Кодир бахши катта даврага  
кирган ширға ўтишиб экан. Бир гурунга  
тўхтовсиз ўн икки соат дўмбира  
чертib, куйлаб, деновлик Тошмурод  
шоир, Ўрта Осиёга машҳур Шерна-  
нинг дондор шогирди Марданқул  
бахши билан «беллашиб», улардан  
даврани ўзига ағдариб олди. Шун-  
дан кейин Самарқанд, Панжикент,  
Қўрғонтепаю Кўлоб, Туркманистон-  
нинг Амударё бўйларидаги ўзбек  
овулларида машҳур бўлиб кетди.

Кодир бахши достонлари ва тер-  
маларида ўзининг юрагига яқин,  
ғам-ташиши ва қувончларига шерик  
оддий одамларнинг юрак товланиш-  
лари мавжланиб турди.

Кодир бахши Раҳим ўғли ҳалқ  
бахшиларининг I ва II республика  
анжуманлари совинорди, ҳалқ  
ижодкорларининг Москвада, Чайко-  
вский номидаги концерт залида  
ўтказилган. Ҳалқаро VII конгресси  
лауреатидир. Париждаги Ҳалқаро VIII  
конкурс иштирокчилари рўйхата  
ҳам киритилган. У айниқса ҳалқ  
достонларини ижро этганда «ипак-  
дай эшилиб» кетади. Кодир бахши  
катта бир кўпприк бўлиб, ҳалқимиз-  
нинг улкан адабий меросини янги  
замонларга, янги авлодларга етка-  
зида эзгу ҳиссасини кўшмоқда.  
Шу сабабли у яқинда СССР Ёзув-  
чилар союзи аъзолигига қабул қи-  
линди — қаламкашлар сафига дўм-  
бираши билан кирди.

... Тоғлар боши оқариб, тонг от-  
моқда. Бахши гурунгидан қониқан  
қўйичиблар отларига миниб, су-  
рувларини «ҳайт-ҳайтлақ», қирларга  
ўрлаб кетишаётир. Ўн беш кунлик  
ойдай келинчаклар дош қозонларда  
сут шопиришаётир. Барчанин куло-  
ғи остида ҳали ҳам бахшининг қў-  
шиғи янграётгандек туюлади.

## ҚОДИР бахши РАҲИМ ўғли

### Москвада бўлдим, дўстлар-ай!

Бир пештоқ яралган битта баҳордан,  
Оlamга нур сочар шому саҳардан,  
Соати олтиндан, ери гавҳардан  
Она Кремли кўрдим, дўстлар-ай.

Дўстлик мармаридан экан макони,  
Бутун инсонларнинг юраги-жони,  
Улуғ Октябрнинг азиз жаҳони,  
Донишманд Ленинни кўрдим, дўстлар-ай.

Ишонгинг келмайди одам қўлидан —  
Бино бўларканни шундайин макон,  
Дуру жавоҳирлар нур сочар ҳар ён,  
Бир боғу бўстонни кўрдим, дўстлар-ай.

Юксак биноларга ҳайрон қоласан,  
Чиколсанг, юлдузни териб оласан,  
Еки оймомани ушлаб минасан,  
Бино ҳулкарини кўрдим, дўстлар-ай.

Кўзлар беихтиёр ҳар ён қарайди,  
Дарёлар сочларин ювиб тарайди,  
Шамоллар кўчасин ўлиб ялайди,  
Гўзллар шоҳини кўрдим, дўстлар-ай.

Улуғ партиямиз сўнмас макони,  
Бутун шаҳарларнинг таянчи, шони,  
Сен билан шод бу кун Қодирнинг жони  
Бахтлар чироғини кўрдим, дўстлар-ай.



Алијон ЙУЛДОШЕВ

## Висол

Тонгга қадар ёкимли шивир-шивир...  
Бўсалардан фунча лабда кўп озор.  
Тушуммайсан, тун кўйнида ажид сир,  
Киз қалбидай безовтадир бедазор.  
Хумор-хумор термулади ҳув, ҳилол,  
Хумор-хумор нафас олар йигит-қиз.  
Милтири-милтири юлдузларда бир савол:  
— Бизларга ҳам ҳароратдан берингиз?  
Дукир-дукир безовта икки юрак,  
Ошиқ қалбда ўзга бир шавқ уйғонар.  
Бедазорда бир бедана жонсарак,  
Ой нурида нозик ниҳол тўлғонар.  
Тонг отдию кетди бирдан бўзариб,  
Гуноҳкор деб у ўзини қилди ҳис.  
Йигит туар озроққина қизариб,  
Кетиб борар юрагини олиб қиз.

## Айт, дилдор

Мажнунтўл хомуш, лол,  
Қалб сирин дарёга айтади.  
Дарёда қизик ҳол,  
Келади, келади-қайтади.  
Мажнунтўл менга ўхшайди,  
Шўх дарё сенга ўхшайди.  
Ой нурин ҳўп тўплаб,  
Булутнинг бағрига сочади.  
Булут ҳеч очмас қалб,  
Оҳиста сирғалиб қочади.  
Ҳайрон ой менга ўхшайди,  
Оқ булут сенга ўхшайди.  
Булбул зор куйлади,  
Тугамас оҳ-нола.  
Гул ночор ўйлади:  
«Бўлма дер овора».  
Шу булбул менга ўхшайди,  
Тоза гул сенга ўхшайди.  
Мажнунтўл дарёга,  
Ой нури булатга  
ёпишди,  
Тонг чоги булбул, гул, воажаб,  
топишди.  
Биз қачон, айт дилдор?

\* \* \*

Оҳ чекма, илтимос,  
Ёшгина жонсан.  
Наҳотки, севинч оз,  
Завк-шавқдан тонсанг?!  
Оҳ чексанг юлдузлар,  
Тўклилар бир-бир.  
Бечора сой бўзлар,  
Фалак титрар зир.  
Қўёшининг тинчи ҳам,  
Эҳтимол, бузилар.  
Япроқнинг банди ҳам  
Чирт-чирт узилар.

Оҳ чексанг, ҳув чашма  
Оқади йиғлаб.  
Тўлади фам-ғашга  
Дунё деган қалб.  
Тоғдаги харсангтош,  
Дард бўлиб қотади.  
Тугайди чўнг бардош,  
Ой гариф ботади.  
Оҳ чекма, малагим,  
Бир қарашиб етади.  
Оҳ чексанг, юрагим —  
Узилиб кетади.



## Бувижон

(ЎҒЛИМ УМИДНИНГ ШЕБРИ)

Дунё ташвишини тортдингиз бешак,  
Қора соchlарингиз бўлди қордай оқ.  
Нурли шафақлардан топиб сиз дарак,  
Октябрь бахт берди, баҳтингиз порлоқ.

Ўтмишдан сўз очса,  
тengдошларингиз,  
Фамгин ўйларингиз қоқади қанот.  
Чилпарчин бўлади бардошларингиз,  
Дейсиз: «Охиз эди аёл деган зот.  
Кўксимиз тиларди ҳисобсиз армон».

Сизни эъзозлайди баҳтиёр ўлка,  
Күёшни кўксиди тутгандай само.  
Сиз ахир, баҳтларни кўтариб қўлга  
Баҳтиёр ёшларга бўлдингиз момо.  
Ёвуз ниятларга кўксингиз қалкон —  
Эди-да, ҳар доим эсланг, бувижон  
Фунча дудоғида ўйнаса қўёш,  
Боғда гуллаганда ўрик, шафтоли,  
Мунис кўзингизда кўрдим севинч, ёш,  
Дейсиз: «Фарзандларим нурли иқболи».  
Дилингиз очилар мисоли осмон,  
Сиз беҳад хурсандсиз бу кун, бувижон,

Сиз билан, билсангиз, биздаги ғурур,  
Бахту иқбол учун сиз бор, хайрият.  
Сиз севган ўлкада ўйнар минг хил нур,  
Гулгун чеҳраларда эзгу бир ният;

Сиз билан шукуҳли жумлаи жаҳон,  
Минг йил умр кўринг деймиз, бувижон.

# МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ ШАЙДОСИ

Шарқ ҳалқларининг мероси бўлмиш қадимги қўлламалар саҳифаларига зийнат беришда қўлланилган нафис расм санъати ўзининг юксак бадий хусусиятлари билан алоҳида ажрабли туради. Маълумки, миниатюра санъати асосан IX—X асрларда жанр сифатида шаклланди. Кейинчалик эса, негадир бу жанрга ёткизб олди.

Шаклан миллик, мазмунан социалистик ўзбек совет тасвирли санъатининг ҳозирги тараққиёт босқичида ўтмиш мусаввирлар бадий меросидан ижодий фойдаланиш — уларнинг анъаналарини давом эттиришга бўлган қизиқиш кучайди. Бу, рассомлар ижодида, хусусан, Уста Мўмин график асарларида, Искандар Икромов китоб безакларида ва Чингиз Аҳмаровнинг деворларга чизилган панноларида миниатюра расм санъати анъаналарининг давом эттирилганини кўрамиз. Бироқ бу мўйқалам усталирининг кўпчилиги миниатюра рассомларининг фақатигина услубини ўзлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Кейнинг йилларда миниатюра санъатининг бадий воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласётган иске таъдодли рассомлар ижод майдонига кириб келдилар. Улардан бири Шомаҳмуд Муҳаммаджоновdir. Бу ўтмиш рассом миниатюра санъатининг ижодийлиб кетган технологиясини тик-

лаш ва ўтмиш мусаввирлари энг яхши анъаналарини давом эттиришга киришди. Эътироф қилиш керакки, айни қадими санъат технологиясини қайта тиклаш жараённида ўтмиш ижоди-кор кўпгина қўйинчилкларга дуч келди, лекин ижодий меҳнат бекор кетмади, ниҳоят, кўзланган мақсадга эриши: ўтмиш мусаввирлари яратган ранглар унинг мўйқаламида янгича жило топди...

Шомаҳмуд ёшлигиданоқ рассомларга қизиқди. Унинг ilk ижодий изланишлар маҳсул — «Ғазал» асари 1966 йили «Гулхан» журналида зълон қилинди. Кейин ҳаваскор расом ўз орзуларини амалга ошириш мақсадида Тошкентдаги П. Бенков номли республика бадий билим юртига ўқишига кирди. Жаҳонга машҳур рассомлар ва Шарқнинг ўтмиш мўйқалам усталари ижодини пухта ўрганди, уларнинг асарларидағи нозик жиҳатларини танқидий ўзлаштириди. Шомаҳмуддинг ижодий изланишларида айниқса озарбойжонлик олим, профессор Одил Қозиевнинг ўтмиш мусаввирлари ижодий ташрибалари баён қилинган «Ўрта аср қўлламаларининг бадий-техник материаллари» китоби айниқса катта ёрдам берди.

Ўтмиш мусаввирларининг мўйқаламлари, қоғозлари, бўёқлари ўзига хос эди, яъни миниатюра санъати

нозик ифодаларини тасвирлай оладиган даражада мукаммал эди. Шомаҳмуд араб ва форс тилини ўрганди, қадими китобларни мутолаа қилди, мўйқалам, қоғоз, бўёқ тайёрлаш усулларини билиб олди. Натижада иши юриши. Тўғри, у дастлаб анъанавий мавзуларни классик миниатюра услубида очиб бериши интилди. Жумладан, улуғ шоир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари асосида темирчи Кованинг қўзғолонга бошчилик қилиш воқеасини тасвирга тортди. Бу миниатюрада ўтмиш рассом оригинал талқинга эришгани дикқатга лойиқиди.

Дарҳақиқат, Шомаҳмуд изланувчан ижодкор. Шунинг учун ҳам унинг мўйқаламига мансуб икки миниатюра Прага шаҳрида 1972 йили бўлиб ўтган ўтмиш рассомлар асарлари халқаро кўргазмасида биринчи даржални дипломга муносиб кўрилди. Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирйининг «Мехробдан чайни романи асосида ишлаган ўнта миниатюраси Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музеида сақланмоқда.

Шу йил май ойида Шарқшунослик институтида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Рассомлар союзи ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик институти биргаликда ўюнтирган, улуғ рассом Камолиддин Беҳзод түғилганига 525 йил тўлишига бағишиланган кўргазмада Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ҳам ўтмиш асарлари билан иштирок этди. Унинг асарлари жамоатчилик ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Албатта, бир ўтмиш рассомнинг муваффақиятлари тўғрисида мулоҳаза юрита туриб, унинг тенгкўрларини, авлодини унтишиб қўймаслик керак. Чунонча, бу ўринда миниатюра санъатига қизиқиб, унинг анъаналарини ўзлаштиришга ҳаракат қиласётган бир гурӯҳ китоб безовчи рассомлар ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг ижодий ютуқлари, шубҳасиз, бор. Лекин

миниатюра санъати хусусиятларини яхши билмаслик оқибатида айрим ўтмиш рассомларнинг машқлари муваффақиятсиз — бачканчи қиқомоқда, ҳатто карикатурага ўхшаб қолмоқда. Алишер Навоийнинг Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп қилинган «Ҳайратул аброр» ва «Лайли ва Мажнун» достонлари насрый нашрларига, Дурбекнинг рус тилига таржима қилинган «Юсуф ва Зулайҳо» достони нашрига ишланган рассомларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ахир, Алишер Навоий асарлари нашрларини безашнинг ажойиб на-муналарини марҳум Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов яратиб берган эди-ку! Ёш рассомларнинг Искандар Икромов ижодий тажрибасидан фойдаланмайтганлари, унинг муваффақиятларини бойитмайтганларни афсусланерлидир. Бу мисол, назаримда, Чингиз Аҳмаровнинг бадий билим юртларида миниатюра расм санъати бўйича алоҳида курслар ташкил қилиш тўғрисидаги ташбусини қўллаб-куватлаш кераклиги кўрсатади.

Асоси ижодий методи социалистик реализм бўлган совет тасвирий санъати услубий ранг-барангликка хосдир. Зоро, миниатюра санъатининг қайта тикланиши ўзбек совет тасвирий санъатидаги услубий изланишларга кенг имконият яратиб берниши табиийидир.

Бинобарин, ўтмиш миниатюрачиларни изланишларни, шу жумладан, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ҳам буюк санъаткор Камолиддин Беҳзод, унинг шоғирлари Қосим Али, Дўст Муҳаммад, Мирон Накош, Маҳмуд Музаҳиблар меросини чуқур ўрганиши, уларнинг анъанасини давом эттириши, давримизнинг етук рассомлари Искандар Икромов, Чингиз Аҳмаровларга муносиб шоғирд бўлиш учун тинмай ижодий изланиши зарур.

**Абдумажид МАДРАИМОВ,**  
санъатшунослик кандидати

# ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҚИЁФАСИ

Серкүёш Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкент жумлай жаҳонга «дўстлик ва биродарлик шаҳри» номи билан донг таратган маълум ва машҳур шаҳардир. Кейинги ўн йилликлар мобайнинда унинг қиёфаси тамомила ўзгариб, янгиланиб, ўзига хос шаҳарсозлик лабораторияси сифатида ҳам дунё элларининг оғзига тушди.

Бу ерда бирин-кетин ўтказилаётган ҳалқаро анжуманлар, Бутуниттифоқ миқёсидаги йигинлар, мамлакатимиз ва Шарқу Farb туристларининг тинимисиз оқими Тошкентнинг бетакорор жозибаси туфайлидир.

Ҳа, пойтахтимизнинг улуғвор ҳамда гўзал жамоли кун сайин, ой сайин, йил сайин янги чирой очиб,

социалистик шаҳарга хос суръатлар билан ўсиб, ривожланиб, камол топ бормоқда.

Айни вақтда Тошкент қадимий тарихий шаҳар ҳамдир. Ҳадемай биз унинг икки минг йиллигини кенг нишонлаймиз. Чиндан ҳам у ўзининг ўтга асрга ва кейинги феодал даврларига хос меъморлик обидалари, қадимий ядросини сақлаб қолган планировкаси, ҳалқ амалий санъатининг бизгача этиб келмиш ноёб на муналар билан диққатга сазовор шаҳардир.

Одамлар қадим-қадим замонларда бу жойларни ўзларига макон қилиб ташланганлар. Бундай дастлабки манзиллар эрамиздан аввалги иккичи ва биринчи минг йилликларга мансубдир.

Тўртинчи ва бешинчи асрларда эса бу йирик деҳқончилик воҳаси — Шош ҳукмдорлари яшаб турган ўзига хос марказ бўлган. Тошкент териториясидаги бир тўп тепаликлар,

иilk ўрта асрларга хос феодал қўргонларининг қолдиқлари шундан далолат беради. Шош ҳукмдорлари маркази Мингўрик шаҳристонида (ҳозирги Клара Цеткин кўчасида) ўринлашган эди.

Араблар воҳани босиб олганларидан кейин орадан юз йил ўтиб, Шош атрофлари янгидан ўзлаштирила бошланди. XI асрга келиб эса бу ерда йирик ўрта аср савдо-хунармандчилик шаҳри вужудга келди. Атрофлари кўргон деворлари билан ўралиб, арклари, шаҳристони (ҳозирги Эски Жўва ва Чорсу ўрнида) бозорлари, ҳунармандлар яшайдиган маъаллалари машҳур бўлган шаҳар XII асрда Хоразмшоҳ томонидан вайрон этилади. Кейинчалик мўгуллар истилоси даврида ундан ҳам вайронагарчиликка учрайди. Фақат орадан юз эллик йилча ўтгандан сўнгина Амир Темур даврида у қайта тикланиб, кўчманчилар ҳукумига дучор бўлиб турган ўлканинг чегарасида қальва шаҳар бўлиб қолади.

Темур ва темурийлар даврида шаҳар қиёфаси бирмунча ўзгаради. Ҳозиргача сақланниб келаётган Зангига ота ва Шайх-ан-тоҳур ансамблларидаги бир қатор мавзолейлар (Қалдиғорчобий, Юнусхон, Зангига ота, Амбарбиби мақбаралари), Чорсудаги Жомеъ масжиди шу давр меъморчилигининг маҳобатли намунаси-дир.

Темурийлар инқирозини тезлатиб, Тошкент воҳасида ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатган Шайбонийлар сулоласининг дастлабки ҳукмдорлари даврига келиб шаҳар нисбатан гуллаб-яшнади, унда бир қанча салобатли ва зийнатли бинолар қурилди. Масалан, XVI аср ўрталарида Регистон (Чорсу)да Кўкаaldoш мадрасаси, Бароқхон мадрасаси (унинг ичидаги Суюнчхон мақбараси бор), Ҳазрати имом ансамбли, Қаффол Шоший




Эски Тошкентда қовун бозори.

Беруний номидаги кўча жамоли.




Тошкент марказининг ичаги ва бугунги қиёфаси





Пойтахтимизнинг қадими иш ҳозирги қиёфаси.



мақбараси ва ҳоказолар бунёд этилди. Шаҳристон ва Арк атрофида, карвон йўлларига яқин жойларда аҳоли бирмунча зич яшаган маҳаллалар, шаҳардаги иккى қаватли кўргон деворлари айланасини кесиб ўтган кўчалар, шу кўргонлардан ташқаридан курилган чорбоғлар, роботлар, хонақоҳлар, кўшклар, дарбозалар шу даврга хос шаҳар қиёфасини белгилайди. Дарбозалардан ташқа-

рида эса муқаддас жойлар номи билан аталмиш қабристонлар бўлган.

Шаҳарни кесиб ўтган йўллар ва обод гузарлар маҳаллаларни бирбирига боғлаб турган худди шу даврда уй-жойлар ва хилма-хил иншоотларни зилизиладан ҳамда кескин қитъа иқлимига хос саратон жазирамасидан сақлаб қолиш имконини берувчи синч деворлар, ички-ташқи ҳовлилар, ойнаванд равон ва

айвонлар, ҳовлига олиб кирувчи йўлаклар қуриш кенг расм бўлди. Аксарияти яси лой томли туаржой кварталлари фонида йирик меъморлик обидалари ажиб улугвор бир манзара ҳосил қиласди.

Кейинги асрларда Тошкентда меъморчиликнинг яна бир қатор муҳташам намуналари (Камолон дарвоза ёнидаги Хўжа Аъламбардор мақбаси, Чўпонота ва Кўшни мозор (Чигатой қабристони), обидалари бунёд этилди.

Тошкент Россияя қўшиб олинганидан сўнг эса бу ерда тарихий таркиб топган феодал шаҳри ёнгинасида рус ва Европа шахарсозлиги анъаналари руҳида қурилган бинолар бирин-кетин пайдо бўла бошлади. Жумладан, рус амалдорлари учун алоҳида уйлар, банклар, дорижоналар, ҳарбий билим юртлари, гимназиялар, шаҳар думаси биноси ва бошқа идоралар, цирк, вокзал, меҳмонхоналар бунёд этилиб, ҳаммаси пишиқ ғиштдан қурилди. Шу тариқа «янги шаҳар» вужудга келди...

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган Тошкент меъморлик тарихининг асосий босқичлари қисқача ана шулардан иборат. Шу ўринда айтиш лозимки, Тошкентнинг тарихий қиёфасини белгиловчи мазкур меъморлик обидалана-

рини ҳанузгача ўрганилган, уларга муносиб баҳо берилган, деб бўлмайди. Узоқ ва яқин ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган, бу тарихий ва маданий ёдгорликлар эндиликда максус қонун билан муҳофаза этилиб, таъмирлаш ишлари кенг йўлга кўйилаётган бизнинг кунларимизда ҳар бир тарихий обидадини ўзига хос томонларини пухта тадқиқ ва тарғиб этиш бизнинг авлодлар олди-даги бурчимиздир.

Ҳозирги вақтда иккى минг йиллик тарихга эга бўлмиш қадими иш навқирон пойтахтимиз ўзининг муборак тўйига кенг ҳозирлик кўрмоқда, унда талай муҳташам замонавий иншоотлар, кварталлар, йўллар, боф ва майдонлар бунёд қилинмоқда. Айни вақтда бу замонавий шахар системасида меъморлик-этнографик қўриқхона зоналарини яратиш борасида тегишли тадбирлар кўрилмоқда, ўтмиш архитектурасининг қайтарилмас ёдгорликлари қайта тикланиб, ўзини кўз-кўз қилмоқда.

Нече-неча авлодлар яратиб кетган мазкур обидалар бизнинг давримизда янгиланиб, асл қиёфасига кириб, меросимизнинг маданий ёрқин қиралари бўлиб порламоқда.

**Лидия МАНЬКОВСКАЯ,**  
санъатшунослик кандидати

«Гулистон» журнали оталиғидаги «Гулистон» колхози Пискент райони хўжаликлари орасида биринчилардан бўлиб, 1981 йили давлатга пахта сотиш йиллик топшириклигини муддатидан анча барвақт адо этди ва ўз зиммасига яна қўшимча социалистик мажбурият олди. Шу муносабат билан хўжалик маъмурияти ўз аъзолари номидан «Гулистон» журнали редколлегиясига, унинг ижодий колективига ва кўпминг сонли мухлислирларга ғалаба рапорти йўллади:

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан руҳланган Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг азamat меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 64 йиллиги байрами арафасида пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олдин 14 иш кунида 3 октябрда 103 процент қилиб бажардилар. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олindi, жами 3300 тонналик хирмон бунёд этилди. Ҳосилнинг 94 проценти бункерлардан

## ҒАЛАБА РАПОРТИ

тўкилди, ҳар бир терим агрегатинг иш унуми 111 тоннани ташкил этди. «Тошкент технологияси»нинг амалдаги самаралари бизнинг хўжалигимиз тимсолида ҳам бекиёс бўлди. «Зангри» кемак капитанларидан Норбой Абдувалиев, Турдали Үразбоев, Муҳаммадолим Исакулов, Насим Ҳакимов, Саъдулла Деҳқоноловлар олдинги сафда бордилар.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари умумхалқ мусобақасига қўшилиб, 45—50 центнерчилар ҳаракатини

кенг авж олдирилар. Зафар маррасига биринчилар қаторида етиб келган Анорқул Умиркулов бригадаси ҳар гектар ердан 42 центнердан, Абдунаби Арслонов бригадаси 39 центнердан, Абдуғани Назаркулов ва Султон Эсиркепов бошлиқ бригадалар 36 центнердан пахта ҳосили кўтариб, колхознинг халқ хўжалик планини бажаришига катта ҳисса қўшидилар.


Салмоқли хирмон яратилишида муносиб ҳисса қўшган илфор кол-

хозчилар, сувчилар, механизаторларнинг номларини гурур билан тилга оламиз. Лафзи ҳалол дехқонларимиз даладаги ҳосил чўгини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 1270 тонна «оқ олтин» етказиб беришга, ялпи ҳиссилни 4500 тоннага, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45 центнерга етказишига қарор қилдилар.

Хўжалигимиз аъзолари келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин яратмоқдалар. Биз оталиғимиздаги «Гулистон» журнали редколлегияси, ижодий колективини ва кўпминг сонли журналхонларни ишонтириб айтамиши, «Гулистон» колхозининг меҳнатчилири ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йиллик планларини барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этадилар.

**Ислиддин ҲАЙДАРОВ,**  
колхоз правлениесининг раиси,  
**Абдуваҳоб МАФИҚОВ.**  
колхоз партия ташкилотининг секретари

# «ЯНГИ АСРИМИЗНИНГ ТОНГИ»НИ КУЙЛАБ



Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,  
филология фанлари доктори

Гап қирқ йиллик дўстим Рамз Бобожон ҳақида кетади. Ҳа, мен узоқ вақтдан бери шоир ва драматург, публицист ва таржимон, жамоат арбоби ва танқидчи ҳақида иккига оғиз ширин сўз айтиш, унинг хизматларини қайд этиш, ижодига ва фаолиятига иззат-хурматимни изҳор қилиш ниятида юрар эдим. Бу орзум Рамз Бобожоннинг 60 йиллик тўйи муносабати билан ушаладиган бўлиб туриди.

Ҳа, дўст-шоирга оид фикрларими жамоатчиликка айтмасдан ҳам бўладими? Лекин мен Рамз Бобожоннинг кўп асрлари қўллэзмасини биринчى бўлиб ўқиган ва эшитган танқидчи дўстлариданман. Шеър ва руబойларини, поэма ва комедияларини ҳаммадан олдин баҳолашим билан мамнунман. Айниқса, «Оби ҳаёт» поэмасининг яратилиш тарихи ҳали-ҳали эсимда. Шоир Переделконо ижод уйида бу поэмасини илҳом ва завқ-шавқ билан ёзи. У оппоқ қоғозга чироили қилиб битган ҳар бир мисра ва байтини, ҳар бир бандини зудлик билан ўқиб берарди. Мен эса, ўша ондәк танқидий мулоҳазаларимни айтардим. У маъқул фикрларими инобатга олар эди. «Оби ҳаёт»нинг туғилишида «доялик» қилганилигимдан хурсандман. Хурсандилигим шундаки, бу шоирнинг ижодий фарзанди баркамол, соғлом, бақувват бўлиб дунёга келди. Шу сабабдан ҳам у тезда элнинг назарига тушди, жаҳонга ҳам танилди. «Оби ҳаёт»нинг СССР давлат мукофоти билан тақдирланиши ҳам айни муддао эди. Рамз Бобожон бу асари билан ўз ижодида юқори поғонага кўтарилиб олди. Бу асар ўзбек совет поэзияси баркамол йўлдан кетаётганилигини, устодлар традицияси ишончли қўлларда эканлигини, улар ривожланиб бораётганилигини яққол исбот қиласди. «Ўзбек адабиётида, — деб ёзган эди Faafur Fulom мақолаларидан бирида, — нафбат кутиб турган азamat, наққирон, заҳматкаш ижодкор

бир бўғин ҳадемай ўрмондаги текис қарағайлардек элликка кириб боради. Булар — Ҳамид, Асқад, Мирмуҳсин, Рамз, Саид Аҳмад, Шукрулло, Туроб... Дарҳақиқат, мен бу иккинчи бўғин тўғрисида гап борса, қирқ азamat ўғилнинг отасидай ўзимда қалбим тўла ғурур сезаман».

Устод Faafur Fulom ўз шогирдларининг истеъодидини жуда тўғри белгилаган эди. У санаб ўтган санъаткорлар ҳозирги кунда адабиётимизнинг катта юкини ўз елкаларида дадил кўтариб келмоқдалар. Адабиётимизнинг кўрки ва фаҳри бўлиб қолган бу адиблар ўзларига хос услугуб ва мавзу билан, шакл ва приёмлар билан ўзбек совет адабиётини бойитмоқдалар, унинг шуҳратини мамлакатимиз, ҳатто жаҳон миқёсида ўймоқдалар. Қани энди Faafur Fulom ўз шогирдларининг кейинги ўн беш йил ичидаги ижодий ютуқларини кўрса эди, боши кўкка етган бўларди.

Устоз Faafur Fulomning Рамз Бобожон ҳақидаги илиқ сўзларини эшитганман. Айниқса, ёш талантнинг руబойлари устозга маъқул ва манзур эди. Рамз Бобожоннинг «Янги руబойлар» тўпламига унинг сўзбоши ёзиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу сўз боши Faafur Fulomning ўз шогирдига улкан меҳрибонлиги ва юксак муҳаббатининг рамзиидир. Яхшиси, устознинг ўша сўзларини келтирайлик: «Рамз Бобожон Шарқ адабиётининг традицион ихчам шеърий формаси бўлган руబойдан янгича фойдаланади, у ўз руబойларида давримиз ғояларини зўр руҳий кўтаринкилик билан тараннум этади, замонамига хос янги-янги образлар ишлатади». Катта-катта мазмунлар гавҳарини йиғиб, тўрт сатрага сидира олиш маҳоратини эгаллаб бораётган Рамз Бобожондан Faafur Fulom мамнун бўлган эди.

Энди «Оби ҳаёт» ҳақида. Бу поэманинг бизни мафтун қилган жиҳатлари нимада? Авваламбор, шоир ўз асарида муҳим ҳаётий масалани кўтарган. Сув танқислигини тугатиш, ўлкани сувга сероб қилиш ҳамманинг — партия Марказий Ко-

Табиат қалбига тутаман қулок,  
Тикилиб қоламан,  
кузларим мафтун...  
Үт сочар қутуриб,  
бидан ёнартоф,  
Денгиз түлкінләниб солади шовқин.  
Иккى күч түкнашар,  
икки паҳлавон,  
Атрофни түсатдан босар қоронғы...  
Ер-күк остин-устун,  
эпсиз ғалаён,  
Кандай оғат, бу??!  
Мен ёқа йиртгудай ҳайронман,  
хайрон,

Яна түполон,  
Яна қый-чув,  
яна...

Боқсан,  
қанот қоқар бургут беармон,  
Күтариб исен,  
Марду майдона...  
Бүрөнгө ўзини урар аямай!  
Осмонга буралар устундай қуюн...  
Қаноти учишга,  
балки, ярамай

Синади!..  
Кошкыйди, тугаса ўйин!  
Йүк!  
Яна бүш келмас,  
жон-жаҳди билан  
Талпинар,  
курашга ҳамон чанқоқдай!  
Бүрөн ҳамла қилса, вақт-вақти билан,  
у  
худди парвона,  
бүрөн чироқдай...  
Ўзини урарди яна беомон,

Рамз БОБОЖОН

# УЙҚУ ЧАЛИНМАСИН МЕХР КҮЗИГА

## БАЛЛАДА

Қаноти қовжираб,  
куйиб,  
 ёнса ҳам,  
 Қалбидан отилиб этироф, түфөн,  
 Ақлдан озгандай борлық тонса ҳам...  
 Эвох!  
 Ҳолдан тойди,  
 бургут бемажол,  
 Түлкіндан зарб еган пачоқ кемадай...  
 Тубсиз бүшликларга элтади хаёл,  
 Күнглимда ғашлик бор алланимадай!  
 Ўтиниб дейманки, ўзи нима гап!  
 Мен ҳам бир онадан,  
 бир томирдан-ку!  
 Наҳотки, күрганим туш каби бенаф,  
 Беҳуда, ёху!  
 Найлай!  
 Денгиз нотинч,  
 дengiz beармон...  
 Бари бир, тонгми ё оқшом,  
 Тоғу төш билмайди осойишталик,  
 Сарышталик!

Бургут-чи?  
Бургут  
Тамом-вассалом,  
Яңчилган вужуд!  
Аммо беармон...  
Лаҳза ўтар-ўтмас  
ииртилди никоб,  
Англадим,  
 пайқадам сиру асрорни:  
Бургут ётар эди ерда бешитоб,  
Эслатиб қулаган азим чинорни...  
Теварак тек қолди,  
 чўқди суқунат,  
Бир умр гердайган тоғлар эгди бош...  
Бир ажиб манзара рўй берди фоят,  
Ўжарликдан ўзин тийдио —  
 ёввош —  
Сув соҳилини ялаб-юлқиди...  
Забткор бўрон келди ўзига,  
Қушлар эса  
афсун ўқиди,  
Чўп суккудай кўрган кўзига!  
Қизлар сув тўлдириб олтин кўзага,  
Дарёдан қайтарди дам олмай,  
инмай...  
Элни чорлагандай худди азага  
Чайкалар учарди,  
 учарди тинмай...  
Денгиз бўса олди қоя тошидан,  
Ўйқудан уйғонди меҳру муҳаббат  
Шаббода кетмади бургут қошидан,  
Бўлгудай мадад!  
...Тилим қисиқ эмас,  
 дилим бегуноҳ,  
Тик қарай оламан дўстим юзига!  
Одамлар,  
одамлар, бўлингиз оғоҳ,  
Ўйқу чалинмасин меҳр кўзига!

тәнқидий руҳи юқоридаги «билим-донлар»га маъқул тушмади. Асарнинг асосий пафоси қурилиш соҳасидаги пала-партиш ишларга, сифатиз иморатларга қарши қаратилган. Асарда тәнқид қилинган қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Мехмонхўжаев — кейинги вактларда шошма-шошарлик билан планни бажариб, раҳбарларга яхши кўриниш йўлига ўтиб олган шахс. Воқеалар жараённида бу нарса янада ойдинлаши. Тўғри, Мехмонхўжаевнинг ижобий хусусиятлари ҳам бор: планни бажариш учун жон-жаҳди билан курашиши, иккинчидан эса, иморатларни қуришда пулни тежаб ишлатиши, давлатга өрзон тушишга уриниши таҳсинга лойиқ. Аммо буларнинг ҳаммаси сифатни барбод қилиш ҳисобига бўлади. Мехмонхўжаевнинг раҳбарлик принципи ҳай-баракаллачиллик, «ҳа, бўл»чиллик асосига қурилган. Унинг ачинарли ахволга тушиб қолишининг туб негизи ҳам мана шунда.

«Тоға-жиянлар» комедиясидаги мухим фазилат асарнинг ҳақиқий кули билан сугорилганлигидир. Бу кули қаҳрамонларнинг ташки қуриниши, ҳатти-ҳаракатлари орқали келиб чиқмасдан, асар мазмуни, ҳарак-

терларнинг моҳияти заминида пайдо бўлади ва кучаяди. Муаллиф кулиги ситуацийларни топа олган ва характерларнинг ёрқин қиёфаларини бера олган. Комедиянинг энг мухим томони шундаки, у нуқсонларни қоралаш билан бирга, уларга чек қўйиш ва уларни йўқотиш йўлларни бадиий воситалар билан асослаб беради. Асарнинг оптимистик руҳи ва фазилати ҳам мана шунда.

«Тоға-жиянлар» узоқ вақт академик театримизнинг саҳнасини безаган бўлса, санъаткорнинг кейинги асари «Зуҳранинг мактублари» эса ўзбек театрларидан ўтиб, Москвадаги «Ромэн» — лўйилар театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. «Зуҳранинг мактублари» — ўзбек совет драматургиясиининг Бутунтифоқ миқёсига олиб чиққан пухта асарлардан бири. Бу пьесада инсон учун, унинг тақдиди ва келажаги, онгидаги сарқитларга қарши кураш, янгича урф-одатларни ҳаётга олиб кириш каби масалаларнинг ифода этилиши, уларнинг янгича ҳал қилиниши томошабинларда катта қизиқиш ўйғотди. Муаллиф бу юяни очиш учун Ўзбекистондаги лўйилар ҳаётини олади. Асарга уларнинг аста-секин кўчманчиликдан, дарбадар кезишлардан

ўтрок турмушга, ижтимоий меҳнатга ўтиш жараёни кўрсатилади. Инсон учун, унинг юксак онги учун курашда Даръя, Ёвқоч каби лўйиларнинг характеристи кенг очиб берилади, уларнинг конфликтдаги фаолияти яққол намоён бўлади.

Юқоридаги икки асар ҳамда «Инсу жинса каби пъесалари билан Рамз Бобожон етук ва истеъододли драматург сифатида адабиёт майдонига чиқди ва драматургиямизнинг ривожига ўзининг салмоқли хиссасини кўшиди.

Рамз Бобожоннинг яна бир фазилати шундаки, у ижодни, ташкилий ишларни маҳорат билан қўшиб олб бормоқда. Ижод ташкилотчилик қобилиятини ҷархлашга, ташкилотчилиги ижодини боййтишга ёрдам берди. У деярли 35 йилдан бери Ўзбекистон Їзувлчилар союзининг секретариат аъзоси, унинг раҳбарларидан бири бўлиб ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. Унинг «Ленин учқуни» газетаси бош редактори, «Совет Ўзбекистони» газетаси бўлим мудири, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори бўлиб ишлаганлигини мамнуният билан эслаб ўтиши истардик.

Рамз Бобожон қаерда, қайси ва-

зифада бўлмасин, ҳамиша ўз касбига ва лавозимига сидқидиллик билан қаради, ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш учун куч ва файратини аямади. Шу сабабдан ҳам унинг номи фақат Ўзбекистонда эмас, балки мамлакатимиз миқёсида ҳам машҳур ва маълумдир. Н. Грибачёв, В. Кожевников, Н. Ҳазрий каби кўпгина йирик адабиаримиз ва тәнқидчиларимиз унинг тўғрисида ҳаяжонланиб, завқланаб ёзадилар ва гапирадилар.

Рамз Бобожон ўзининг эзгу ниятига чиройли бадий либос бичиб, бундай кўйлайди: Шеърим.  
Дарё бўлиб оқ!  
Коммунизм bogларига боқ.  
янги асrimизнинг тонги отар пайт янги авлодларга саломимни айт!  
Саломимни айт!

Ҳа, у 45 йилдан бери китобхонларга поэтик дил сўзларини айтib кельмоқда. Ўзини «синаб кўриб тақорор ва тақорор», комил ишонч билан чўққи сари» юрмоқда. Дўстимиз, биродаримиз, талантли шоиримиз, мөхир драматургимиз, фаол жамоат арбобимиз улуғвор йўлда оғишмай, ҳамиша олдинлаб борсин, ҳеч қачон ҳоримасин!

ага бостириб кирган оқ танили бос-қинчиларга узоқ йиплар давомида қаттиқ қаршилик кўрсатган ва ниҳоят 1890 йили бениҳоя кўп қурбонлар бериб, бутунлай таслим бўлган эди.

### ЖАЗОЛАНГАН ТАВАККАЛЧИ

Нью-йорклик 35 яшар спортчи Жон Карта парашют билан ўзини самолётдан ташлаб, 110 қаватли осмонўпар бинонинг кузатув майдон-часига қўнди. Кўп ўтмасдан полициячилар ва журналистлар уни ўраб олдилар ва «Бундай ҳаффли таваккалчиллик сизга нима учун зарур бўлиб қолди?», деб сўрадилар. Жон Карта уларга: «Фақат спорт манфа-

ати учун қилдим бу ишни», деб жавоб берди. У шуҳрат қозониш учун шундай таваккалчилликка бордими ёки ўз ҳаётига қадс этганимди — буни бошқалардан яшири. Ҳар қалай, унинг жавоби тартиб сақловчиларни қаноатлантиримади. Полиция бу таваккалчиликини ном чиқариш учун қилинган лўттибозлик деб топди ва Жон Картани қамоқча олди.

### СИРЛИ ҚИШЛОҚ

Ҳиндистоннинг Ассам штатидаги Жатинга қишлоғидаги қушларнинг ҳатти-ҳаракати аҳолини ҳайратга солаёттир. Гап шундаки, ҳар йили августан ойидан октябргача туманини коронғи кечаларда юзлаб қушлар


атрофдаги ўрмонларда ўз уяларидан қишлоқ сари учадилар. Улар Жатинга қишлоғидаги дуч келган ёруғлика ўзларини урадилару ҳало бўладилар. Маҳаллий аҳолининг гуваҳлик беришича, бу воқеа тахминан ярим асрдан бери давом этиб келаркан.

Ҳиндистонлик орнитолог мутахасислар Жатинга қишлоғининг сирини билишга киришдилар.

### «БАРМОҚХЎР» ЧУРТАНБАЛИҚ


Тўрт яшар боланинг бинойидек балиқ тутганини эшитганимисиз! Яна бунинг устига оддийгина кўл билан чуртандалиқ тутиб олганини айтмайсизми!..

Воқеа Вологда шаҳри яқинидаги Куркино посёлкасида бўлиб ўтди. Тўрт яшар Костя Шавиннинг онаси кўл қирғогида кир юваетган эди. Костя кўпприка устида ўтириб сув юзида қалқиб юрган майдай чигноқлардан териб оларди. Бола ногаҳон чинкириб юборди, қўлини сувдан чиқириб йиглашга тушди. Онаси этиб келганида Костянинг ёнгини насида билакдек чуртандалиқ билтанглаб ётарди. Чамаси, шўринг курғур балиқ Костянинг бармогини чувалчанг деб тишлаган-у, «ўлжасини», ўз вақтида қўйиб юбормаган. Қарангки, нағси ёмон чуртандалиқнинг ўзи ўша куни Костялар хонадонида лўқма бўлди.



Тошнент технологияси — муваффақият гарови. (Бўна райони далалари.)

Илгор механизатор Турсун Холиқов.  
(Гиждувон район  
Карл Маркс колхози)





Бригада бошлиғи Алишер Кўчаров ва механизатор Хўжам Фозилов. (Сирдарё район «Сирдарё» совхози).



Тер тўниб етиштирилган «оқ олтин»нинг бир грамми ҳам ерда ўлмайди,  
дэйди Урта Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг илгор  
теримчиси Замира Мамадалиева.

Хар бирни 14—15 тоннадан дурдана терган Рабо-  
хон Усмонова ва Адолат Дусткуновалар Поп  
районидаги «Коммунизм» колхози хирмонига  
муносиб хисса кўшилар.



Оңқўргон районидаги «Партия XXII съезды» кол-  
хозининг илгор механизатори Бакир Алихонов.

Ж. ТУРАЕВ ва Н. ШАРИПОВ фотолари.

# МҰДЫРЫЗА

ХИКОЯ

Е

ҚУБ Тешаевичнинг чақириганини эшитиб, Толибжоннинг негадир энсаси қотган зди. У залворли эшикни истар-истамас очиб:

— Мүмкінми? — деди.

— Э-э, келинг, Толибжон!.. Үтилинг, Толибжон, — деди Әкуб Тешаевич жой күрсатиб.— Гап бор...

«Үзининг бирор илтимоси бўлса керак,— деб ўлади Толибжон унинг қорачиклари тубидаги меҳринисорликни илғаб.— Вакт зиқ пайтда дилкашлиқ қилиб ўтирамай, шартта гапини айтса-кўйса-да! Бари бир...» Агар шу тобда унинг ўн йил аввали шахди бўлса: «Муддоңгизни айтаверинг!», дерди. Ўн йил аввал Толибжон ўзини зартаклар оламида хис этарди. Әкуб Тешаевич билан ҳам ўшанда учрашганди. Бундан ўн йил олдин иш сўраб келганида раҳматли Шоди Маҳмуд уни шу одамга рўпара қилиб: «Әкубжон, ўзинг бир чиғриқдан ўтказиб кўр-чи!», деган зди. Толибжон эса тап тортмай: «Имтиҳон мәъносидами, домла?», деб сўраган зди.

— Ҳа, имтиҳон мәъносидами? — деган зди Шоди Маҳмуд.

— Бу киши Әкуб Тешаевмилар?

— Ҳа!

— Мен сизга имтиҳон топширмоқчи эдим, дома.

— Менга-а? Нима учун шахсан менга экан?

— Мен бу кишининг журналда босилиб чиқкан «Маросим кўшиклири» мақоласини ўқидим. Унда тўй кўшиклири билан аза кўшиклири араваштириб юборилгани менга ёқмади.

Уларнинг бир зум кўз уриштириб, енгилгина бош ирганлари ҳануз Толибжоннинг ёдиди.

— Шоди ака, сиз шу йигитни ишга олинг.

— Сен шошилма!.. Ҳўш, укам, мақоланинг нимаси сизга ёқмади?

Толибжон бир оз тутилиб, ўз фикрларини айтди.

— Каерликсан?

— Самарқандлик.

— Каерда ишлайсан?

— Ўқиши энди битираман.

— Бўпти, ишга қабул қилиндинг.

Отинг ким зди?.. Әкубжон, ўзинг қарашиб юбор: Толибжон шу бугундан қолдирмай, ҳужжатларини расмийлаштирасин. Талабгорлар эртадан кўпайиб кетади.

Толибжон ўша қисқа савол-жавоб ҷоғидәк Әкуб Тешаевични ёқтириб қолганини ва кейинчалик унинг ажойиб одам, кучли олим эканлигига зоҳирлан иқор бўлганини эслар экан, ўн йил бурунги Толибжон юрагининг теран бир ерида кулала бўлиб ётганини ҳам идрок этиб, беихтиёр муросасозлик билан фикрини давом эттири: «Бари бир қиласман-ку айтганини. Яхши кўришими ҳам билади. Бунинг устига...»

— Келиннинг соғлиғи яхшими?

— Раҳмат,— деб ажабланди Толибжон: «Дарров қаёқдан эшишибди?» Лекин Әкуб Тешаевич эшиштамаган экан:

— Болалар қишлоқдами? — деб сўради.

— Йўқ, кампир, ҳовлининг эгаси қараб ўтириби.

— Келин-чи, келин қаерда?

— Э-э,— деди Толибжон жилмайиб.— Туғруқхонада. Яна...

— Ий-э, нега суюнчиламайсиз?!

Әкуб Тешаевич сиртдан ўзини жуда қувонгандек қилиб кўрсататган бўлса ҳам амалга ошироқчи бўлган режасига тугун тушганини фаҳмлаб, ичидан зил кетган зди. Аммо сир бермай:

— Яна ўғилми? — деб сўради.

— Йўқ, қиз,— деди Толибжон бепарво.

Бирдан Әкуб Тешаевичнинг қизи кўз ўнгидаги хомуш гавдаланди, кейин хотинининг эрталаб зорланиб қақшаганини ўдига тушди, юраги зирқираб кетди.

— О-о, қиз, боланинг тарбияси оғир, ташвиши ундан баттар экан, Толибжон! — деб дардчил бош чайқади у.— Ишқилиб, умрлари узоқ бўлсин.

— Раҳмат, Әкуб ака.

— Учта бўлдими энди?

Толибжон боягидек гуноҳкорона кулемисираб:

— Йўқ, тўртта,— деди.

— Ўх-ҳў, қаҳрамонликни кўзлаб-сизлар-да?

— Ҳа, энди...

«Эси жойидами бунинг?! Сичқон сиғмас инига...» Әкуб Тешаевич ўтган иши унинг ижарононисига жуда асқотиб қолган китобни сўраб борганини эслаб, беихтиёр димогида ачиған қатиқ аралаш рутубат исини туйгандек бурнини жийирди.— Қандай қилиб айтсан экан? Ахир...»

— Ҳалиям ўша уйда яшаяпсизларми, Толибжон?

— Ёзда ҳажи-да, у ер. Бори бор, кичкина ҳовузчасиям бор. Кампир ҳам меҳрибон бизга,— деди у.

— Кампирнинг бола-чақаси бор-а?

— Ҳа,— деди Толибжон дилида кампирга ачиниш ҳиссини туйиб.— Ҳаммаси ўйли-жойли бўлиб кетган. Фақат баъзан неваралари келиб турди.

— Демак, сиз ёзда ҳам болаларни қишлоққа жўнатмайсиз-да? — деди Әкуб Тешаевич тубанлаштаётганини ўлаб, лабларини қимтиди.

Толибжон эса унинг ажабтовур саволидан таажжуబаниб:

— Йў-ўк,— деди.— Жўнатгандан пайтларимда худди кўкнор ҳалтасини йўқотиб кўйган бангидек карант юраман. Болалар ҳам у ёқда зериқади. Шунинг учун...

Әкуб Тешаевич маъқул маъносидама бош иргаб:

— Бир маслаҳатли иш бор зди,— деди унинг гапини бўлиб. Толибжон қошларини чимириб, хиёл олдинга энгашди:

— Ҳўш?

Лекин у хаёлпаришонлик билан ўрнидан турди-да, ён томондаги дезарага яқин бориб, ташқарига қарди: ҳовур жимирлаётган йўнғича-зорга туташ йўлка бўйидаги мирзатеклар орасидан бекатда тўхтаб турган трамвайнинг аста жойидан кўзғалиб, ела кетганини кўрди. Орқадан югуриб келган қизиши кўйлак-

ли йигит эса ҳафсаласиз қўл силтаб, ён-верига интизор аланглади. «У энди кутиши керак.— Әкуб Тешаевич хаёлида чарх урган фикрдан беихтиёр хушёр тортиб.— Толибжоннинг трамвайи ҳали жилгани йўқ, эшиклири очиқ. Аммо унинг ўрнига Роҳилалини... Билдириб кўйиш керак!» Хотини эрталаб айтганидек, «уйга сўппайиб кириб» боришидан юраги безиллаган Әкуб Тешаевич кун бўйи тажанглашиб юрган зди. Боя тушлидан қайтганида, иттифоқо, чораси топилди. Севиниб кетганидан дарров Толибжонни чакиртириди. Энди дангал айтса — олади! «Айтаман. Толибжон, дейман, ўзингиз биласиз... Ана, ҳозир ўғирлади. Кейин унинг кўзларига тиг қараб, гапира бошлади. «О-о, одамларнинг кўзига тиг қараб гапириш — қандай яхши-а! Аммо...»

У ҳал қилювчи дакиқа яқинлашгани сайн ичдан ўртамоқда эди: қандай, қайси юз билан айтади, ахир!.. Шу пайт усти очиқ «Газик»да карнаю сурнай чалиб бораётган тўйчиликлар унинг дикқатини бир лаҳза ўзига тортиб. Эртага шанба эканлигини эслаб, баттар кўнгли ғашланди. Агар бугун ҳам бир илохини киломай, уйга сўппайиб кириб борса, боши роса уч кун ғалвадан чиқмаслигини ўлаб, ҳазин хўрсинди-да, қаёкларадир кетгиси келиб қолди: «Тоққа жўнаворсаммикан?»

Тоғ яхши-да, бутун қайфую ташвишларингни унутасан. Тоза, майин ҳаводан жисму жонинг яйрайди, ғаройиб манзаралардан кўзларинг яшнайди. Ҳаммасидан ҳам ўзингни кенгликларда учиб юрган эркин қушдек сезасан. Суурбахш сайдран сўнг хушбўй арчанинг остида мовий осмонга тикилиб ётган кўйи ёки чошгоҳ маҳали жилга бўйидаги харсанг устида тиззаларингни қуҷоқлаб ўтирган ҳолдами ҳаёл оғушида ором олсанг. Пастлика чеккан азобларинг ҳаммаси мангу қонуниятлар қаршисида аянчли икир-чикирлар эканлигини англайсан, умрнинг ўткинчилиги — оламга мавжудот сифатида музайян юмушни бажариш учунгина келганинг... хусусида самовий ўйлар суриб, шууринг тиниқлашади... Яхшида, тоғда зерикмайсан, зериккунинг

ча муҳлат тугаб, сафаринг қариди. Бирдан Әкуб Тешаевичнинг юраги озиқиб кетди: «Ў-ў, югурк дунё, токқа чиқмаганимгаям тўрт йилча бўлиб қолибди-я...» Қўқисдан оқ телефон жиринглаб, унинг хёли бўлинди. Чакқон келиб, дастакни олди, кулоғига тутиб:

— Алло, эшишаман,— деди.— Салом... Ҳа, танидим. Ҳўш, қачон жўна-моқчисизлар?..

Телефонда у ким биландир узук-юлуқ гаплашаркан, мунтазир бўлиб ўтиргани Толибжонга дабдурустдан алақ қилди, қандайдир ажабланиш аралаш хўрлик тўйғуси қалбини чулғаб олди. Қизиқ, олдинлари Толибжон у билан энг яқин ўртоқдек бемалол ҳазил-ҳузул қилиб, гурунгашаверар, бот-бот мунозаралашар, ҳатто баъзан тог сайрига ҳам бирга чиқиб турар эдилар. Толибжон лаборант бўлиб ишга кирганиди Әкуб Тешаевич фан кандидати эди. У кичик илмий ходимликка тайинланганида бу докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шоди Маҳмуддан сўнг мудир бўлди. Министрилликдагиларга нимасидир ёқсан экан.. мана энди, директор. Қизи Роҳила эса аллақачон илмий ходим.

Толибжон унга зимдан разм солди: кўзларининг ости ҳалтадек осилган, ранги зақил... Юраги увишиди. «Шу одам, ҳар ҳолда, аввал покизароқ эди. Энди кўп қийналса керак, сочларим оқариб кетибди». У соатига кўз қирини ташлаб бирдан тутокди, гўё кўксида кулала бўлиб ётган аввали Толибжон мағрур, бош кўтарди: «Кечирасиз, менда қанака маслаҳатли ишингиз бор? Қўлимидаги ишимни тезроқ бир ёғлиқ қилиб, бозорга боришим керак, ул-бул ҳарид қилиб, уйга қайтганимдан кейин атала қайнатиб, турғуқонага бормоқчиман. Сиз бўлсангиз вактимни олайасиз. Биласиз-ку, вакт... Вактда-э! Фақат ўлганларгина вакт билан хисоблашмайдилар. Агар гапингиз бўлса, айтинг, бўлмаса...»

Толибжон таранг чўзилган чакка пайлари хиёл юшаганини хис этиб: «Чиндан ҳам ташвишларим бошимдан ошиб ётиби-ку! — деб кўнглидан ўтказаркан, болаларининг иштон-



Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган

күйлагини ивтиби күйгани ёдига тушиб, тағин тажанглана бошлади.— Ахир, мен нима учун муте одамдек мунғайиб ўтирибман-а?..»

— Ёйк, биродар!— деди бирдан Ёкуб Тешаевич жаҳл билан.— Экспедицияни барбод килишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қайтиб келганингиздан кейин бафуржга гаплашамиз... Билмайман... Аҳ-а... Хайр!— У тарақлатиб дастакни қўйди-да, хўмрайиб Толибжонга қаради.— Сиз нима учун экспедициядан қолдингиз?

— Руҳсат сўраган эдим,— деди Толибжон.— Болалар ёлғиз...

— Тўғри-тўғри,— Ёкуб Тешаевич нинг кўз қорачиқларида яна парисидан меҳринорлик жилваланди.— Толибжон, қишлоқда кимларингиз бор?

Толибжоннинг баттар таажжуби ортиб:

— Онам билан опам,— деди.— Поччам борлар, жиянларим бор.

— Онангиз неча ёшдалар?

— Шу... етмиш уч ё етмиш тўртда бўлсалар керак.

— Анча ёшга бориб қолган эканлар,— дея Ёкуб Тешаевич тағин савол берди.— Бир ўзлари турадиларми?

Толибжон устозининг кўнглидан нималар кечайдагини таҳминан тушиуни, ўзини ноқулай ҳис қилди. У икки ойча аввал уйга бориб келганини, ундан бери тоақал хат ёзманини, лекин бир энликкина хатни ҳатто иш пайтида ҳам ёзиб ташлаш мумкинлигини ўладио пинҳона ўқиниб:

— Ҳаммалари бир ҳовлида турдилар,— деди алланечук шавқсиз.— Поччам асли ўзимизнинг қариндошлардан.

— Поччангиз ким бўлиб ишлайдилар?

— Колхозчи-да,— деди Толибжон, У тағин: «Ёкуб ака, онам ҳеч нарса га муҳтож эмаслар», демоқчи бўлдио, яна индамади.

— Ҳм-м...— Ёкуб Тешаевич бош бармоғи билан қошини сийпалай турдилар.— Толибжон, сиздан бир нарса сўрамоқчим, лекин кўнглингизга малол олмайсиз.

— Бемалол, Ёкуб ака,— деди у қаддини хиёл тиклаб.

— Сиз нима учун қишлоғингизга бориб ишламайсиз?

Бирдан Толибжоннинг кўзлари катта-катта очиблиб кетди.

— Тушунмадим,— деди тили каловланиб.— С-сал очиқроқ гапиринг.

Ёкуб Тешаевич унга маҳзун термилди, тушунмаганига ишонмади. Сўнг курсига вазмин суюнди-да, аста хўрсимиб:

— Наҳотки?— деди.

Толибжон қўлини кўксига қўйиб, бошини чайқади:

— Рост.

Бир зумгина жим қолиши.

— Ёши анчага бориб қолган онаңгиз ҳам сиздан нимадир умидвор, демоқчиман,— деди ниҳоят Ёкуб Тешаевич унинг кўзларига синчковлик билан тикилиб.— Сиз бўлсангиз, бу ерда ғарбликда топганингиз тутганингизга етмай, ижарагирингин қошқовогига қараб, зўрга кун кўриб юрибсиз. Тўғри, бугунми-эртами квартира олиб, кўчиб ҳам ўтасиз. Аммо болаларнинг улғайганди, эҳтимол яшашингиз яна ҳам қийинлашар? Шунинг учун эс борида этакни ёпиб, жўнаганингиз маъқул эмасми? Ҳозирдан борсангиз яхши-да.

Кийналиб турмуш кечираётганини энди сезгандек Толибжоннинг хўрлиги келди. Айни чоғда қишлоқда фан кандидати сифатида нима иш қилади? Шуни ўйлаб, Толибжоннинг қулоқлари шангиллаб кетди.

— У ёқда нима қиласман?

— Ишлайсиз!— деди Ёкуб Тешаевич.— Коммунистизм-а? Сизга, албатта, мактаб директорлигини беришади. Бу ёқдан биз ҳам айтамиз, танишлар бор. Мактабда ҳалқ оғзаки ижодини ўқитиш, ўрганишини яхшилайсиз, шогирдлар етиштирасиз.

Хуллас, қийналмай, докторлигинги устида иш олиб борасиз. Келинни боғча ёки кутубхонага ишга жойлаштирамиз. Ана кейин кампирнинг дуосини олиб юраверасизлар...

Толибжон индамай, қўлларига қарди: кафтлари терлаб кетибди. Ас-та шимиға артди... Демак, кимдир ёмонлаган бўлиши керак. Бўлмас... Қишлоқда ҳам гуруҳбозликлар бор-микан-а?.. Лекин у кимга ёмонлик қилди? Гуноҳи ҳеч кимга аралашмай, ўз аравасини тортиб юрганими?

Толибжон сукунатнинг даҳшатли овози борлигини, тоғдек оғир бўлишини ҳис этди. Эҳтимол, жой бўшатиш лозим бўлиб қолгандир. «Ёкуб Тешаевич, лаёқатсиз эканманмий?», деб сўрасини ёки: «Бору йўғим шу — илм! Ундан ажралсан, хароб бўлмаман», деб тўғрисини айтиб қўяқолсинми?

Бироқ Ёкуб аканинг маслаҳати чакки эмас. Айтанидек, онасининг ёнида бўлади. Қишлоқда, ҳарна қилганди ҳам яшаш осон: сув — текин, ўтин — бепул, гўшт, мева-чева — дехқончилик. Олти ойда тўйнич ўғлининг суннат тўйини гумбурлатиб ўтказади. Шаҳарда эса тўй қилиш... Бари бир... нари-бериси билан олтмиш йил, жуда ошиб борса етмиш йил умр кўрар. Шу умри давомида гумбурлатиб тўйлар қилди... варанглатиб машина ҳам минди, дейлик. Хўш, кейин-чи? Кейин виждан азобида ловулаб ёнмайдими?

Ногоҳ Толибжоннинг кўз ўнгидаги юзлари шафтоли қоқидек бужмайиб кетган онаси гавдаланди. Нимадир юрагини қаттиқ фижимлади. Лекин ун илож!.. Ёкуб Тешаевич бетоқатланниб томон қирди.

— Ёкуб ака!— деди жавдираб Толибжон.— Ўзимнинг ишим яхши. Агар...

— Болаларнингизни ўйлаб гапиряпсизми?— деб сўради Ёкуб Тешаевич унинг гапини бўлиб.— Онангизни ям, а? Мен онамни кўролмай қолганди, Толибжон.

— Онам... Ёкуб ака, аллақачон кўникканлар. Болалар эса ҳали ёш. Улар яшашнинг маъносини тушунгунча худо пошишо.

— Толибжон, кўп соддасиз-да!— деб беҳаловат кулимсиради у.— Ўша ўзингиз кўрган қутидеккина ҳовличани беш йилда зўрга битирганимиз. Эллик ёшимгача биттаям ашқол-дашқолимиз, ақалли диван-кароворотимиз бўлмаган-а!

— Э-э, Ёкуб ака...— Толибжон беозор жилмайиб, боягина кўнглидан кечган гумонни қувлик билан эслади.— Сиз у пайтларда худди Машраб эдингиз-да.

«Машраб!— Ёкуб Тешаевичнинг юраги шув этиб кетди.— Нима демокчи бу?».

— Майли, яхшилаб ўйлаб кўринг,— деди у руҳсат маъносида бошини қимирлатиб.— Ишдан қайтишингизда менга учрашиб, фикригизни айтасиз.

«Бундан ортиқ яна қандай қилиб айтишим мумкин?— Толибжон эшик томон йўл оларкан, касалхонага кечикса ҳам, очиқасига гаплашиб олиши дилидан ўтказди.— Лекин ҳайдасам кетмайман!»

«Сиз у пайтларда худди Машраб эдингиз». Ёкуб Тешаевич жилмайди, олис йилларни эслади. Кейин студентлик йиллари ёдига тушди. Ўша маҳалларда гўё еру осмон баробар эди-я... Аста-секин хотинининг қизлик даврлари, ўзининг мажнунлик кезлари хотирида ёлқинландини қишлоғини қўмсади. Ёник энтикли. Имкони йўқлигини билса ҳам, жўш урган истагини юпатмочи бўлди. «Бир бориб келсаммикан?— деб ўйлади.— Лекин тўй йўқ, томоша йўқ, итлар нега югуришар, деганларидай жўралар ҳам ҳайрон қолса керак.

Ёкуб Тешаевич чўғдек гилам оёғини кўйдираётгандек у ёқдан-бу ёқка беором юра бошлади. Уни «қишлоққа жўнатиш» ҳийласидан эса



Таникли врач Назира Жуманованинг номи республиқамизга машҳур. У мингдан зиёд кўз операцияларини ўтиазиб, беморлар нўзига нур баҳш этди. 1979 йили унга СССР халқ врачи деган юнсак унвон берилди.

Суратда: Назира Жуманова.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

мамнун эди. Бу қаёдан хаёлига кела қолди — ўзи ҳам билмайди. Қайтага яхши бўлди: яна бир марта синовдан ўтказиб олади.

«Агар ҳозирига ақлим бўлганда...» Ёкуб Тешаевич тўйқусдан шаҳар ижроқидан келган хатга тикилиб туриб, чеккан ва чекаётган риёзатларини роҳат-фароғатлари билан таққослашга уринди. Шунда собиқ синфдоши — Саттор аравакашнинг бир гапи қулоқлари остида жаранглаб кетгандек туюлди: «бу кўчмани дунёнг, жўра, лойхўракдек тонгдан шомгача лойга ботиб, пошшонинг қасридек ҳовли қуришинга арзимас экан. Охир-оқибат ўликлар мамлакатига кўчганингдан сўнг, фалончи элу юрти учун нима қилувди, деб сўраб-суриштиарканлар».

«Қани эди, ҳамма шундай ўласа?!! Латтапараст хотинлар ҳам... У мужмал кўл силтади, хатни стол чеккасига суреб қўйди. Толибжоннинг севинишини тасаввур этиб, чехраси ёриши. Сўнг кафтини-кафтига иш-қалаётib: «Яна уч кун ғалвами?!!— деда аламли пичирлаб, лабларни ўрдактумшук қилган кўйи телефонларга бир зум тикилиб турди.— Энг маъқул йўл шу!— Ниҳоят, қатъий қарорга келган эди у.— Кейин бир гар бўлар».

Ёкуб Тешаевич телефон дастагини юлиб, тез-тез рақам терди.

— Ало, Пўлатжон, сенми?.. Раҳмат. Э-э, сўрама!— деб у бемалол курсига суюниб олди.— Кайфиятинг қалай?.. Бир тоққа чиқсан, девдим. Иккала мильтигингни оласан. Мен уйдагиларга сезидирмочи эмасман... Шу-да? Занглаган асабларни...— Бирдан қизил телефон жиринглади. Ёкуб Тешаевич Пўлатжонга: «Ҳозир, бир минут», деда иккинчи дастакни қулогига яқинлаштириб.— Салом. Ҳа, ўзимман... Қачон? Эртага? Шанбада-я?!— Унинг бўзғизга ўтилиб турди.— Узр, Пўлатжон,— деди тоққа чиқолмаслигини азиат билан тушунтириб.— Эртага президиум йиғилиши ўтказилар экан. Яна ғафталарда борамиз...

Худди шу пайтда эшик гижирлаб очилди. Ёкуб Тешаевич бўсағада Толибжонни кўриб, дастакни жойига кўяркан, беихтиёр девордаги соатга кўз югуртириди: чоракта кам тўрт.

— Кўлимдаги ишни бўлдим, Ёкуб ака,— деди Толибжон ҳам соатга қараб.— Касалхонага бормоқчи эдим.

— Навбатда биринчи бўлиб сиз турибисизми?

— Қанақа навбат?

— Квартира учун.

— Ҳа, икки йилдан бери.— Ногоҳ: «Яна шунчак кутсангиз ҳам, ҳали-вери олмайсиз, қишлоққа жўнайверинг, демокчи!», деган фикр миёсида лип этиб, юрагини ваҳм босдию ранги оқариб.— Ёкуб ака, ўзимнинг ишим яхши!— деди.— Ишлайвераман...

— Тўғри айтасиз, Толибжон, мондомики, ишингизга ихлосингиз шунчалик зўр экан,— Ёкуб Тешаевич кулиб ўрнидан турди, стол чеккасидаги хатни олиб, унга узатаркан деди,— бизга тўрт хонали квартира беришибди. Месткомга учрашинг, хужжатларнингизни расмийлаштирисин.

Толибжон бир зум гангиди:

— Раҳмат, Ёкуб ака!

Иигитнинг қофоз тутган қўли сезилар-сезилмас қалтирад, кўзлари чақарн эди. У миннатдорлик билан орқага тисарила бошлади.— Яхшилигигизни сира-сира унумтамай.

Ёкуб Тешаевич жойига ўтиракан:

— Битта илтимос бор,— деди. Толибжон бир неча қадам олдинга юрди.— Кампирга айтасиз, ижараҳоннингизни ҳеч кимни кўймасин. Роҳила эри билан кўчиб боради. Кампир уларнинг боласига ҳам қараши керак. Ҳакини ўзим олдиндан тўлаб турман.

Толибжон ҳайрон қолди:

— Нега, Роҳилахоннинг ҳовлилари бор эди шекилли??

— Қайноаси билан чиқишилмабди,— деди Ёкуб Тешаевич гуссали оҳангда.— Боласи билан ўн-ўн беш кундан бери бизнисида.

Толибжоннинг ийғлагиси келди: шундай улуғ олимнинг қизи ижараҳона излаб юрса...

— Ёкуб ака, Роҳилахоннинг навбатида мен оларман. У иккичи ўринда-ку...

— Йўқ-йўқ!— Ёкуб Тешаевич қизариб, шафқат тилаётгандек кўзларини жавдиратди.— У ҳам ўз навбатида олади. Келинни янги меҳмон билан, янги квартира билан бизнинг номизидан табриклаб қўйинг. Боринг, эди, боринг.

Толибжон индамай, бошини қимирлатди, юраги санчайтган эди, тезгина кабинетдан чиқди. Эшикни зич ёпди. Ёкуб Тешаевич чактиригандага негадир энсаси қотганини эслаб, чуккур нафас олди. Сўнг мўжизалар рўй беришига ҳамиша ишониши кераклигигини, ҳадемай Роҳила ҳам ҳовли-жойли бўлишини ўйлаб, кўнгли сал ёришида, узун ўйлакдан оғир қадамлар билан юриб кетди.

# ТОҒЛАРИМИЗ КҮРКИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездиде тасдиқланган ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида «Камида 8 миллион гектар майдонда қимматли ёш ўрмонзорлар ўстирилсин», дейилади. Республика мизнинг тоғли районларида ҳам қимматли ўрмонзорлар бунёд этиш учун шарт-шароит ва барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, ҳар жиҳатдан аҳамиятта молик бўлган ёнгоқ ўрмонлари тоғларимизда яхши ўсади.

Ёнгоқнинг мағзи, майи, парраги, барги, пўстлоғи, навдаси, танаси дори-дармонлигини назарга олсан, дарахтни бутун бир аптека десак,

лаган. Ёнгоқ инсон умрига умр кўшади. Бундан ташқари ёнгоқ саноатда, ҳалқ хўжалигига кенг ишлатилиди.

Кўриниб турибдики, юртимизда кўплаб ёнгоқзорлар барпо этилса, фойдадан холи бўлмайди.

Юқоридагилардан хулоса чикариб айтамизки, эндиликда йирик ёнгоқ плантацияларини ташкил этиш даври келди. Ахир республика мизнинг тоғ зоналарида қарийб 6 миллион гектар ер бўш ётиди. Шундан 1 миллион гектар ерни ёнгоқзорга айлантириш мумкин. Бунинг учун Тошкент обlastining Курма, Чотқол, Коржонтоғ, Угам, Пском тоғларидаги турли зоналарда, водийларда, ҳавзаларда, денгиз сатҳидан 2500 метрга қадар бўлган ерларга қават-қават қилиб ёнгоқ, олма, олча, нок, бехи, олхўри, шафтоли, бодом, писта кўчалари ўтказиш керак. Булар кузда, қишида экилса кўкламда яхши авж олиб, барвақт боғ-роғларга, ўрмонларга айланади. Айни пайтларда Тошкент обlastining ёнгоқли боғ-роғлари 100 минг гектардан ортиқ. Лекин ёввойи ёнгоқзорларнинг ҳозирги ҳолати талабга жавоб бермайди. Бу соҳада қилинаётган ишлар кўринингдайтирилди.

Жиззах обlastидаги Туркистон, Нурота тоғлари ёнгоқли ўрмонзорлар плантацияларини барпо этишда жуда ҳам қуладир. Қадимда бу тоғларда кўплаб мевали дарахтлар яшнаб, об-ҳавсони мусаффо этиб, атроф-муҳитни яхшилаб турар эди. Ҳозирда улар кескин камайган. Уларнинг ўрнини тўлдирмоқ учун тоғлардаги 200 минг гектар қадими ёнгоқзорларни қайта тиклаш тақозо этилади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Фақат замонавий илм, билим, фан ютуқлари ва техникадан самарали фойдаланиб, жиддийроқ ишга киришиш керак. Ана шунда Жиззах обlastидаги тоғли зоналарнинг бойликлари янада кўркамлашган бўлар эди.

Сирдарё обlastидаги чўл зонасида пахтазор майдонларнинг, канал ва йўлларнинг четларига ёнгоқ, бодом, писта, олма, олча, ўрик, шафтоли каби мевали дарахтлар экилиб, ерлар планли равиша ихоталанса, эрозиялар камаяди, пахтчиликни ривожлантириш, деҳқончиликни яхшилашга шаронт яратилади. Йўллар, канал атрофларини кўркамлаштиришда, оқар сув, ирригация ҳолатини яхшилашда ёнгоқзорларнинг хизмати каттадир. Табиийки, бундай шаронтда ҳосилдорлик кескин кўпайди. Айни чоқларда Сирдарё обlastida бундай мевали дарахтлар жуда кам учрайди. Ҳолбуки бу музофотда камидан 6 миллион туп ёнгоқ ва бошқа мевали дарахтларни ўтиришига имконият бор.

Самарқанд обlastining Ҳисор, Зарафшон тоғ ёнбағирлари ҳам ёнгоқчилик, ўрмончилик учун ғоят қуладир. Мазкур тоғларнинг турли зоналарида 250 минг гектар ерни боғу бўстонга айлантириш мумкин. Бунинг учун фақат мутасадди кишиларнинг интилиш ва иштиёқи кифоя.

Қашқадарё обlastидаги Ҳисор тоғлари бир олам бўлиб, қадимдан бу ерларда минг турли дарахтлар ўз яшиллиги билан эътиборни торади. Агар тоғ зоналарида бекор

ётган 200 минг гектар ерда тағин янги ёнгоқзорлар ва ўрмонлар бунёд этилса, шу яқин атрофда пахтчилик ҳам, чорвачилик ҳам янада равнақ топади. Чунки йирик баргли ёнгоқ дарахтлари тоғ сувларини аспашга, чўлни сув билан таъминлашга ёрдам беради.


Сурхондарё обlastida эса Ҳисор, Боботог ёнбағирларида, Тўпаланг, Сангардак дарёларининг соҳилларида ёнгоқ, бодом, ҳатто хурмо, анжир, анонлар ёввойи ҳолда ўсади. Буларни кўпайтириш учун тоғ зонасида 350 минг гектар учун тағин беради.

Бундай тадбирларни Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Хоразм зоналарида ва Қорақалпогистон автоном обlastida ҳам амалга ошириш мумкин. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, ёнгоқли ўрмонзорлар яратилса республика мизнинг қиёфаси кескин ўзгариб, табиатдан-табиат яратилиб, ҳамма имкониятлар бунёд бўлади. Бунинг учун 1 миллион гектар ердаги тоғ ва чўл зоналарида 100 миллион туп ёнгоқ, 100 миллион туп бошқа мевали дарахтларни ўстириш мумкин. Агар бу тадбир амалга оширилса, 1 миллиондан 10 миллион тоннагача ёнгоқ ва бошқа турли мева-чевалар єтиширилади. Давлат миллиард сўмлаб фойда олади, элизим дастурхони ноз-неъматларга янада тўкин бўлади.

Манион ТЎЙЧИЕВ



муболага бўлмайди. Абу Али ибн Сино ёнгоқ билан асаб, астма, юрак, томир, қон, таносил, меъда, бод, сил, қанд, тери, суюк, кўз, қулоқ, тиш, томоқ, пешол, парраж, қорасон каби турли касалликларни даво-



Мирзатерак.

Қутлаймиз!

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА ЙИЛЛАР

В. И. Ленин номидаги Мәхнат Қызыл Байроқ ордени Тошкент Давлат университети проректори, таниқли биолог олим, құтлуғ етмиш ёшга тұлған, олий таълим соҳасыда эллик йилдан бүён узлуксиз ишлаб келаётган мұраббий, республикада хизмат күрсатған фан арбоби Полвон Бобоевиң Азизов ҳақида гап кетганды, Алишер Навоининг қуидаги мисралари беихтиёр ёдимизга келади:

Ҳақ йўлинида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак ҳақиқин адо душвор әрур  
минг ганж ила.

Полвон Азизовнинг илмий-педагогик фаолияты республикамизнинг мұйтабар фан-мағрифат масканлари бўлмиш иккى университет билан чамбарчас боғлиқ. 1932—1941 йилларда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) биология факультетида ассистент, доцент, декан лавозимларида ишлайди. 1941 йили Тошкент Давлат университети биология факультетининг генетика ва дарвинизм кафедраси доцентлигига ўтади. Иккى йил давомида университет қошидаги Биология институттуда илмий котиб, 1944—1959 йилларда биология факультети декани вазифаларида хизмат қиласы. 1959—1961 йилларда республика Олий ва ўрта махсус таълим комитети (министрлиги) олий ўқув юртлари бошлиғи, коллегия аъзоси бўлиб ишлайди. Сўнгра тўрт йил давомида (1961—1965) Полвон ака чет эл гражданлари учун Тошкент ҳузуридан тайёрлов бўлими ташкилотчиларидан бири ва проректори бўлди. 1965 йилдан шу пайтга қадар у Тошкент университетининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

Оддий анкета қайдлари, санаалар, хизматлар замирида жўшқин, сермазмун, ибратли умрнинг файзи ва самараси, бардошли меҳнатнинг сархи-

соби яширган, юзлаб шогирдларнинг тақдирини, комил коммунистнинг фидойилиги мужассам.

«Агар киши фақат ўзи учун меҳнат қиласа, эҳтимол, у машҳур олим, буюк донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин,— деган эди Карл Маркс,— лекин ҳеч қачон том маънодаги камолотга эришган улуғ инсон бўлолмайди». Дарҳақиқат, бир тоифа илим аҳли борки, кўпроқ ўз манфаатини ўйлади, мудом илмий даражалар, унвонлар, мартабалар илинжидаги юради, бошқалар ҳақида ташвиш чекмайди. Бирок бошқа тоифадаги илим намояндлари ҳам борки, уларнинг фаол иштирокисиз фан тараққиетини, минглаб етук мутахассислар тайёрлашдек мушкул ишни уддалашни тасаввур этиш қийин. Бундай ориятли олимлар ўзларини кўлчиликка намойиш қилишдан, давранинг тўрига интилишдан йироқ бўлладилар. Доцент Полвон Азизов ҳам ана шундай ўта меҳнаткаш, қамтар, диёнатли олимлар сирасидан. У ҳамма вақт ўзгаларни баҳти ҳолда кўришни ўзи учун саодат деб билди. 1981 йилда пиру бадавлат олимнинг Мәхнат Қызыл Байроқ ордени билан тақдирланған унинг узоқ йиллик ҳалол меҳнатига жонажон партия шаҳукматимиз томонидан берилган муносаб мукофот бўлди.

Тошкент Давлат университетининг ташкил этилишида фаол қатнашган, ўлкамизга улуғ дохий В. И. Лениннинг йўлланмаси билан ташриф бўюрган, ўзининг бутун тақдирини шу дорилғунун билан боғлаган мұйтабар олима, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Илария Алексеевна Райкова Полвон ака ҳақида гап очилганда шундай деган эди:

— Полвон Бобоевич — азамат инсон, катта олим, менга шунчаки ҳамкасаба эмас, балки ўз туғишин иним қаторида... Бениҳоя дилкаш, беназир, фариштадай пок одам. 15 йил мобайнида биофак декани бўлиб ишлади, 16 йилдан бўён

университет проректори. Республикада тұнғыч илм-мағрифат масканы бўлмиш ТошДУ ташкилотчиларидан бири сифатида бу мұқаддас дарго сийнасида камол топиб, пировардиде унинг бақувват устунларидан бирига айланди...

Илм-мағрифат одамлари одатда камсухан, лутфкор, сипоҳ бўлади. Биология-тупроқшunoslik факультети генетика кафедрасининг мудири, профессор И. А. Райкова ҳам бундан мустасно эмас. У — сермулоҳаза, ўйчан, етти ўлчаб бир кесадиган андишли аёл эди. Шундай бўлса-да, Полвон ака ҳақида, худди меҳрибон волида сингари, жуда яйраб гапиради. У П. Азизов декан бўлган йиллари факультетда янги илмий йўналишлар ва мактаблар қарор топғанлиги, янги кафедралар тузилганлиги, ўқиши-ўқитишишлар тубдан яхшиланганлиги, мамлакатимизнинг табиий бойлуклари — ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, тупроқлар таркибини тадқиқ этиши бўйича комплекс экспедициялар уюштирилганлиги, забардаст кадрлар етишиб чиққанлигини жуда муфассал тасвирлади.

Устозининг камолоти университетнинг айни равнақ топиш даврига тўғри келди. Бошқача айтганда, ТошДУ билан Полвон ака қирқ йил мобайнида бамисоли қўлтиқма-қўлтиқ ўсиб улғайди. Буни лоақал биргина биология факультети тимсолида ҳам кўриш мумкин. Факультетнинг энг янги замонавий асблобар билан жиҳозланган салобатли янги биносининг қад кўтаришида, унда олиб бориладиган тадқиқотлар, ўқиши-ўқитиши жараёнининг назарий за амалий потенциали юксалишида, бошқа атоқли олимлар қатори, Полвон Бобоевчининг ҳам хизмати бекітеди. Чунонча, биофакни битириб чиққанлар орасида 300 фан кандидати, 40 фан доктори бор. 1920 йилдан то 1981 йилгача бу ерда 3900 мутахассис тайёрланган бўлса, уларнинг 2300 таси кейинги йигирма йил ичида етишиб чиқди. Факультет ходимлари ва уни тутгатган кишилар, бепоён Ватанимиздан ташқари, Ағрономистон, Мўғалистон, Ливия, Куба, Ироқ ва бошқа мамлакатларнинг табиий ресурсларини ўрганишда иштирок этганлар.

Полвон Азизовнинг ажойиб инсоний фазилатлари, ташкилотчилари маҳорати туфайли факультетда иноклик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик мұхити ўзага келди, сермаҳсул меҳнат шароити яратилди. Ана шу мусаффо илмий иқлим шароитидан баҳраманд бўлган таниқли олимлар — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг (ВАСХНИЛ) академиги, Бутуниттифоқ пахтачиллик илмий-текшириш институти (СоюзНИХИ) директори А. Имомалиев, мазкур академиянинг мухбир аъзоси ва унинг Ўрта Осиё бўлими секциясининг мудири Н. Назиров, ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ўсимликлар

Қутлаймиз!

## ҲАССОС ТАДҚИҚОТЧИ

Адабиётимизнинг толмас тадқиқотчиларидан бири, истеъоддли олим Салоҳиддин Мамажонов 50-йилларнинг ўталаидан бери мақола, тақриз, илмий асарлари билан адабий тақдидчиллик соҳасыда қизғин фаолият кўрсатиб келмоқда. У меҳнатсеварлиги, ўзига хос тадқиқотчиллик маданияти, таҳлил йўсими билан китобхонларга танилган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган нозик дидли олимдир. Унинг ҳаёт йўли, сермаҳсул ижодий фаолиятига назар ташласак, бугунги адабий жараённинг ривожига нечонлик салмоқли хисса қўшаётганлигини яққол сезамиз.

Кейинги ўн беш-йигирма йил ичида Салоҳиддин Мамажонов ўнга яқин монография, рисола эълон қилди. Унинг «Шоир ва замонавийлик», «Ғафур Гулом прозаси», «Услуб жилолари» сингари йирик тадқиқотлари — илмий трилогиясида XX асрнинг улкун файласуф шоири Ғафур Гулом ижодининг барча қирралари кенг ва атрофлича таҳлил этилади. Буюк шоирнинг бадий-поэтик тафаккур маданияти тараққиётига қўшган бекітес хизматлари, шеъриятининг жаҳоншумул физилатлари, ўзбек поэзияси, тараққиётини янги босқичага олиб чиқишидаги улкан роли теран кузтишлар, асосли илмий-назарий умумлашма-хуласалар воситасида кўрсатиб берилади. Энг муҳими, Ғафур Гуломнинг ижодий камоли ва парво-

зи ҳалқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётининг тараққиётини фонида кузатилади ва очиб берилади.

Олимнинг «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиётиномли йирик тадқиқотида адабиётимизнинг бу мұхим босқичи имда деярли биринчи марта монографик планда кенг ўрганилди. Рус ва ўзбек тилларида чиққан «Шоир дунёси» китобида баҳт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон ижодининг шу давргача кам ўрганилган кирралари санъаткорнинг архив материаллари, янги фактик маълумотлар асосида чуқур таҳлил қилиб берилди; «Воҳид Зоҳидов» номли адабий портретда бу улкан файласуф олим ва адабиётшуноснинг бой ва серқирига ижоди ёритилди.

Булардан ташқари, Салоҳиддин Мамажонов Москвада нашар этилган «Ўзбек совет адабиётни тарихи» очерки ҳамда кўп томли «Кўпмиллатли совет адабиётни тарихи»нинг муаллифларидан бири сифатида ўзбек адабиётшунослигининг Бутуниттифоқ миқёсига чиқишига ўзининг баракали улушини қўшиди.

Салоҳиддин Мамажонов фаолиятнинг бошқа ҳамкасларидан ажralиб турувчи ўзига хос фаизлари — айниқса, унинг серқирияларига намоён бўлади. Унинг тадқиқотлари ўзбек совет поэзиясининг барча йирик сиймолари ижодларини;

20—30 йиллар, Улуғ Ватан уруши даври, урушдан сўнгги босқич ва XX съездгача бўлган давр ҳамда 60—70-йиллар шеъриятини; шеъриятнинг лирикадан тортиш эпик поэмаларга бўлган жанрларини; Улуғ Октябр ва ўзбек совет адабиётни, адабиётшунослик ва танқидчиллик, партияйиллик, ҳалқишилик, ленинча таълимот ва ўзбек адабиётни масалалари; болалар адабиётни, фольклор эстетикаси ва унинг ёзма адабиётдаги ҳаётбахш анъаналарини сингари назарий-амалий масалаларни камраф олади.

Салоҳиддин Мамажоновнинг танқидчи ва адабиётшунос сифатидаги баркамол қиёфасини белгилаб берувчи яна бир қатор ҳусусиятлар борки, уларда умуман, ўзбек адабиётни ҳақидаги илмнинг сифати ва савијасининг кўтарилигини кўрсатувчи белгилар намоён бўлади. Олим ўз тадқиқотларини санъаткорнинг фақат ютукларини кўрсатувчи «умумийлик» асосига қўрмайди. У мана шу ютукларнинг ўзага келишига замин бўлган санъаткорнинг ўзига хослиги, индивидуаллиги, услубини текшириши асосий мақсад қилиб олади. Шу мақсадда шоир ижодига муайян мұхим проблемалар нуқтаи назаридан ёндошади. Демак, Салоҳиддин Мамажонов ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида конкрет проблемаларнинг ҳал этилишида намоён бўлувчи санъаткор услубини текшириш ва аниқлаш ишининг кенг равишида ўйла қўйилишига мұхим ҳисса қўшган олимлардан биридир. Бу фазилат унинг Ғафур Гулом ижодига оид ишларида, ҳусусан, «Услуб жилолари» монографиясида, «Услуб — образ — тасвирий воситалар» каби мақолаларида айниқса яққол кўринади.

Бу таниқли олим ижодий фаолиятининг яна бир мұхим қиёраси шундан иборатки, у Коммунистик партиямиз съездлари, қарорлари, В. И. Лениннинг адабиёт ва санъат ҳақидаги қарашлари муносабати билан ўзбек совет адабиётни ижодий жараёнинг назар ташлашга, муайян хуласалар чиқаришига ва келажакдаги вазифаларни

экспериментал биологияси институтининг директори А. Абдуллаев, шунингдек фан докторларидан А. Азимов, Х. Солиев, П. Зокиров, У. Ҳасанов, А. Абдурахмонов, ТошДУ профессори А. Гафуров ва бошқа фан сиймолари Полон Азизовни камоли эҳтиром ва ғурур билан утоз деб атайдилар.

— Домланинг сўзи билан иши, тили билан дили бир инсон эканлигини кўрсатадиган далиллардан бирини айтай,—деди биз билан сұхбатда ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Набижон Назиров.—Генетика курсини бир вақтлар бизга доцент П. Азизов ўқишлиари керак эди. Лекин бошқа киши ўтган. У вақтлар биология фанида академик Т. Д. Лисенко ўзи хон, кўланкәси майдон «таълимоти» ойли ва ўрта мактаб программаларининг магизмагизига сингдириб юборилган эди. «Генетика фанининг ҳозирги йўли истиқболли ва ибратли эмас. У, менимча, бёшқа йўналишдан кетиши керак. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик борга ўхшаятти»,—дердилар домла биз билан ўзаро сұхбатларда. Дарҳақиат, ҳаёт Лисенко таълимотининг соҳталигини кўрсатди.

Полон Азизов ҳам бир фан, жумладан генетика ҳам, ўз объектив қонунлари асосида ривожланади, бинобарин, унинг «ички ишларига юқоридан туриб, бўйруқвазлик билан аралашвериш, уни бус-бутун маъмуриятчилик измига солиши номақбул, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қайта-қайта уқтиради. Инсон — она Ер фарзандидир, у заминни бузишга эмас, балки безашга дъяват этилган, дейди Полон Бобоевич. Олимнинг бош илмий концепцияси ана шундай эътиқодага асосланган. Илмий-техника соҳасидаги фанлар сирасида кибернетика қандай мавкега эга бўлса, табиатшунослик фанлари даврасида генетика ҳам бамисоли шундай аҳамиятга молик. Ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларини Григор Мендел кашф этиб, илмий-тажрибий генетикага асос соглан даврдан (1865) бу ёғига атигига бир асрдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, бу жабҳада жуда кўп ишлар қилинди. Х. де Фриз, К. Корренс, Э. Чермак сингари олимлар деярли бир вақтда (1900) турли туман объектлар асосида текшириш олиб бориб, ўсимликлар устида тажриба ўтказишган. Улар Мендель қондалари жинсий йўл билан кўпаядиган барча тирик организмлар ҳаётига ҳам тадбиқ этилиши мумкинлигини исботладилар.

Дастлабки вақтларда ирсият ҳодисаси бир бутун организмга тадбиқан олиб қаралган бўлса, кейинчалик ҳужайра доирасида ўрганилиб, цитогенетика фани вужудга келди. Хромосома назарияси ривож топди. Радиацион генетикага асос солинди. Академик Н. И. Вавилов асарларида

белгилашга ҳаракат қиласди. Унинг «Чуқур гояйлик, бадий юксаклик учун», «Адабиётимизнинг марксча-ленинча улуғ программаси» каби мақолалари, «Ленин таълимотининг ҳаётбахшиги» рисоласи бунинг ёрқин далили бўла олади.

Салоҳиддин Мамажоновнинг илмий-ижодий фаолияти, изланишлари кўлами ҳақида гап борар экан, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» муаллифларидан бирни ва редколлегия аъзоси, иккитомлик «Адабиёт назарияси»нинг редколлегия аъзоси, Иттифоқимизда ўзбек филологияси масалаларини ёритувчи ягона «Ўзбек тили ва адабиётин» журналининг масъул котиби, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг «Адабий алоқалар ва таржима назарияси» бўлумининг мудири сифатидаги хизматларини ҳам тилга олиб ўтиш керак бўлади. У филология фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатидир. У ўйигрмага яқин фан кандидатини тарбиялаб вояга етказди. Бу — Салоҳиддин Мамажоновнинг адабиёт фойдиси, жонкуяр олим эканлигидан далолат беради.

Албатта, ҳар қандай олим ижодида бўлганидек, Салоҳиддин Мамажонов асарларида ҳам баҳсли ўринлар мавжуд. Лекин, шундай бўлса ҳам, унинг адабий-танқидий материалга муносабатидаги қатъйлик ва илмий принципиаллик эътиборга сазовордир. Олимнинг бу фазилати айниқса кейинги йиллардаги тадқиқотларида ёрқинроқ кўринади. Чуноччи, улкан адаб Шароф Рашидов ижоди чуқур ва атрофлича таҳлил этилган «Ҳалқ ва ижод» монографияси, Рамз Бобоҷон, Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Барот Бойқобилов ва бошқа қалам аҳли ҳақида мақола-тадқиқотлари кўп йиллик синчков кузатишлар, самарали излаш-изланишлар маҳсулидир.

Бахтиёр НАЗАРОВ,  
филология фанлари кандидати.

генетика селекциянинг назарий замини сифатида ишлаб чиқилди. Ўсимликларнинг узоқ авлодларини дурагайлаш ва дурагайлардаги доминантликни бошқариш назарияси асосланди. Молекуляр генетика, медицина генетикаси пайдо бўлди. Хуллас, генетика эмбриология, физиология, иммунология, зоология, паразитология сингари турдош фанлар, қишлоқ ҳўялалиги, ипакчилик, чорвачилик, паррандачилик соҳаларидан тортиб, бу ёғи кимё, то ҳатто социологияга даҳлор илмий соҳа айланди. Бошқача айтганда, айрим олинган ҳужайра структурасидан тортиб, то баҳйати тирик мавжудотлар, бани башар наслизурриётининг тақдироти, космонавтика уфқларига тадқиқот обьектларига эга бўлган ғоятда қамровор илмий соҳага айланди.

Таникли рус ботаник олимларидан академик П. М. Жуковский, профессор Д. В. Тер-Аванесяннинг эътироф этишларича, «Совет Иттифоқида пахтасилик тарихида биринчи марта ғўза замирида генетик ишлар ниҳоятда мукаммал, бекаму кўст, пухта тарзда амалга ошириди». КПСС Марказий Комитети Сиёси бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов эса ўзининг 1979 йил 6 июля «Труд» газетасида босилган «Илмий изланиш самарадорлиги» номли мақоласидан мазкур проблемаларнинг моҳиятини қўйидагича ойдинлаштиради ва аниқ таърифлайди: «В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг проблемавий лабораториясида мамлакатда ягона, ғўзанинг генетик коллекцияси яратилди. Бу коллекция янги навлар генетикаси ва селекцияси бўйича чуқур тадқиқотлар олиб боришига асос бўлиб қолди».

1974 йилда Полон Азизовнинг событиядам, истеъододи шогирди, таникли биолог олим Ж. А. Мусаев раҳбарлигига очилган маҳсус ғўза генетикаси проблемавий лабораториясининг колекциясига 1956 йилдан бошлаб тўпланган бой материал асосида тартиб берилди. Академик Н. И. Вавиловнинг илмий башорати асосида иш олиб борилиши, ўзбек олимларининг ғайратникоати билан тузилган бу коллекциянинг келажакда ғўзанинг кўплаб ўрганилмаган турлари таснифи негизида янада бойиб, ғўза селекциясини яхшилаш, янги турлар кашф этиш, серҳосил, пакана туплар етишириш, шу тариқа ҳосилдорликни анча ошириш, ғўза касалликларига қарши кураш, пахта ҳосилини машинада йигишириша кулашлик түгдириву туплар структурасини етиширишнинг самарали усусларини тавсия этишда муҳим манба бўлиб қолиши шак-шубҳасизdir.

Полон Азизовнинг ғамхўрлиги туфайли профессор Ж. Мусаев раҳбарлигига очилган мазкур

проблемавий лаборатория жуда катта истиқболга эга. Шунингдек, Ж. Мусаевнинг бевосита иштироки ва илмий йўл-йўриклири билан Бутунитти-фоқ ғўза селекцияси ва уруғчилик илмий-техшириш институтидан Ҳ. Икромов, С. Бердиевлар билан ҳамкорликда ғўзанинг вильт касаллигига чидамлигини аниқлашнинг экспресс усули кашф қилинди.

1935—1937 йилларда Москвадаги К. А. Тимирязев номли Биология институти аспиранту-расида таҳсил кўрган чоғларида П. Азизов рентген нури таъсирида юз берадиган наслсизлик инсияти проблемаси ёқлаган эди. Кейинчалик у умумий биология, генетика ва дарвинизмнинг турли муаммолари бўйича 50 дан ортиқ илмий мақолалар ёзди, рисолалар нашр этитиди, докладлар килиди.

Жонли табиатда насл учун қайғуриш қонунияти жуда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчи ўз ишларидан наслсизлик оқибатларининг олдини олиши муаммосига эътиборни қаратди. У ирсият ҳодисасида ўсимликларда — цитоплазма, чангланиш, ҳайвонларда эса ядро, хромосомалар асосий роль ўйнашини инобатга олиб, шу асосда қочириш (ёки чанглатиш) йўли билан мумкин қадар кўп ва аъло (тўқ) нав, авлод, тур олиш устида тажрибалар ўтказди. Олим ҳайвонот ва ўсимликлар оламида наслсизлик оқибатларини тадқиқ этар экан, рентген нури таъсирида жонли организмлар ирсиятида юз берадиган салбий оқибатлар кўлами (даражаси) аниқлашга муваффақ бўлди.

Полон Азизов мактаб, интернат, билим юритидаги мураббийлари, дорилғунунда сабоқ берган устозлари Меркулович, Завадский, Парфентьев, Титов, Арбузов сингари профессор ҳамда доцентлар, москалилар, ленинградлик, тошкентлик машҳур олимлар Б. П. Токин, М. М. Камшилов, Н. П. Дубинин, И. А. Райкова ва бошқалар ҳақида тутған миннатдорчилар сўзларини айтади. Зотан, домла ўз устозларидан коммунистик фидёйиллик, эл-юрт ишига садоқат, ҳалоллик, ахлоқий поклик, кенг феълик, ҳамма вақт кўпчиликнинг ғам-ташвишини ўлаш, атрофдаги одамлардан фазилат қидириш, бошқалардан ҳеч қачон «бўғдой сўзини дариг тутмаслик каби хислатларни ўрганди. Айни вақтда ўз маънавиётидаги бу юксак одамийлик фазилатини ёш авлодга узатди. Ҳурматли домланинг кўпдан кўп шогирдлари эса, бугунги қутлуг кунда ўз устозларини табарук етмиш ёш билан кутлагмоқдалар.

Асил Рашидов,  
Ғайбулла Саломов,  
Сайди Умиров

Шоир Шамси Одил 50 ёшга кирди.  
Унинг «Қайнар булоқ», «Инни лола»,  
«Сеҳрли кўзачалар», «Кашшоф ко-  
мандир», «Истан», «Тонгдаги ўлар»,  
«Чўққидаги шуълалар» деган шеърий  
тўпламлари нашр этилган. Журнал  
коллективи уни чин юрақдан табрик-  
лайди, ижодий муваффақиятлар ти-  
лайди.

Шамси Одил


Шаҳри азимдаман, кўнглим яйрайди,  
Гулдайн шаҳримни бедор кезаман,  
Кўзларим музейга тўймай қарайди,  
Боқсан сари ўзни осмон сезаман.  
Нега осмон сари қанот боғламай!  
Туйғулар денгиздек мавж урап ҳадеб,  
Орзулар амалга ошганин сўйлай,  
Тошкентим бағрида музейдир бир зеб.  
Мармар зиналардан мен мағрур юриб,  
Учинчи қаватга чиқаман шодон.  
Соф ҳаво симириб, юрагим тўлиб,  
Жаҳонга қарайман қасри вълодан.  
Дилим қанот боғлаб, чулгар ҳаяжон,  
Ҳақиқат қасри — бу, бу — гўзал дунё.  
Унга меҳр билан термилар жаҳон,  
Нафосат, нур эмган габаррук бино.  
Тошкентим кафтида бир қўёш бўлиб,  
Шарққа эйё сочар бу эзгу даргоҳ,  
Не ажаб, Шарқдаги мазлум ҳалқ кулиб,  
Нурли йўлимиизда бўлсалар ҳамроҳ.

Дунёда ҳеч нени этолмам киёс,  
Ленин қолдиролган дўстлик қасрига.  
Тобора монолит бу дўстлик мумтоз,  
Борар Коммунанинг баҳти асрига.  
Қасрим, таъзимдаман, ёш-қари бир-бир  
Зиналарни босиб аста одимлар.  
Юраклар дарёдек жўш ҳраётir,  
Меҳрин тўкиб ўтар бунда одамлар.  
Бу қутлуг қасрда яшар улуғ зот;  
Ленин — мангу башар бошида офтоб,  
Бу буюк қасрда у мангу ҳаёт,  
Ҳаётдир у билан буюк инқилоб!

## «Олтин кўзалар»

Нуқрадек товланар, оппоқ лолалар —  
Дала маликаси — олтин ғўзалар.  
Ҳавасим ортади,  
ақлини олар  
Дилбар дер: «Ғўзамас, «олтин кўзалар».  
Гапинг рост, ғўзани ўхшатиш жоиз,  
Дуру жавоҳир лиқ «олтин кўзалар».  
Шу кўза ҳосилин териб бўлдик дўст,  
Сени асло бермам энди ўзгата...  
Инжу зарлар тўло, дур кўзачалар,  
Мисқоли ўйимиз кўрки, зийнати.  
Безанур кийганди сендеқ қизчалар,  
Ўзбек пахтаси бу, обрў-ҳурмати!  
Нуқрадек товланар оппоқ лолалар —  
Дала маликаси — олтин ғўзалар.  
Ҳавасим ортади, ақлини олар,  
Дилбар дер: «Ғўзамас — «олтин кўзалар».

# РИШТОН КУЛОЛЛАРИ



Яқин-яқингача Фарғона водийсининг марказидаги Риштон кулолчилик цехи мӯъжазигина корхона эди. Лекин мөҳир усталар туфайли Ўзбекистон мӯъжизаси деб ном олганди. Энди унинг базасида миллионлаб кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга завод қад кўттарди. Фақат шу йилнинг ўзида мазкур корхонада 70 номда 4 миллион 620 мингта оригинал кулолчилик буюмлари ишлаб чиқилди. Айни кунларда завод ишлаб чиқараётган маҳсулотга мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан, Англия, Испания, Голландия, Финляндия сингари чет мамлакатлардан кўплаб бу-

юртмалар келиб турибди. Француз коммунистларининг газетаси «Омани-тейнинг юбилейи муносабати билан бу йил Риштон кулоллари 5 мингта яқин коса, лаган, пиёла ва чойнакнинг 12 хил намуналарини юбордилар. Суратларда: 1. Ўзбекистон ССРда хизмат иўрассатан маданият ҳодими X. Сатторов шогирди Сулаймонов билан. 2. Марҳамат, лаганлар тайёр! [кулол Йўлдошев]. 3. Аъло меҳнат — яхши сифат [Р. Каримова янги маҳсулотларни кўздан кечирмоқда].

В. МОЛГАЧЕВ фотопортажи

Редакция  
почтасидан

## ЧИМЁН МАЪДАН СУВИ

Шарқ халқлари шифобахш сувлардан қадим замонлардаёқ даво топиб келганлар. Тибиёт бобо-калони улуғ Абу Али ибн Сино беморни даволашда қуёш нури, мусаффо ҳаво билан бирга маъдан сувларининг ҳам аҳамияти катта эканлигини алоҳида уқдириб ўтган эди. Фарғона водийсида

ҳам инсон организмига куч-қувват баҳш этадиган ана шундай шифобахш сув манбалари мавжуд. Мамнуният билан шуни қайд этиш мумкинки, Совет ҳокимиётави даврида водийнинг табиий ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш усувлари илмий асосда ишлаб чиқилди. Бир қанча маъдан суви ва балиқ манбалари асосида шифохоналар очилди.

Фарғона водийсида юздан ортиқ ҳар хил маъдан сув манбалари бор. Шулердан бири Чимён маъдан суви бўлиб, у қон-томирларининг турли касалликларига, бод оқибатида юрак қаватларининг сурункали яллиғланишига, қон босимининг кўтарилишига, ҳаракат аъзоларининг оғришига ва турли асад хасталикларига шифодир. Мутахассис шифокорларнинг фикрича, Чимён маъдан суви айниқса юрак қон томирлари касалликларини даволашда Соидаги Мацеста маъдан сувидан қолишимайди, ҳатто таркибидаги айрим моддаларининг сероблиги ва фойдалилиги жиҳатидан ундан устунлик қиласди.

Шифохона сувининг таркибидаги калий, натрий, кальций, маг-

ний, сульфид, хлор, бром ва бошқа кимёвий элементлар беморларни даволашда жуда қўл келмоқда. Чимёнда кам минераллашган маъдан сувидан тортиб намакоблашган сувгача учрайди. Маъдан сувидан эса ванналар қабул қилинади. Бундан ташқари, электр қуввати билан даволаш, парафин, уқалаш, даволава физкультураси, қуёш ва ҳаво терапияси каби воситалар ҳам кенг кўлланимоқда. У. Иноятов, А. Пархоменко, П. Мамажонов, М. Хайдаров сингари шифокорлар беморларни меҳрибонлик билан даволамоқдалар.

Даставвал, яъни 1928 йилда оддий касалхона тарзида юзага келган шифохонада бальнеологик даволаниш ташкил этилгандан бўён қирқ минг киши шифо топди. Биргина ўтган йили Чимён санаториясида икки минг киши даволанди.

КПСС XXVI съезди қарорларида совет халқининг сиҳат-саломатлигини янада яхшилаш учун санатория-курорт, дам олиш уйлари, пансионат, профилактория шохобчаларини кенгайтириш истика боллари белгиланган. Чимён

маъдан сувидан бундан кейин ҳам етарлича фойдаланиш мақсадидан Лангар қишлоғида Ўрта Осиё темир ўйлчиларига хизмат қиладиган 150 ўринли пансионат ишга туширилди. Иттифоқ аҳамиятига эга минг ўринли Чимён санаториясининг янги корпусларини куриш жадал суръатлар билан давом этмоқда. 500 ўринли янги меҳмонхона биноси курилиб фойдаланишга топширилди.

Бу ерда дам оловчилар ва даволанувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўқазишлари учун барча қуляй шароитлар мавжуд. Водийнинг тарихий меъморлик ёдгорликлари ва хушманзара жойларига бориш учун Чимён санаторийсидан меҳмонлар учун автобуслар катнови уюширилган.

Хуллас, Чимён санатория-курорт комплексига айланмоқда. Бу ерда курорт зонасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун катта ишлар амалга оширилапти.

Ҳа, бугунги кунда Чимён санаториясини Фарғона мацестаси деб фархланса арзиди.

А. ЗОКИРОВ

# ҚИШЛОҒИМИЗ ҚИЗЛАРИ—

## ЧЕМПИОН

Кенг асфальт йўл ёқасида азим тераклар салобат тўкиб турибди. Уларни бир-биридан ажратиш қийин. Деярли ҳаммаси бир хил: бўйдор, салобатли. Гўё атайлаб сағфа тизиб қўйилгандек. Бу пойтахт областъ Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг йўллари. Атрофда эса кенг дала. Баҳор у ёзда кўм-кўк, кузакда эса саҳоватли.

Колхоз ичкарисидаги кенг кўчалар, турна қатор турар-жой, кўп қаватли маъмурӣ ва майший бинолар, йирик спорт комплекси диккатнингизни ўзига тортади. Гўё ўзингизни колхозга эмас, кичик социалистик шаҳарчага кириб қолгандек ҳисетасиз.

Спорт комплекси... Қишлоқ ёшларининг аксарияти шу даргоҳ томон шошилладилар. Биз ҳам бурилдик. Буни қарангни, машғулотлар бошлинишидан аввал ўтказилаётган кичик норасмий йигилиш устидан чиқиб қолдик. Спорчай кийини олган ёшланглар олдидаги қадди-қомати келишган бўйдор бир қизча ҳаяжонлиниб гапиради. Сўзлаётган қиз ССРР спорт мастерлигига номзод, «Политотдел» колхозининг чим устида хоккей қизлар командасининг ҳужумчиси Мавлуда Тошматова эди. У яқиндагина ўтказилган ёшлар ўтрасидаги Европа чемпионатидан ғолиб бўлиб қайтди. Мавлуда чемпионат тўғрисидаги таассуротларини ҳамқишлоқларига айтиб бераётган эди.

Ха, Мавлуда командадош дугончалари — терма команда комсорги Малоҳат Усмонова, Людмила Хегай, Людмила Ли, Лели Паг ва Зинайдар Юртовалар билан бирга ёшлар ўтрасида Европа чемпиони, деган юксак номга сазовор бўлди. Бу юксак ном осонликча қўлга киритилгани йўқ. Чемпионат қизғин ку-

рашлар остида ўтди. Колхознинг олти кизи ССРР терма команда сидаги қатнашиб, коллективнинг асосини ташкил этди. Улар ҳар бир ўйинда ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Чемпионатнинг уч учрашувида рақиблар дарвозасига киритилган олти тўпнинг учтаси Мавлуда Тошматова хисобига қайд этилди.

«Политотдел» командаси — ҳали ёш колектив. Биринчидан, команда ташкил этилганига эндиғина тўрт йил бўлди. Шунга кўра, унинг таржимиҳи ҳам у қадар бой эмас. Иккинчидан эса, команда аъзоларининг ўртача ёшли йигирмага етаретмас. У ёш жиҳатидан мамлакатимиздаги энг кенжа коллективлардан бирни хисобланади.

Бундан тўрт йил муқаддам қишлоқ ёшларини спорт ишларига янада кенгроқ жабл этиш мақсадида колхоз спорт комплексида ишлаб турган мавжуд ўн бир тўғарак қаторига яна бир команда қўшилди. Чим устида хоккей тўғарагига қишлоқ ёшлари ҳамда мактаб ўқувчиларидан 18 қиз танлаб олинди. Дастреб қийинчиликларга дуч келindi. Қизлар дастреб човгонни қўлда қандай ушлаш кераклигидан иш бошлидилар. Кўп ўтмай уларга тажриба ўргатиш учун Тошкентнинг «Университет» командасидан Алла Деева, Нина Солдина, Галина Хабибулина сингари маҳоратли ўйинчилар ёрдамга келдилар. Тинимиз машқлар, узоқ изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Команда ўша йилик йирик турнирларда қатнашди. ССРР Спорт комитети таъсис этган биллур соврин учун ўтказилган мусобақа ана шундай турнирлардан бирни эди. Турнирда колхоз қизлари муваффақиятли иштирок этиб, бosh совринни қўлга киритилар. Голиб командага биллур сов-

рин билан бирга ССРР чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқи ҳам берилди.

— Мана, уч йилдирки, мазкур лигада қатнашиб келаётимиз, — дейди команда бош тренери Игорь Хван. — Дастреби иккни йил мобайнида мамлакатимиз кучли колективлари орасида ўз мавзумизни мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилидик. Бу йилги асосий мақсадимиз ССРР чемпионати — олий лигада иштирон этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмани қўлга киритишдан иборат эди. Мана, олий лигада қатнашиш ҳуқуқига ҳам эришдик.

Чим устида хоккей — спортнинг нисбатан ёш ва кенг оммалашаётган турларидан бири. Мазкур турнинг жаҳон Олимпиада ўйинлари программасидан мустаҳкам ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Мана, уч йилдирки, мамлакатимизда аёллар ўртасида ССРР чемпионати мусобақалари ўтказиляпти. Политотделлик қизларни, айниқса, «Андижонкан» командасининг муваффақиятлари руҳлантирияпти. Қизлар улардан ибрат олиб, ўз маҳоратларини кундан-кунга ошироқларидар.

Қишлоқ ёшларини спорту жалб этиш, қишлоқ спортини юксалтириш «Политотдел» колхозида яхши анъанави айланниб қолди. Тошкент обласи комсомол комитети билан ҳамкорликда «Тошкент баҳори» турнири, республика Қишлоқ ҳужалиги министрлиги билан ҳамкорликда машҳур пахткор, иккни марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони Турсуной Охунова соврини учун ўтказилган мусобақалар ана шулар жумласидандир. Бундай мусобақалар чогида колхознинг 20 минг томошабинга мўлжалланган спорт комплексига одам симай кетади. Колхоздагилар фақат хоккейчи қизлар билан гонағина эмас, Бутуннитифоқ мусобақаларида республикамиз спорт шарафини муносаби ҳимоя қилиб келадиган шашкачилар, велосипедчилар, дзю-до курашчилари, оғир атлетикачилари билан ҳам ҳақли равишда фахрланадилар.

Бугунги кунда ҳужалик бўйича 1 минг 300 нафар колхозчи физкультура ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланади. Соддароқ қилиб айтганда, ҳар икки колхозчи-

нинг бири физкультураидир. Улардан 32 киши ССРР спорт мастери ёки мастерликка номзод. 300 дан ортиқ спортчи биринчи разрядли нормативни бажарган. Кўплаб оммавий разрядли ва ГТО нишондорлари бор. Улар турли мусобақаларда ўз колхозлари спорт байроғини баланд кўтариб боришиятни. Колхоз раиси, Социалистик Мехнат Қаҳрамони, Хван Ман Гимнинг гуваҳлик беришича, колхоз аъзолари меҳнат билан бирга спортга ҳам чинакам ихлос қўйганлар. Спорту қизиқиши кучлилиги туфайли ҳужаликда ҳар йили колхозчиларнинг анъанавий спартакиадаси ўтказиш одат тусиға кирган. Август ойининг охирида, оммавий йигим-терим мавсуми олдидан далада иш бир оз енгиллашгандек бўлади. Ана шу кезларда спартакиада мусобақалари ўтказилади. Бу йил ҳам колхоз стадионида уч кун давомида колхозчиларнинг анъанавий XV спартакиадаси байроғи ҳиллираб турди. Унда колхоз спортичлари спортнинг велосипед пойгаси, футбол, волейбол, чим устида хоккей, ГТО кўпкураши, миллий кураш, оғир атлетика, шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Гарчи мусобақаларда рекордлар, юксак натижалар қайд этилмаган бўлса-да, энг катта ютуқ эгалланди. Бу — саломатлик. Соғ тандада соғ ақл, дейдилар. Колхозчилар йигим-терим олдидан кучларини тўплаб, кайфиятларини чоғлаб олдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, спортнинг ҳар бир тури бўйича колхоз терма команда тузилди. Мавжуд команда составларига ўзгартишлар киритилди. Эди улар катта турнирларда жонажон колхозларининг спорт шарафини ҳимоя қиласдилар.

КПСС Марказий Комитети ва ССРР Министрлар Советининг шу йил октябрь ойида «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисидан деб чиқарган қарори қишлоқ спортичларини руҳлантириб юборди. Улар мазкур қарорни ўзлари учун дастурламал қилиб олдилар ҳамда унда илгари сурилган тадбирларни оғишмай ҳаётга татбиқ этмоқдалар.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ



## Истеъоддод ва эътиқод кураши

Италиянинг Мерано шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан шахмат тожига даъвогар Корчной ўтрасида бўлган кураш кескин, мураккаб ва қизғин олишув вазиятида ўтди. Шахмат иш-ибозларининг диккат-эътибори ҳамда Мерано шаҳрида бўлди. Иш-ибозлар ҳар бир ўйинни радио, телевидение ва вактли матбуот орқали мунтазам равишида сабрсизлик билан кузатиб бордилар.

Маълумки, жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўйинни баланд рух билан бошлиди. Биринчи партияда қора доналарни суриш Карповнинг чекига тушди. Бирор у қора доналарни дарсанга тушди. Манга доналар билан ўйнаган бўлса ҳам бошдаётк ўзини эсанкиратиб қўй-

ди: илк партияда ғалаба қозониб, мұхим бир очкони қўлга киритид. Иккинчи партияда оқ доналар билан ўйнаган Карпов ўзининг қувваи ҳофзаси ва истеъоди нақадар кучлилигини, шахмат тожи даъвогарининг чиранишлари беҳуда эканлигини шахмат таҳтаси устида яна бир карра исботлади. Ўйин иккни кунга чўзилди. Биринчи куни ўйин 42 юришга давом этди. Қолдирилган партиянинг ҳолати мана бундай эди: оқ доналар (Карпов) — Kрh2, Ff5, La5, Cg3, Kd3, пиёдалар — a2, b4, c2, f3, g2, h3; қора доналар (Корчной) — Kрg8, Fb7, Le8, Cf7, Ke8, пиёдалар — c6, d4, f6, g7, h6.

Кўриниб-турибидики, шак-шубҳасиз оқ доналар билан ўйнаган Карповнинг қўли баланд. Шунинг учун 4 октябрь якшанба куни партия давом этирилганда, даъвогар чемпионга қарши ҳужум қилишга ҳеч қандай чора-тадбир тополмай қолди. Партия шундай давом этирилган эди: 42. a3 (ёзиб қўйилган юриш) La8 43. h4 h5. Бу сўнгги юриш билан қора пиёда оқ пиёданинг h5 майдони сари интилаётган йўлини тўсди. Чемпион вазиятини дарҳол чуқур таҳлил қилиб, рақибининг ҳимоясини ва режасини чиплакка чиқарди: 44. Kf2 Fd7 45. La8 Ff8 46. Fa5 Cg6 47. Kd3 Kрh7 48. Fb6 Lc8 49. a4 Cf5 50. a5 c5 51. bc C : d3 52. cd K : c5 53. La7 Fg6 54. Lc7

Л : c7 55. С : c7 K : d3. Барни бир Карповнинг вазиятини рақибига ишлабтан жанговар ҳолатда, унинг бир пиёдаси эса ҳеч қандай тўсиқсиз фарзинга интилоқда эди 56. F : d4 Ke5 57. С : e5. Бу ерда қора отнинг e5 га юриши даъвогарнинг ҳаддан ташқари асабиляшганини кўрсатди. Чунки у мана шу нотуғри юриши билан яна бир пиёдасини бой берди. Шундан кейин курашиш бефойда эканлигини ишонч ҳосил қилган даъвогар мажбуран таслим бўлди.

Анатолий Карпов қора доналар билан ўйнаган учинчи партия дуранг натижада эди. Тўртичини партияда эса даъвогар яна «таъзирини эди». Оқ доналар билан ўйнаган чемпион рақибини таслим бўлиши мажбур этиб, атиги тўрт ўйинда 3 : 0 ҳисобида олдинга ўтиб олди. Жаҳон шахмат ҳакамларини чиқарган қоноти бор эди: биринчиси, унинг бетакрор талантни, қувваи ҳофзаси бўлса, иккинчиси, улуғ мамлакати — қудратли ССРР давлати эди. Карпов фақат шахмат тожи учунгина курашмади. У ўз она мамлакатининг сиёсий мавқеи учун ҳам кураши.

Ҳаммага аёнки, бундан олдинги чемпионатда, 1978 йили Багиода бўлган учрашувда ҳам Карпов шахмат тожини Корчнойдан ҳимоя қилинган эди. Шахмат ишқибозларининг ёдидага бўлса керак, Багио учрашви — шахмат тарихида уч ойга чўзилган энг узоқ матч бўлиб қолди.

Шу билан бирга драматик ҳолатда ўтғанлиги билан ҳам шахмат тарихидаги энг оғир матч ҳисобланади. Бинобарин, Карповнинг рақиби тузилди. Карповни енгиш учун у барча ярамасликларни ишга солиб кўрди. Аммо чемпион даъвогарнинг шов-шув, жанжал кўтаришларига, «асаб ўйини» қилишларига қарамай, уни 6 : 5 ҳисобида енгиб, шахмат тожини ўз қўлида ушлаб қолган эди.

Бу йил Карпов иккинчи марта яна бошадан тарихида учрашувда ҳам қаттиқ тайёргарлик кўриб келди. Мазкур матчда ҳам аввалинг тренер — Юрий Балашов билан Игорь Зайцевлар (иккакаси ҳам халқаро гроссмейстер) иштирок этидилар. Бундан ташқари, Карповнинг иккни қоноти бор эди: биринчиси, унинг бетакрор талантни, қувваи ҳофзаси бўлса, иккинчиси, улуғ мамлакати — қудратли ССРР давлати эди. Карпов фақат шахмат тожи учунгина курашмади. У ўз она мамлакатининг сиёсий мавқеи учун ҳам кураши. Чунончи, Анатолий Карпов Мерано матчиға отланни олдидан «Правда» газетасининг муҳиби билан субҳада бундай деган эди: «Мен яна бир нарсанни таъкидламоқчиман. Корчной — сиёсий жиҳатдан ашаддий душманимиз. Лекин худди мана шу

вазият менга күшімчада күч берди ва беради».


Дардақықат, Карпов ўз сүзининг устидан чиқди. Ҳам шахматдаги рақибидан, ҳам сиёсий мухолифидан ғолиб келди.

Шахмат төждори матчдаги барча үйинларда юксак масъулият ҳиссини, руний құдратини, шахматдаги бемисал иштедодини намоён этди. У шахмат тәдқиқотчилари ўрганса арзидиган қизиқарлы ва мұраккаб ҳужум комбинацияларини, олиб бұлмас мұстақам «күргөн»ли ҳимоя йүлларини матч давомидан кашф этди.

Э. МУХАММАД

## Испанча үйин

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5.



Бу дебют мана шу вазиятни биринчи марта тақтады қылған, XV ғасырда машхур шахмат назариятчилари — испаниялик Лусен ва Лопес шарағыға испанча партия дебютилади. Уларнинг фикричада, 3. Cb5 ни юришдан мақсад қораларнинг марказын пісіреді е5 ни хавф остида қолдирышдір. Ҳозирғы замон назариясынан бүйіча, бу хавф марказда үзақ давом этадын жаңғыннан бошланиши, холос. Оқлар режаси марказдаги d5 ва f5 майдонини әзгалаш ҳамда шоқ қанотига бұллады.

Ган ҳужумға қозирлік күришдан иборатдір. Қораларнинг режаси га биноан марказдаги d6 — d5 ҳужумынан қарши тайёр гарлап күріш, яширин «d» йүли билан сипохларни алмаштырыш күзде тутилади. Агар d4 — d5 юриши орқалы оқлар марказнан түсса, турли қанотта үзаро ҳужум бошлаш имконияти туғилади.

Испанча партияның турли системалари мавжуд. Бу партия қанузгача сақланып келаётган қадимги бир неча үйин бошланишларидан бири бўлиб, бугунги кунда ҳам кенг қўлланилади. Испанча партия бир қанча таникли шахматчилар, жумладан, Анатолий Карпов репертуаридан ҳам мустақам ўрин олган.

Испанча партияның асосий системалари қоралар танлаган йўлга қараб, иккита катта гурухга бўлинади. Биринчиси, уч юришдан кейин қораларнинг ағни юриши, иккинчиси эса учинчи юриши билан қораларнинг b5 майдонидаги жойлашган филига ҳужум қилиш мақсадида ағни юришидир.


Биринчи гурухга кўпроқ қадимги ҳимоялар киради: Берд ҳимояси: 3...Kd4, Кордел ҳимояси — 3...Cc5, Яниш гамбити — 3...f5 берлинча ҳимоя — 3...Kf6, Стейниц ҳимояси — 3...d6 ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда кўпроқ оммалашган юриш: 3...a6 ёрдамида ҳимояларнишдир. Бу ҳимояни буюк рус шахматчиси М. Чигорин ҳар томонлама тақлил этиб, унинг мукаммал шувига катта ҳисса қўшган. Чигорин ҳимоясининг бош вариантини бир мунча тўлиқроқ кўриб чиқайлик:

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5 a6 4. Cd4 Kf6 5. 0—0 Ce7 6. Le1 b5 7. Cb3 6 8. c3 0—0 9. h3 Ka5 10. Cc2 c5 11. d4 Fc7 12. Kbd2.

Бу танг вазиятдан чиқиши йўлини ахтарни жараёнда классик чигоринча система тармоқларидан кетди. Қораларнинг ҳар қайси системани танлаши учун имконият мавжуд: 12...Kc6, 12...Cb7; 12...cd; 12...g6; 12...Cd7.

Қораларнинг ҳар бир юриши учун оқларнинг ҳам ўз системаси ишлаб чиқылған. Ҳар бирининг асосий мақсади фақат марказнан әзгальб, фигура ва пісідалар жангнини бошлашда устунликка эришиш ёки улар устидан кузатувни бўшашибараслика қаратилган. Оқ отни марказлаштириш мұхим, бунинг учун доналарни: Kb1 — d2 — f1 — e3 (ёки g3) — f5 (ёки g5) тарзида жойлаштириш мумкун.



Кин. Пировардидан от қора шоҳга ҳужум қилиб, мұхим f5 майдони мустақамланиб олинади ёки 5 майдонидаги алмаштирилади. Чунки у оқ филининг b1-h7 бўйича таҳдид колаётган ҳужумини тўсади, бундан ташкиари, қора пісідаларни ҳужумини бошлайди.

d4 — d5 даги қора доналар шоҳ қанотидаги ҳимояга ўтади: Kf6 — e8 — g6 — Kg7 — f6 f5 ни тайёрлаб фарзинга қарши пісідалар ҳужумини бошлайди

## Қайта мот


Яна 3...ab дан кейин қизиқарлы бошланишлардан Меллер системаси: 4. Ca4 Cc5; кучайтирилган Стейниц ҳимояси: 4. Ca4 db; Маршаллнинг қарши ҳужуми: 4. Ca4 Kf6 5. 0—0 Ce7 6. Le1 b5 7. Cb3 0—0 8. c3 d5; очиқ вариант: 4. Ca4 Kf6 5. 0—0 K : e4.

Агар қораларнинг 3. ab юришига жавобан оқлар отни 4. C : eb уриб олса, алмашиш вариантни юзага келади. Бунда оқлар партия ниҳоясида ўзининг пиёда кучини ошириши кўзлади. Қораларнинг кетма-кетлашиб қолган пісідалари фарзинга қанотидаги пісіданнинг илгари силжишига йўл қўймайди. Бундай ҳолда оқлар ўзин ўртасида иложи борича йирик фигуранларни алмаштиришга, қоралар эса ортиқча алмашинишдан қочишга ҳаракат қилиши керак. Чунки қораларнинг иккала фили ҳам қарши ҳужумга ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, испанча партия узоқ ва оғир кураш вазиятида кечади. Үйинни давом эттиришнинг барча тармоқларида ҳам ҳар иккала томон жуда кўп нозикликларга дуч келади, шу сабабли ўйинчидан вазиятни теран таҳлил қила олишлик ва тактик топқириллик талаб этилади.

## К. ЗВОРИКИНА

- I. 1. ...Cg6 2. Fc1+ Cc2 (ноилож!)
  3. Kb5! c6: b5x.
  - II. 1. ...Ci7 2. K : eb + C : eb
  3. Lb5+!! ва яна c6 : b5x
  - III. 1. ...Cd7 2. Fd4+!! Kp : d4
  3. Kpb4! c5x.
- Диққат қилған бўлсангиз, қоралар уч вариантда ҳам мотдан «қочиб қутуломайди».



«Қайта мот» деб юритиладиган масала тузувчи олдига фавқулодда вазиятни топиш вазифасини қўяди. Ноизчил композитори Леонид Иванович Куббеллининг «қайта мот» соҳасига киравчи масаласини очиб кўрайлил.

Учинчи юришда қайта мот.

1. Ld3 — d8! Эътибор беринг, қоралар фақат битта фигурани — филининга юра олади. Унинг ҳам юриши чегараланган. Мана шундан келиб чиқиб, масаланинг ечилиши уч вариантаға бўллади:

## КРОССВОРД


Энгига: 1. Жасур совет учувчиси. 4. Химиявий элемент. 11. Совуқта чидамли дараҳт. 12. Митти сайдёра. 13. Совет адабиети ассоциларидан бири. 16. Шохли ҳайвон. 17. Санъаткор. 18. Шеърият вазнларидан бири. 21. Ўкувчиларнинг дам олиш маскани. 22. Ҳикоя сўзининг классик адабиётдаги шакли. 23. Республикаизда чиқадиган журнallардан бири. 24. Ақлий ўйин. 29. Ўй-рўзгор буюми. 30. Буюк немис драматурги. 31. Дениз. 35. Муз ва бўронлар ўлкаси. 37. Миллат. 38. Ўлчов бирлиги. 39. Думли юлдуз. 40. ОЙ.

Бўйига: 2. Сутканинг ярми. 3. Пазандалик касби. 5. Зукколарнинг ҳазил баҳси. 6. Соң. 7. Қизлар исми. 8. Илм даргоҳи. 9. Адабий жанр. 10. Совет саркардаси. 14. Мойли ўсимлик. 15. Мұқимийнинг сатирик асари. 19. Иттифоқимиздаги футбол командаси. 20. Классик топшишоқ тури. 25. Транспорт воситасини бошқарувчilar. 28. Комсомол ёрдамчиси. 27. Спорт тури. 28. Афсонавий крейсер. 32. Қаҳрамон қалъя. 33. Цитрус мева. 34. Гражданлар уруши қаҳрамони. 36. Кичик мамлакатлардан бири. Тузувчи Инобат МИРЗАЕВА

### 11-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энгига: 1. «Гўрўғли». 4. Агроном. 10. Абдулла. 11. Нотик. 12. Мажоз. 13. Реферат. 18. Оперетта. 19. Дилафкор. 20. Купер. 21. Мақол. 26. Трилогия. 27. Панорама. 30. Барабан. 32. Гилам. 33. Кашта. 34. Икромий. 35. Громова. 36. «Дилором».

Бўйига: 2. Радиф. 3. Либретто. 5. Гулханий. 6. «Нетай». 7. «Муножот». 8. Музей. 9. Тазкира. 14. Беруний. 15. Семенов. 16. Нақарот. 17. Акробат. 22. Атиргул. 23. Михалков. 24. Паганини. 25. Манзара. 28. «Баҳор». 29. Раъно. 31. Тагор.



# ИАКИР- ДИКАНАК

## РИЗҚ ВА РИХСИТИЛЛА

### ҲАЖВИЯ

Ярим тунда оғилхона эшиги олди-дан кимдир ўтгандек бўлди. Кавш қайтариб ётган Тарғилой Қашқани санни секин туртди:

— Дугонажон, туринг, хўжайин бизга ем келтирганга ўхшайди...

— Кўйинг, ширин уйқумни бузманг...

— Кўзингизни очинг-е! Яна чимхўрман деб мақтанаис. Охурингиз топ-тоза-ку? Хўралика мэндан қолишмайсиз, айланай...

Ховлида хотини билан айланиб юрган Рихситилла аканинг қулоғига оғилхонадан гўнгир-гўнгир эшитилганда бўлди. Секин оғилхона эшигини очиб, ичкарига қаради. Иккала сиғири ҳам жойида эди. Рихситилла ака эшикни қайта ёди-да, хотинига:

— Ҳаёлим қочган шекилли, говмишлар ўз ўринларида, — деди. Оғилхонадаги икки сиғир эса яна сұбатни қолган жойидан давом этиришиди:

— Ўтган ҳафта, эсингиздами, қўшинимизнинг тўйидан икки пақир мастава, бир пақир нўхотли шўрва, катта чой яшигидан қолган нон

чиқсан эди,— деди Тарғилой шеригига.— Иккى кун маза қилдик. Қани энди ҳар куни ўшанақа тўйлардан бўлиб турса. Бизга ҳам насиба чиқиб турар эди.

— Хўжайнинимизга қойилман,— деди Қашқаниса ҳам ўрнидан туриб.— Анча ичидан пишган одам экан. Кимнида тўй бўлса иккита катта пақири билан чой яшигини олиб чиқиб, пақири қозон бошига, яшикни эса таванхонага қўяди. Бир тарафи бизга ҳам яхши. Шу хўжайнинимизнинг эпчиллигидан бўлса керак-да, қотган-қутган, моторлаган нонга ҳатто, ширмой нонга ҳам тўйиб ол япмиз.

— Ҳа, тўғри айтасиз, қани энди тўйлар қишин-ёзин давом этса. Хўжайнинимиз, мана энди тўйлар камайиб, қотган-қутган нонларга магазиндан сотиб олинган қора нонни ҳам аралаштириб беряпти бизга.

— Сизга шундай туюлади-да, Тарғилой. Ҳафа бўлманг, хўжайнинимиз ярим йилга етарили бурдаланган нон фамлаб олган. Ҳозир ярим тунда эру хотин қаёқандир нон орқалаб келишиб шекилли.

— Қаёқдан билақолдингиз оғилхонада туриб?

— Нон ҳиди димоғимга келди...

— Жим бўлинг, кимнингдир шарпаси эшитиляпти.

Иккала сиғир жим бўлиб қолиши.

Шу пайт Рихситилла ака катта тоғорада бурдаланган нон кўтариб кирди-да, сиғирларнинг охурига бўлиб солди. Тарғилой билан Қашқаниса яна нонхўрликни бошлиди.

Рихситилла ташқарига чиқсан ҳам эдики, кўча эшиги тақилаб қолди.

— Ким бўлди экан-а, дадаси, бемаҳалда эшик қоқаётган? — деди Ҳакима опа. Рихситилла индамади.

У ҳайрон эди. Эшик қаттироқ тақилади. Шу пайт Рихситилла ақанинг катта ўғли Исмоғил йўталиб ҳовлига чиқди, дадаси билан аясининг қаққайиб туршиганини кўриб:

— Ия, тинчликми, дада? Кимдир эшикни тақиллатиши. Очсангиз бўлмайдими? — деди-да, кўча эшик томон юрди.— Кимсиз?

— Исмоғил, сенмисан, ука? Оц эшикни, дадангда иккиси оғиз гапим бор эди,— деди эшик қоқаётган одам.

Исмоғил:

— Комилжон ака, сизмисиз, ҳозир,— деди-да, эшикни очди.

Рихситилла қоқкан қозикдай ҳовли ўртасида турарди.

— Ассалому алайкум, Рихситилла ака! Бемаҳалда безовта қилганим учун узр. Малол келмаса, оғилхонагизни бир кўрмоқчи эдик, — деди участка инспектори Комилжон.

Рихситилла судралгандек қадам ташлаб, оғилхона эшигига борди. Эшикни очди.

— Қани, ўзингиз бошланг,— деди Комилжон уй эгасига. — Ҳаммамиз кирамиз... Сиғирларнинг ҳолидан бир хабар олайлик-чи...

Комилжон Рихситиллагага паст овозда:

— Ҳозир шовқин-сурон қилмайлик-да, эртага участкага чиқсангиз, ўша ерда бафуржга гаплашамиз,— деди.

Комилжон қўлидаги батареяли фонар ёруғида сиғирларнинг охуридан бир кисим нон бўлакларини олди-да, Рихситилла аканинг этагига солди.

Ўртага Рихситилла аканинг хотини тушди:

— Жон болам, худо хайрингизни берсин, бизни шарманда қилманг. Тўйдан қолган нонларни олиб кетинг, дейишган эди қўшинилар.

— Тўйдан келган нонлар эди, ука,— деди Рихситилла нима дейиншини билмай.— Ҳаммаси қотган-қутган...

— Рихситилла ака, тўйни баҳона қилманг, йил-ўн иккиси ой тўй бўлмайди-ку. Қотган нонлар ичидан мана бу юмшоқ қора нонга нима дейисиз? Шу маҳаллада иккиси йилдан бўён участкавой инспекторман, — деди Комилжон ғазабланиб,— мендан чеч нарсани яшира олмайсиз. Қора мол учун бирон марта ем туширганингизни кўрган эмасман. Устингиздан шикоят ҳам бор. Наҳотки, ризқи-рўзимиз нондек азиз нарсани молга едирсангиз? Қўлингиз қадоқ бўлиб дехқончилик қилмагансиз-да. Шунинг учун доннинг қадрини ҳам билмайсиз. Ноннинг уволи тутмайдими?! Молни уdda қилсангиз боқинг-да!

— Кечир, участкавой ўғлим, мэндан ўтиби, энди бундай номақулчилик қилмайман,— деб бошини ҳам қилди Рихситилла ака.

— Мен-ку кечирарман, жамоатчилик нима деркин? — деди Комилжон уй эгасига.— Қани, ҳовлига чиқайлик, қолган гапларни ўша ерда давом этирамиз...

Улар оғилхонадан чиқиб кетганларидан сўнг Тарғилой билан Қашқаниса бир-бирига қараб, «Ҳи-им!», деб қўйишиди.

Анвар САЙДУМАРОВ



Үн чоғли парранда жамланиб мундок, «Гап» емоқ исташди бўлишиб иноқ. Қарғавой, Ҳаккавой ва Қораشاқшак, Уккибек, Бойўғли ҳамда Қарқиноқ.

Олифта Тўти ҳам, абжир Загизон, Попишак, устомон Жиближабон. Ҳар ҳафта жўр бўлиб қурдилар давра, ўртага тўкишиб анвойи хил дон.

Латифа, асқия сұбатнинг кўри, Пайровга тушганинг қурийди шўри. Тобора емишлар тўқиндан тўкин, Қилқиллаб қўйилар конъякнинг зўри.

Жим ётмас, ичилгач, кўнгилда бор гап, Баҳс борар қизишиб, авжларга қараб. Бириси биридан бўлиб билимдон, Чунонам тортишгай роса чулдира.

Менсимиш мутлақо бошқа қушларни, Назарга илишмас тенгу тўшларни. Үзларин санашиб қушлар сараси, Унүтиб қўймишлар ақлу ҳушларни.

### Зоҳиджон ОБИДОВ

## Бўлишиб иноқ...

Қўмрининг азмиди деб янгилик кам, Эскирди демишлар булбул кўйи ҳам. Савванинг сайрашин хушламай мутлок, Тўрғайнинг садосин айтурлар пурғам.

Чумчукнинг кўйлашин деб серқирра, Мақтодан туширмай қўйишди сира. Дегайлар Каккунি кўтартмак даркор, Мағзини чақайлик, сайрап деб сара.

Бу давра бамисли «Илон Қалъадир», Кўнгилга тушмаслар четда қоладир. Гўёки шуларда куйлашлар ғами, Улар зап чувиллаб «куйиб-ёнадир».

Үн чоғли парранда жамланиб шундок, Кўнгилни хушлашар бўлишиб иноқ. Бу давра қай ерда, қай хилда сайраш — Лозимдир, келишиб олишгай ҳар чоқ.

Сўнгра гап борадир узок-яқиндан, Қайси бир ўрмонга тушган чақиндан. Қай ерда қушларга шароит қандок, Қайдандир юракка тушган ёлқиндан.

Эътироуз этганга ҳужум бошланар, Кўплашиб шўрликни чўқиб ташлашар. Не дердик, ҳаётнинг ўз қонуни бор, Не қандок, саралаб довонлар ошар.

Үн чоғли парранда жамланиб шундок Гап ерлар галма-гал бўлишиб иноқ. Бошқалар уларга инсоф берсин деб, Ҳайрат-ла боқишар, бўлишибин деб соғ.

# ИБЛИС

## ҲАЖВИЯ

Янги тушган кўп қаватли уйга кўчиб келган мулла Хилват жонлик сўйиб, кўшниларини таклиф қилди. Кўпчилик ишда бўлгани учун маҳала комиссиясининг собиқ раиси Зухур чаққон беш-олтига қарияни бошлаб келди. Мехмонлар энди зинадан кўтарилаётганда, ичкаридан аввал тепки еган мушукнинг бигиллаши, кейин, «Хе, пайғамбарнинг эркаси бўлсанг ҳам падаринга лаънат!», деган сўқиш эшилтиди.

— Мулла Хилватнинг авзойи бузуқка ўхшайди, — деди Сулаймон ота хассаси билан ичкарини кўрсатиб. — Кирсанок нокулай бўлмасмикин?

Зухур чаққон илжайиб олдинга ўтди:

— Юраверинг, оқсоқол, тақси-римнинг кайфиятини ўзим кўтариб юбораман.

Қариялар тайсаллаб, «ўтинг-ўтинг» килиб, ичкари киришди. Эллик ёшларга борган, кўзлари ўйнаб турган мулла Хилват ёғли бармоқларини ялаб, меҳмонларга пешвуз чиқди:

— Хуш кўрдик, азиз қўшнилар, қани, ичкарига марҳамат! Мулла Зухуржон, оғарин, бошим самога етди, оғарин!

Мехмонлар ноз-неъмат тўлдирилган хотинта атрофидан жой олди-лар. Фотиҳа ўқиди, нон ушатилди, иссиқ овқат тортилди. Қариялар сиполик билан шидаги билур қандилга, деворга битилган арабча оятларга кўз юргутириб, чой хўплашар, Зухур чаққон бўлса кўзини мезбонга қадаб кекирдагини қашлар эди. Мулла Хилват бир пайт «бўлади», дегандек бosh силкаб ўрнидан турди, ташқарига чиқиб, қалпоқ кийдирилган чойнак кўтариб кирди. Зухур чаққон ўспирин йигитдай сакраб туртиб, чойнакка кўл узатди. Чўйка тушиб, ишга киришди. Иккита пиёлага тенг «чой» кўйиб, бирини мулла Хилватга узатди. Шу пайт эшик кия очилиб, ёш боланинг бурни кўринди:

— Дада, закуска эсингиздан чиқиб қолибди, олиб кириб берайми? «Чой»ни «ба нияти шифо!», деб кўтараётган мулла Хилват тўсатдан қалқиб кетди, кейин йўтал аралаш ўғлига ўшқири:

— Еп эшикни, падар лаънат!

Кейин ҳайратдан оғзи очилиб

қолган меҳмонларга изоҳ берди:

— Бодлизим ЗАГСга бормоқчи эди, шуни эслатяпти, зумраша.

Зухур чаққон қийқириб кулди, меҳмонлар кўз уриштириб олишиди.

Анчагина дадиллашган Зухур чаққон мезбонга навбатдаги «чой»ни узатди, мулла Хилват уни оплок ичиб юборди.

— Тақсир, ўғлингизнинг гапи бир латифани эсимга тушириди, шуни айтиб берайми? — деди нон кавшаб сўради Зухур чаққон.

Мулла Хилват лабини тишлаб, бош чайқади, кейин қарияларга қаради.

— Отахонлар, кўпдан бери сухбатларингни олмоқчи бўлиб юар эдим, мана, худога шукур, ниятимга етдим, сизлар билан танишиб олдим. Мулла Зухур билан бўлса эски қадрдомиз, бир ароқни... йўғ-е, падарига лаънат,, ҳалиги... узумнинг қуритилгани нима дейиларди?

— Бир қурутни десанг-чи, меров! — луқма ташлади кайфи ошиб қолган чаққон.

— Ҳа, Зухур бойвачча билан бир қурутни бўлиб еймиз. Падарига ла... йўғ-е, падарига раҳмат, ошна-оғаниларнинг ёрдами билан мачитга мутта... вали бўлиб олдик. Худога шукур, ризқимизни териб еб юрибмиз. Савобтаблар омон бўлсин, пул, гилам, дегандай, ишқилиб келиб туриби. Сахий мўминларни дуо қилиб юрибмиз...

Зухур чаққон «чой» узатиб, унинг гапини бўлди.

— Хилват, ҳозир ЗАГС дан ўтган келин-куёвлар никоҳ ўқитиши учун мачитга боради дейишади, шу гап ростми?

Мулла Хилват тамшаниб, тангланини тақиллатди:

— Оҳ-оҳ, шунақанги парилар борадики, нак бир қошиқ сув билан ютиб юборгинг келади. Қани энди шунақа дўндиқчалардан бирига ўйланиб олсанг...

— Ҳа, нафсингга ўт тушсин! — деди чаққон тиззасига муштлаб, — иккитаси камлик қиляптими, а? Менга қара, тақсир, «зино» билан «зина»нинг фарқи нимада, шуни тушунтириб беролмайсанми?

Мулла Хилват бепарво қўл силтади.

— «Арақ» билан «ароқ» деганга ўхшаш иккаласи ҳам бир хил гап!

— Ана, тақси-римнинг қаромати! — деди Зухур чаққон меҳмонларга қараб. — Бу кишининг қорнини ёрсанг алиф чиқмайди, ҳа!

Ерга қараб ўтирган қариялардан биро биноши сарак-сарак қилди:

— Ҳой, ҳой Зухурвой, унақа деманг, гуноҳ бўлади.

— Гуноҳ дедингизми? — чўйкаб олди Зухур чаққон. — Бу «фаришта»ни ким деб ўлайяпсиз ҳали? Мана, мен айтиб бераман унинг кимлигини! Бахмал шим, қизил этик кийиб, тўйларда ўйнаган, ром кўриб, «обдастагардон» қиласидиган эшон шу киши бўладилар! Тул хотинга ўйланиб, мол-дунёси тамом бўлгандаги қочиб қоладиган, шаҳарма-шаҳар изғиб, ўлжа қидирадиган модабоз ҳам шу киши бўладилар. Агар ишонмасанглар, кўкрагини очиб кўринглар, яланғоч хотиннинг сурати бор. «Турмадан эсадлик» эмиш! Қани, тақсир, мард бўлсанг, кўксингни очиб кўрсат, отахонлар бир кўриб қўйишишн!



Расмларни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

— Зухуржон, нима кераги бор шунақа гапларнинг? — деди мулла Хилват мулойимлик билан. — Айбиз парвардигор, дейдилар. Ахир, гуноҳ қилиш бизга Одам Атодан мерос-ку! Қидирса ҳаммамиздан ҳам айб топилади. Тўғрилик, ҳақиқат ҳақида лоғ урамиз, ҳақиқат борми шу замонда? Магазинчилар, домлалар қўша-қўша участкани қайси пулга қуришапти? «Жигули», «Волга»ларни қанақа даромадга олишапти? Қани, куруқ ойликка яшаб кўринг-чи. Кўрлани бошингизга торсангиз, оёғингиз очилиб қолади. Мана, масалан, янги уйга кўчиб келгандан бўён биронтангиз худо йўлига кўй у ёқда турсин, ақалли, кўён сўйдингларми? Йўқ, курбингиз етмайди..

Сукут сақлаб ўтирган Сулаймон ота бир қўзғалиб олди.

— Қўшини, боя айтганингиздай, бир-биримизни яхши таниб олдик, раҳмат сизга. Ёнғони ҳақиб кўрмагунча унинг пуч, тўклигини билиб бўлмайди. Мана, кимлигингиз маълум бўлди. Қаримай сўғи бўлгандардан экансиз. Дилингиз гўрдан ҳам коронги экан, фақат ёмон нарсани кўрар экансиз. Бир ўтиришдаёт ҳалол одамларнинг юзига лой чаплаб чиқдингиз, пешона тери

билан бола боқаётган соғдил кишилаға фийбат тошини отдингиз. Эски мўридан сассиқ тутун чиқар экан, садқай одам кетинг. Худойи деб кериласиз, сизнинг дастурхоннингиздан туз тотган киши гуноҳи азимга ботади. Сиз, яратувчини унтиб кўйган иблис экансиз! Облоҳу акбар, туринглар, кетдик!

Мехмонлар гурра ўрнларидан турдилар. Мулла Хилват ҳам «ё, пирим»лаб жойидан қўзғалди, кейин, билагидаги «мусулмон» фиштидай тилла соатига қараб, қариялардан сўради.

— Намоз вақти бўлиб қолибди, бир юмалаб олмаймизми, отахонлар?

Қариялар жавоб бермай, этакларини қоқиб, чиқиб кетдилар.

Калишини пойма-пой кияётган Зухур чаққон заҳархандалик билан кулиди:

— Сен, кетингда намоз ўқиганларни тўғри дўзахга бошлаб борасан! Бир ўзинг думалайвер, якка моҳов!

Мулла Хилват: «шу гапингиз яхши эмас-да», деганча қолаверди.

Зухур чаққон қўл силтаб чиқиб кетди.

Абдулла ҚОЗОҚ

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Сайд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистан» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўрнинбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-снёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 20.10.1981 й. Босишига руҳсат этилди 26.11.1981 й. Р-16618. Қозоз 70×108<sup>1/8</sup>. Ботиқ усууда босилди. Шартли босма тобог 5,6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 266850. Буюртма 2009. Нашр М-107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси. 26.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет. Истеъодди хонанда Муножот Йўлчиева.

Н. ШАРИПОВ фотоси

Тўртинчи бет. Рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджонов миниатюраларидан намуналар. (А. Мадраҳимовнинг 17-бетдаги «Миниатюра санъатининг шайдоси» сарлавҳали мақоласини ўқинг).

# Янги йил хазильтари



Изоҳга ҳожат йўқ.



— Ярамас, сабзини музлатиб қўйибсан-ку!



Расмларни А. ХОЛИКОВ чизган



— Жонгинам, сенга осмондан юлдузни олиб келмошиман!  
Йўқ, энди ҳеч қаёқча бормайсиз!

— М-менинг хотиним Ф-фариш-та.  
— М-менини ҳ-ҳам ҳар қалай о-одам эмас...



ЛЕКЦИЯ  
«ШАЙТОН БОРМИ?»

— Вой, Шайтон-ей, ўзи ҳақидаги лекцияда ҳам пайдо бўлибди-я!



Худбиннинг...

Порахўрнинг...



— Борганимда мени танимай қоласизлар,  
деб ёзганинг тўғри экан, қизим!



— Агар потеряяга ютуқ чиқса, узун оламан.  
— Чикмаса-чи!  
— Унда, сиз олиб берасиз!



Бракчининг Янги йил қадаҳлари.



Тоҳирнинг түғилиши.

(«Тоҳир ва Зуҳра» достонига ишланган миниатюра).



Аждаҳо билан жанг. («Фарҳод ва Ширин» достонига ишланган миниатюра).



Чилангар Кова қўзғолони. («Шоҳнома» ага ишланган миниатюра).

ISSN 0134—2207

Баҳоси 30 тийин

Индекс 75233

Наврӯз сайли.



Дев билан олишув. («Фарҳод ва Ширин» достонига ишланган миниатюра).